

Омонжон ҲОШИМОВ

408652

Кўнгли  
дафтар



**Омонжон ҲОШИМОВ**

**КЎНГИЛ  
ДАФТАРИ**

«Фарғона» нашриёти,  
2016 йил.

УЎК: 821.512.133-43

КБК: 84(5Ў)7

Ҳ 71

**ҲОШИМОВ, Омонжон**

**КЎНГИЛ ДАФТАРИ:** очерклар, эсдаликлар; адабий-публицистик нашр; О.Ҳошимов. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2016. – 168 бет + [19] кўйилган расм.

Мазкур тўплам таникли ижодкор, фаол тарғиботчи, фахрий журналист Омонжон Ҳошимовнинг юрагидаги сўзлар, қалбида тинчлик бермаётган фикрлар жамланмасидир. Юракдаги, кўнгилдаги гапларни айтиш, айта олиш эса – бемисл бахт.

Муаллиф юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган юртдошларимиз фаолиятдан фахрланса, кўзга ташланган мавжуд муаммо ва камчиликлардан куюнади. Юрагида борини, кўнгилдаги гапларини баён қилади...

УЎК: 821.512.133-43

КБК: 84(5Ў)7

ISBN: 978-9943-980-80-8

©О.Ҳошимов – 2016.

©«Фарғона» нашриёти – 2016.

## СЎЗБОШИ

Азиз китобхон!

Сизга ҳавола этаётган ушбу битикларимни «Кўнгил дафтари» деб номладим. Боиси, кўнгил – дарё, кўнгил – боғ, кўнгил – армон, кўнгил – дард экан.

Бу саҳифалар – кўнглимни безатган энг ёруғ лаҳзаларим, гоҳо ўйларга толдирган нидоларимдир. Бошқача айтганда, бу ердаги битиклар умримга, ҳаёт йўлларимга ҳамроҳ бўлган азизларим ҳақидаги дил сўзларим ва уларнинг ҳам менга атаган кўнгил изҳорларидир.

Дилга яқинларим суҳбатларидан, ижодларидан ҳамиша руҳланаман, қувват оламан. Шунинг учун уларнинг қалб сўзларини ҳам ушбу рисолага киритишни жоиз деб билдим.

Инсон бир-бирига меҳр тутмаса, дунё хувиллайди, олам ғариблашади. Мен ҳамиша сиз билан омонман, яхшилар.

Омонжон  
ҲОШИМОВ



**КЎНГИЛ  
ДАФТАРИ**

*Муаллиф*

## ПОКЛАНИШДАН БОШЛАНУР ВАТАН

Омонжон  
ҲОШИМОВ



**КЎНГИЛ  
ДАФТАРИ**

Фарғона водийсига ортиқча таъриф-тавсиф беришга ҳожат йўқ. Табиатнинг бу ажойиб гўшаси содда, оккўнгил ва иймон-эътиқодли, меҳмондўст халқи билан янада гўзалдир. Фарғоналик биродаримиз Омонжон Ҳошимов бу юрт жамоли ҳақида хаяжонли, муҳаббатли мулоҳаза битибдилар. Озод юрт ҳақида завқ-шавқ билан ёзиш ватанпарварлик белгисидир. Ватанни севиш – бизнинг ҳаётимиз, турмушимиз, қилаётган амалларимизнинг туб моҳияти бўлса, ажаб эмас. Ватан фаровонлиги кўп эзгуликлардан ҳосил бўлади. Муаллифнинг юрт, табиат, хонадон, инсон озодалиги, кўнгил поклиги тўғрисидаги кайғуришларига ҳамиша шерикмиз. Чунки онгнинг белгиси – озодалик ва фаросат. Шундай эмасми?

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши аъзоси, партия ва газетамизнинг фаол тарғиботчиси, таниқли журналист Омонжон ака Ҳошимов кутлуғ 60 ёшга тўлди. Фидойи сафдошимизнинг толе кулган шижоатли кунлари тикланиш кадамлари билан шахдам келаётир, десак муболағаси йўқ. Навқирон қалбли, мудом ҳаёт илҳомига ошно маслакдошимиз Омонжон акага эзгу тилаклар билан узоқ йиллар омон бўлинг, деймиз.

*Балки тўним жанда бўлса, бордир-а,  
Сочларим ҳам мисли қиров, қордир-а.  
Аммо кўнглим гунчалашдан толмагай,  
Бахтим илҳом деган бир ёр, ёрдир-а.*

\* \* \*

*Кўчасида кезар эдим биргина,  
Кўнглим дейди бир ҳовлига киргин-а.  
Кирай десам, баҳонаи сабаб йўқ,  
Кирмай десам, согинчимга адад йўқ.*

\* \* \*

*Ажиб дилбар дўстга тутар нонини,  
Тили билан бергудайин жонини,  
Меҳри ила орттиради шонини,  
Шайдо қилиб ошиқ Омонжонини.*

Омонжон  
ҲОШИМОВ



**КЎНГИЛ  
ДАФТАРИ**

**Иброҳим ҒАФУРОВ, адабиётшунос  
олим.**

## ЮРАК АЙТИМЛАРИ

Омонжон  
ХОШИМОВ



### КЎНГИЛ ДАФТАРИ



«Кўнгил дафтари»га жамланган хотиралар, бадиалар, яқинларининг Омонжон Ҳошимов ҳақидаги дил сўзлари... Уларни муаллифнинг ўзига хос ижодий изланишлари, тиниб-тинчимаслиги, ҳаётга, одамларга бўлган эътибори, муносабати, кўнгил мавжлари ва ҳайратлари дегим келади.

«Кўнгил дафтари»даги мавзулар хилма-хил. Бироқ улар ўқувчини ўйлашга, фикрлашга, бир-биримизга меҳр ва ҳушёрлик билан назар ташлашга ўргатади.

Тўпламга жамланганлар ҳаётдаги ҳар бир изланишнинг баҳосини айтишга уринган уйғоқ кўнгил ҳайратлари, нидолари, армонларидир.


Китоб бўлиб чоп этилган бу чизгилар юракларга хаяжон, тўлқин солишига ишончимиз комил.

*Матлуба ДЕҲҚОН қизи,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*



## I. ДИЛДАГИ ГАПЛАР

*Омонжонман, омон юртда дилим гамларга бегона,  
Шу озод Ўзбекистоним жаҳонда менга бир дона.  
Таниб имлони, ўргандим муқаддас «дил ба ёр»имни,  
Яратдим фахр ила гулшан, шарафлаб «даст ба кор»имни.  
Шу боис кўрмагайлар ҳеч ганимлар оҳу зоримни,  
Куйиб кул бўлгуси, шаксиз, бу чексиз ифтихоримни.  
Ватан, сен танда жонимсан ҳам, эй, покиза иймоним,  
Ўзинг Фарзонажонимсан, ўзинг ҳур Ўзбекистоним,  
Йўли нур Ўзбекистоним!*





## ЯХШИЛАР ЁДИ

«Фаргона ҳақиқати» - «Ферганская правда» газетасининг  
80 йиллиги олдидан

Бу воқеа 1982 йилнинг август ойида вилоят рўзномасининг бош муҳаррири, камтарин, камсуқум инсон Абдулла ака Мирзаевнинг 70 йиллик тўйи арафасида содир бўлган эди.

Бешбола кишлок фуқаролар йиғини ўрамидаги Исфайрамсойнинг чап соҳилида жойлашган ерларда ўқувчиларим билан маккажўхоричилик бригадасида ишлардик. Тахминан кеч соат саккизларда эгатларга сув тараш билан банд эдим. Бир пайт «ГАЗ-24» русумидаги машина Фарғона томонга ўтиб кетиб, бир зумда қайтди. Қарасам, Абдулла ака ўғли Улуғбек билан набирасини олиб келяпти. Кетмонни кўйиб, сўрашдим. У киши салом-алиқдан сўнг, баравж маккажўхоризорни кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлганлигини айтди. Сўнгра: «Эртадан кейин – юбилей. Сиз эртага кечкурун уйга боринг», – деди ўктамона оҳангда жилмайиб.

Айтилган вақтда оилам билан хонадонига кириб бордик. У турмуш ўртоғи Норхон опа билан бизни хурсанд қарши олди. Узок суҳбатлашиб ўтирдик. Кетар пайтимиз Абдулла ака: «Мухбир юбораман. Бешта ўқувчи билан ўн тўрт гектар майдонда қатта ҳосил етиштиряпсиз, буни газетада ёритиш керак», – дея хайрлашди.

Икки кундан сўнг ажойиб адиб ва таржимон Аҳмаджон ака Ёқубов биз меҳнат қилаётган далага етиб келди. Ишларимиз билан батафсил танишиб, мақола тайёрлади ва бу вилоят рўзномасида чоп этилди. Бу мен учун қатта хурсандчилик эди. Чунки атиги бир йил аввал давлат хўжалиги ана шу биз деҳқончилик қилган ернинг бир қисмига маккажўхори экиб, 12 центнердан ҳосил олган бўлса, биз 55 центнердан дон, 350 центнердан силос массаси етиштирган эдик.

Ўша йили ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашида амалий кўргазма ва биз ҳақимизда мақолалар ёритилган туман, вилоят газеталари орқали барчанинг таҳсинига сазовор бўлган эдик. Назаркарда Абдулла аканинг пойқадами боис, бизни бутун вилоят таниди, меҳнатимиз кўзга кўринди. Шу бўлди-ю, бу газетанинг ашаддий мухлисига айландим. Ҳозиргача ўзим ҳам мақола ва шеърларим билан қатнашиб келмоқдаман.

Абдулла Мирзаев, Адҳам Ҳамдам, Воғиз Музаффаров, Шерали Тошматов каби кўплаб улуғ инсонлар ижод қилган, муборак бу даргоҳ уларнинг шогирдлари билан ҳамиша гавжум. Бу ерда уларнинг руҳи поклари кезиб юргани ҳам рост.

*Хабарларинг интиқ кутар ҳар эшигу ҳар хона,  
Дилкашдирсан, сен ўзингсан – кўнгилларга ҳамхона.  
Омон бўлгин, отахоним – ҳақиқатим Фарғона,  
Қутлуғ тўйинг – истиқлолдан, истиқболдан нишона.*

## ФАХРИЯ

Азал Фарғона меҳрни, садоқатни севади. Мухтарам Юртбошимизнинг саховатли меҳрларидан, бутун Ўзбекистонимизда бўлаётгани каби, кундан-кун чирой очиб бораётган Фарғонамизни кўриб, юрагим фахр-ифтихорга тўлади.

*Қайдансиз, деб сўрайди дўстлар,  
Қалайсиз, деб сўрайди дўстлар.  
Меҳр билан шул ҳаётимни  
Орзуларга ўрайди дўстлар.*

*Шукуҳлидир баҳорим, ёзим,  
Розим айтсин, дўстлар, баёзим.*

*Гоҳ кўлимда қалам, гоҳида дастгоҳ,  
Шукурким, ризқимни териб юрибман.  
Ўзлимилкимда ёшариб, яшнаб,  
Истиқбол йўлларим кўриб юрибман.*

*Ҳар неки топганим саралаб, хиллаб,  
Онажсон халқимга бериб юрибман.  
Ҳеч кимдан қарзи йўқ озод Ватанга  
Фарзандман, кўкрагим кериб юрибман.*

*Аслимни билсангиз нур хонаданман,  
Қадим санъатимда пир хонаданман.  
Ардоқлаб ўстирган бир онаданман,  
Фарғонадан менман, фарғоналикман!*

## **ЮРТБОШИМГА**

*Ўзбекистон деган бир фарзанди бор,  
Истиқлол аталмиш толе унга ёр.  
Истиқболда бўлдик бизлар бахтиёр,  
Минг шукур, шундайин Юртбошимиз бор.*

*Элим, деб ёнади, ўйлайди фақат,  
Яратгандан тилаб юртига шафқат.  
Ҳали орзулари дилида беҳад,  
Умид, ишонч билан яшайди ҳар вақт.*

*Қадамлари қутлуг, ўзи бунёдкор –  
Янгитдан қурилган манзиллар қатор.*

*Осмонга буй чўзган шаҳарлари бор –  
Кўрганлар бир умр бўлади хумор.*

*Бу қадим миллатим бўлмасин дер кам,  
Хур, озод яшасин, кўрмасин ҳеч кам.  
Тинчлик, омонликда бўлайлик ҳар дам,  
Дегувчи соҳиб-у сарбонимиз бор.*

*Кеча ким эдигу, бугун ким бўлиб,  
Юртбошим меҳридан қувватга тўлиб.  
Бугун бормоқдамиз тутиб қўлидан,  
Буюк Темур бобом темир йўлидан...*

## **ФЕРМЕР КАРИМЖОН ҲОЖИ ОТА**

*«Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари «Нуронийлар – эл фахри, юрт ифтихори» танловини эълон қилган, ушбу мақола муаллифлари биринчи ўрин совриндори бўлган эди.*

Ҳаётда ғалати воқеалар кўп бўлади. Масалан, олти-етти яшар боланинг оғзидан катталарниям ўйлантириб кўядиган гап чиқиб кетса: «Ё, тавба, худди катта одамни ёш бола қилиб кўйгандай-а!» деб ҳайратланади киши. Ёки, аксинча, ёши саксонга яқинлашиб қолган оқсоқолда йигирма беш-ўттиз ёшлардаги йигитларнинг ғайрат-шижоатини кўрсангиз: «Бу отахон оқсоқолми ёки куч-ғайратга тўлиб-тошган навқирон йигитми?» деб ўйлашингиз мумкин...

Фарғона шаҳрининг шундоқ ёнидаги Бешбола қишлоғидан туриб, буй-бастини бутун водийга кўрсата олган машҳур сабзавоткор Каримжон ота Абдурахимов ҳам ғайрат-

шижоат, топқирлик, иймон-диёнатни бой бермайман, деган кариялардан.

Кўпинча иш биладиган, чинакам деҳқонлар ҳақида гап кетса: «Ҳа, фалончими, у шудгорда туғилган», дея таъриф берилади. Каримжон ота шудгорда туғилмаган бўлса ҳам, суяги далада қотганлардан. У ўн-ўн бир яшар чоғларида онаси Ризвоной опа билан Катта Фарғона канали курилишида катнашди. Курувчиларга сув ташиди, чой қайнатди, баҳоли кудрат тупрок ташиди. Колхозда аравакашлик қилди. Лекин «бричка» деб аталадиган арава ҳайдашдан кетмон чопишни хуш кўрарди. Энди ўн олтига кирган йигитча колхознинг зўр кетмончиси, сувчисига айланди.

Худди ўша кетмон уни кимсан – рекордчи сабзавоткор Карим акага айлантирди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида эса уни «Карам академиги» деб атаётган бошладилар. Майли, бу ҳақда кейинроқ...

Шундай қилиб, Бешболадаги дўппидеккина колхознинг собиқ аравакаши кўлига салкам ярим пудлик кетмонни олди. Қиш палласида ерларга яқоб берди, баҳорда чигит экди, ғўза чопди, пахтазорга сув таради. Унинг ишлари пухта, пишиқ, гаплари мағизли эди. Шу сабабдан бўлса керак, бригадир этиб тайинлашди.

Эллигинчи йилларнинг бошларида уларнинг хўжалиги сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Пахтачиликда режаларни бажариб юрган ёш бригадир сабзавотчиликда ҳам «очиқиб» кетди. У ўша пайтларда унча-мунча ҳамкасбларининг хаёлига ҳам келмаган муҳим иш – уруғ танлашга, ерларни маҳаллий ўғитга обдон тўйдиришга эришгани учун карам, помидор сингари экинлардан хайратомуз хирмон кўтара бошлади. Газеталарда, радиоларда макталди. Бироқ иш деганда ўзиниям аямайдиган, бошқаларни ҳам тинч қўймайдиган, ҳаққўй ва дангалчи Каримжон ака бировга ёкса, бировга ёкмади.

Шу ўринда бир мисолни келтириб ўтсак. Етмишинчи йиллар эди. Каримжон ака ўз ҳудудидаги ер четларига уч юзтами-тўрт юзтами терак кўчати экди. Бош агроном буни кўриб қолиб: «Нега бундай қилдингиз? Ким сизга рухсат берди?» – деб роса дўқ урди. Эртасига хўжалик раҳбарини бошлаб келди. Раис унга: «Экканларингизни кўз олдимда юлиб ташланг!» – деб буюрди. «5-6 йилдан кейин шу кўчатлар буюм бўлиб қолади. Одамларингиз уй солади, тўй қилади...» – деди бригадир. Лекин хўжалик раҳбари бу гапларга кулок солмади. Икки куннинг нарёғида экилган кўчатларни юлиб, дуч келган томонга улоқтириб, тўнғиллади: «Эртага бунинг соясида ҳосил битадими? Менга терак эмас, пахта керак!»

Ҳайтовур, саксонинчи йиллар бошида звено пудрати чиқиб, деҳқонга бироз энгиллик туғилгандай бўлди. Замирида моддий манфаатдорлик «йилт» этиб кўринган, энг муҳими, юқорининг ҳар хил хархашаларидан бироз ҳолига ўхшаш бу усул Каримжон акага маъқул бўлди. Ўзи ва оила аъзолари учун ажратилган уч ярим гектар ерга бор меҳрини берди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу ернинг ҳар гектарига 70-80 тоннадан маҳаллий ўғит солдириб, элак-элак қилиб ҳайдатди. Уруғ танлашнинг ҳадисини олган эмасми, ерларга энг сара карам, помидор, сабзи, пиёз, лавлаги уруғларини ўзи билган фурсатларда экди. Ҳосил дегани бўлиб берди. Пишиқчилик вақтида, аниқроғи, ноябрнинг ўрталарида Бешболада қизик гап тарқалди.

– Карим аканинг даласида шунақанги карам битибдики, азбаройи катталигидан уни узиб олишолмаётган экан.

– Йўғ-е, лоф бўлса керак.

– Лоф эмас, бориб кўринглар.

Бу гап туман раҳбарлари кулоғига ҳам етиб борибди, далага келишди.

– Қойил, – дейишди улар улкан карамлар атрофида айланишиб, – декабрда «Ҳосил байрами» бўлади. Кўрғазма қилиб кўрсагамиз...

Шундай килишди ҳам. Ўн минглаб одамлар йиғилган «Отчопар»даги кўрғазмада эртадан-кечгача Карим аканинг 27 килограммлиқ улкан карамлари олдидан одам аримади, деҳқон шаънига олқишлар ёғилди. Энг муҳими, бир меҳмон унга ўзини таништириб, шундай деди: «Мен карам бўйича селекционер академик «фалончиев»ман. Лекин сиз шудгорда юриб, бу соҳа бўйича мендан илгарилаб кетган академик экансиз. Яшанг!»

Шу-шу, Фарғона томонларда Карим акани «академик» деб атайдиган бўлишди. Бу гап ўша пайтлардаги республика раҳбарларининг ҳам қулоғига етиб борган экан. Шу йили республика илғорларининг қурултойида Карим ака ҳам қатнашди. Табиийки, бу катта йиғилишда фарғоналик миришқорга ҳам сўз берилди. Карим ака юксак минбардан туриб, звеноси гектаридан 1000 центнердан ҳосил олганини айтди.

– Шу гапларингизни яна бир такрорланг! – сўрашди ҳайъатдан.

Миришқор деҳқон гапини яна қайтарди. Ана қарсаг-у, мана қарсак...

Лекин олқишу қарсаклар билан сиқув, ғаламисона гап-сўзлар ёнма-ён юришини бу соддадил, ҳалол инсон қаёқдан билибди?! Эмишки, Карим ака кимлар биландир келишиб, экин майдонини кенгайтириб олган, бўлмаса, рекорд ҳосилга йўл бўлсин. Унча-мунча бошлиқлар бу гапга ишониб, Карим аканинг ерларини текшира бошлашди. Текширувчи устига текширувчи келиб, унинг далаларини узунаси ва энига кадамма-қадам ўлчашди. Ер резина эмас эканки, чўзилса ёки қисқарса. Текширувчилар ҳар гал мулзам бўлишарди. Карим ака эса хотиржамлик билан дерди:

– Ерни-ку ўлчадиларинг, ортиқ-ками йўқ. Энди, укаларим, тупрок таркибини, унинг тўйимлилигиниям бир ўлчаб кўринглар. Ахир, бўш қол тик турмайди-ку? Ер ҳам одамга

ўхшайди, тўк бўлса, яхши ишлайди.

Миришкор ҳақ гапни айтганди. Кузакда ҳайдов олдидан далаларга қарийб 500 тонна маҳаллий ўғит солиб, ҳайдалган эди.

Йиллар ўтаверди, Карим ака ўз рекордларини қайтараверди. Звено пудратчиларига ҳақ тўлашда ғирромликлар юз бериб, унча-мунча пудратчилар бу ишдан кўл силтаб кетишганда ҳам, унинг руҳи тушмади. Катта-кичик йиғилишларда: «Бу бедодликка чек қўювчи борми ўзи?» – дея дангал гапириб, ҳақ сўзи учун балоларгаям қолди ўша пайтларда...

– Истиклолимиздан ўргилай! – дейди бутун саксон ёшга яқинлашиб қолган отахон. – Бундоқ ўйлаб қарасам, мен яшайдиган, мен ишлайдиган замон энди келибди. Лекин пешонада бор экан, манавига таяниб қолдим-да, – дейди кўлидаги ялтироқ ҳассани кўрсатиб.

Каримжон отанинг деҳқончиликдаги фалсафаси ҳам, тутуми ҳам мана шунақа. «Карим ҳожи ота» деҳқон-фермер хўжалигида унинг нечта фарзандлари, келинлари-ю неваралари меҳнат қилишаётган бўлса, уларнинг ҳаммаси оталарининг кўрсатма-йўриқлари билан иш тутади. Отанинг темир ҳассаси 4,5 гектарлик хилма-хил экин майдонларининг гоҳ у бошида, гоҳ бу бошида ялт-юлт этиб кўриниб қолади. Номдор сабзавоткор ҳамиша далада, ўзига ўхшаш меҳнаткаш, ўтли-шудли фарзандлари орасида.

Бу йил ҳам «Карим ҳожи ота» фермер хўжалиги далаларида ҳосил мўл бўлди. Августнинг биринчи ўн кунлигида пайкалларда ажойиб манзарани кўрдик. Битта эгатнинг ўзида икки хил ҳосил битибди: бир жўякнинг тепа қисмида помидорлар қизариб пишиб ётибди, шу жўякнинг чап ёнбошида эса кечки карам ҳосил тугяпти. Нариги пайкалдаги бўлик маккажўхори даласида ҳам айнаи шу манзара сал бошқачароқ такрорланади. Бир жўякда макка, иккинчисида – помидор. Помидор маккажўхори соясида яхши ҳосил



беришини Карим ота далаларида кўриш мумкин.

– Ер билан тиллашган одам уни ўз йўриғига юргизади, – дейди отахон.

Отанинг айна шу тажрибасини қўллаш учун унинг тўрт ярим гектарлик «лаборатория»сига келувчилар кўп бўлди. Лекин, афсуски, кўпчилик бу тажрибага амал қила олмади. Сабаби – меҳнати қаттиқ. Бу машаққатга тоб берувчилар кам. Машаққат деганимиз – бу ҳар гектар майдонга кузги хайдовдан олдин 35-40 тоннадан маҳаллий ўғит солиш, сара уруғ танлаш, уни ўз вақтида экиш, бир пайтнинг ўзида битта жўякдан икки хил экин ўстириш... Бу осон бўптими!

Отанинг ер майдони айланасидаги теракларнинг етилганлари кесиб олиняпти. Одамнинг белидай келадиганлариям бор.

– Яхшиямки, буларни ҳам суғуриб ташлашмаган, – деймиз отага юлиб ташланган кўчатлар воқеасини эслатиб.

– Унака зўпидинларнинг вақти ўтиб кетганига анча бўлаяпти, – дейди отахон. – Юртбошимиз «Хов, биродарлар, терак экинлар», деган гапни айтганларида, биласизми, хурсанд бўлганимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетганди. Шу йилиёқ ерларим атрофини айлантириб терак эктирдим. Ғайратим кўзиб кетган шекилли, ундан бирор километр наридаги ташландиқ ерларни ҳам ростлаб, 2000 туп терак ўтқаздим. Олди ёғоч бўлиб қолди. Бу – ҳам савоб, ҳам даромад. Шу ишлар ҳам Юртбошимиз шарофати билан боғлиқ.

Кекса фермер айна кунларда Бешбола қишлоғининг қоқ ўртасида маҳобатли дўкон қурдираяпти. Отахон барпо этган қассобхона, новвойхона хизматидан аҳоли мамнун. Яқин орада бироз ер кўшилса, қорамоллар сонини янада кўпайтириш, аҳолига сотилаётган чорва маҳсулотлари миқдорини ҳам ошириш ниятида. Ана шунда «Карим хожи ота» фермер хўжалигида ишловчилар сони 30-40 нафарга етади.

Ҳа, Каримжон ота дала учун, меҳнат учун туғилган эканми,

ишқилиб, даладан бери келмайди. Хаёлимизда ота ҳиргойи қилиб, дала кезиб юрибди:

*Дафтар – далам, кетмон – қалам,*

*деҳқониман-деҳқони,*

*Аждодларим ушалмаган*

*армониман-армони.*

*Меҳнат билан қулди бахтим,*

*бўлдим деҳқон сардори.*

*Сиз ҳам бўлинг, сафдошларим,*

*Озод юрт ифтихори.*

Ҳа, тинчлик, омонликда меҳнат қилиш бахти насиб этганига не етсин! Отахон бир неча йилдан буён ўғиллари – Умаржон, Олимжон, Раҳимжон, Рустамжон, Аминжонлар билан бирга деҳқончиликнинг янгидан-янги қирраларини очиш йўлида изланиб келмоқдалар. Шу боис ҳам қаҳрамонимиз ҳамон дарғалар қарвонида сарбон. Натижани қаранг: фақат сабзавотчиликдан 2000 йилда 92 тонна, 2001 йилда 98 тонна, 2002 йилнинг 8 ойида 120 тонна хирмон кўтариб, салкам 13 миллион сўм даромад олди. Унинг қарийб 8 миллион 430 минг сўми соф фойдадир.

Биз эса «Эл маъмурчилиги йўлидаги хайрли ишларингизда Яратганнинг ўзи ёр бўлсин, шаштингиз сира пасаймасин, отахон!» деймиз...

***Йўлдош СУЛАЙМОН,  
Охунжон ҲАКИМОВ,  
Омонжон ҲОШИМОВ.***

## ЎТМИШДАН БИР ЛАВҲА

Ўтган аср кишлок мактабларининг пештоқиға «Меҳнат мактаби» деб ёзиб қўйилса, ҳақ гап бўлар эди. Чунки тўккиз ой ўрниға атиги уч ой – тўксону чиллада музлаган хоналарда «тиғизлаштириш» йўли билан йиллик ўқув режаси бажариларди. Март таътили «шарофати» билан юқори синфлар ёппасиға дала меҳнатига жалб қилинар, бунинг ичида ипак курти ҳам бокилар эди. Бу жараёнда бошланғич синф ўқувчиларигача иштирок этар, ҳаммасиға биология фани ўқитувчиси бош-қош бўлиши зарур эди. Гўё мактабимизда шу фан ўқитувчисидан бошқа муаллим билмайдигандай, ҳар ишға у масъул эди. Қўлида қаламу елкада кетмон унинг доимий ҳамроҳи, ҳамрозига айланганлиги уни меҳнатдан ҳам, ижоддан ҳам толдирмаслиги ўзгаларға бошқачарок кўринарди.

Имтиҳонлар бевосита далада, давлат имтиҳонлари эса синфда ўтар, шунда ҳам хўжалик раҳбари келиб, «ҳали ҳам тугамадим, тезлаштиринг», деб дағдаға қилар, директор ҳам «катта»ға айтиб қўйишидан чўчиб муроса йўлини тутарди. Энг ачинарлиси, чала-чулпа ўрта маълумот олган раис олий маълумотли устозлар устидан ҳукмронликни бўшаштирмасди. Юқори идорадан келганлар ҳам далаға бориб колхозчиларни эмас, ўқувчиларни санаб, бирорта кам бўлса, ўқитувчига дашном бериб кетар, халқ таълими мутасаддилари бу вақтда сираям қораларини кўрсатишмасди. Ажабки, меҳнатни мурғак болалар бажариб, ордену медалларни улар тақардилар...

Кези келиб, илм даргоҳининг ҳамма синовлардан ўтиб, етуклик аттестати олиш учун йиғилдик. Бор бисотимизни кийиб, гуллартакдимидан хурсанд бўлиб турганимизда бемахал ўт чатнатган момақалди роқдай важоҳат билан раис пайдо бўлди ва директорға юзланиб: «Сиз буларға аттестат бераман деб турибсизми? Ахир, далада ўн гектар маккажўхорини ўт

босиб ётибди. Ҳозир чопиқ қилишсин, кейин берамиз!» – деб зарда билан ортига қайтди. Директоримиз синф раҳбаримизга ноиложликдан юзланиб: «Ташкил қилинглар», – деди боши ҳам бўлганча.

Ҳаммамиз айтилган ерга бориб, чопиқни бошладик. Кун иссиқ. Икки синфдошимиз иккитадан пақирда сув ташиб улгуришолмайди. Чанг-тўзон ичида ишни шахд тугатиб, ўзимиз танлаган ўкув даргоҳларига хужжат топшириш пайида турибмиз. Иш топширган раис болалардан хабар олишни ҳам унутган, шекилли, тушликда ўзимиз билан олиб борган егуликлар билан қаноатландик. Яна ишга шўнғиган ҳам эдикки, пайкал бошидаги катта йўлдан шахарлик ўкувчилар икки қатор бўлиб, шахдам қадамлар билан ноғоралар чалганча сал нарида оқаетган Исфайрам сойига чўмилиш ва хордиқ чиқариш учун келишаётганига нигоҳимиз тушди. Ана, сизга «Тенглар ичра тенглик» ғояси. Ҳамма чопиқдан тўхтади. Бир-биримизга қарадик. Чанг-чунгга беланган юзимизга бошимиздан тинимсиз оқиб тушаётган тер жилғалари илонизи ясайди. Теримиз шабада елида қуригач эса, янги тўр солган шакарпалак қовун сингари тиришиб, гашни обдон келтиради. Ҳаммани бу адолатсизликдан энсаси қотиб турганда ёнимда турган синфдош қизга бехос боқиб, бор овозда кўшиқ бошладим.

*Юзингда жилгани кўрдим,*

*Лабингда жилвани кўрдим...*

Ҳамма менга қаради. «Дўстларим, қараманг уларга, ахир, биз дала маликасини ёвуз ёвдан (бегона ўтдан) кутқараяпмиз. Қани, бошладик, сира оғринманглар», – дедим ҳам ўзимга, ҳам уларга далда бергандек. Аммо менинг ҳам, шерикларимнинг ҳам юрак-юрагида алам олови шундоққина ловуллаб турганлиги сезилиб турарди.

Хуллас, икки кун деганда чопиқни тугатиб, яна мактаб саҳнига йиғилдик. Директоримиз нохуш кайфиятда бизга

юзланиб: «Болаларим, укаларингиз кўпайиб кетибди. Битта синф хонаси курмасак бўлмайди. Мингтадан ғишт қуйиб берсанглар, сизлардан ҳам ёрдам, ҳам эсдалик бўлиб қолар эди», – деб қолди. Ҳар уч қизга битта ўғил бола тўғри келади. Олиб қаралса, тўртовлон тўрт мингта ғишт қуйишимиз керак. Икки кун лойга беланиб, аранг уч юз-тўрт юзтадан ғишт қуйдик. Директорнинг раҳми келди чоғи, устозлар иштирокида табриклаб, етуклик аттестатимизни кўлимизга топширди.

Хурсандчилигимиз ичимизга сиғмайди. Тўғри қишлоқ кенгаши биносига югурдик. Кенгаш раиси: «Сенларга маълумотнома йўқ. Ҳамманг колхозда қолиб ишлайсанлар», – деб таъбимизни тиррик қилиб турибди-ку! Бир зумлик қувончимиз саробга айланди. Бошимизни қаёққа уришимизни билмаймиз. Маълумотнома бўлмаса, фуқаролик паспорти берилмайди, бу нимаси?! Бу ҳужжатларсиз ўқишга қабул қилмаса. Шу вақт раис чақираётганини айтиб идора қоровули келиб қолди. Умидимиз бирдан учқунлади. Ҳозирги изтиробларимиз тантик хаёлдек туюлиб, ўзимиздан уялиб ҳам кетдик. Раис виқор билан: «Сизларга шу бугун кечқурун битириш кечаси қилиб бераман, хурсанд бўласизлар ҳали», – деди.

Тадбир бир синфдошимизнинг ҳовлисида бўлди. Раис идорасидан стол-стул олдириб келган, стол устига қизил ёпқич солинган, бир четига чойнак-пиёла қўйилган эди. Раис бува (ўзи шаҳар томондан келган олифта одам эди) савлат тўкиб ўтирибди. Стол ёнига сандал қўйилди. Ерга бўйра тўшалиб, устига хонадонлардан йиғиб келинган тўшаклар солинди. Катта бўз дастурхонга нон, печак қанд (оқ ун қанд) сочилган. Картошка ковордок ва қанд билан тамадди қилинди. Ҳар икки киши бир сопол товоқ таом, битта нон билан сийланди. Шу билан тадбир бошланди. Негадир, устозлардан ҳеч ким йўқ. Тадбирни раис буванинг ўзи очиб, ҳамма битирувчиларни

табриклади. Колхознинг келажак режалари хақида маъруза қилиб, битирувчилар номидан менга сўз берди. Ҳайрон бўлиб раисга юзландим: «Раис бува, мен нима дейман?» У бир зумда бетокатланди ва асабий тусда: «Сен жонажон колхозимизда қолиб ишлаймиз, дейсан. Ёнингга яна битта ўртоғингни чакир!» – деди буйрукнамо жиддий тикилиб. Мен Дадажон исмли дўстимни ёнимга чорладим. Барибир бундан кўнглим ёришмади шекилли, яна раҳбарга қарадим: «Раис бува, колхозда нима иш қиламиз?» Унинг фиғони қайнаб, аччиқ тикилди: «Ишни мен топаман. Сен анави сандал устига чиқиб даъват қиласан, уқдингми?!» – жеркий бошлади раис бироз чақчайган нигоҳини қадаб.

Сандал устига чиқиб, барча дўстларимни етуклик аттестати олгани билан қутлаб, бизга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги учун раис бувага барчанинг номидан миннатдорчилик билдирдим. «Минбар»дан тушаётсам, раис тутоққан кўйи шахд тўхтатди. Юз мускули учиброқ турибди. Сездим: у норози кайфиятда. Яқинроқ келиб: «Унутдингми, ўша гапни айт! – деди ғалати қараганча оғзимни пойлаб. – Сенга айтаяпман, хой!» Оғиз жуфтладим. «Ҳа, дарвоқе, ҳаммамиз ўқишларни битириб...» дейишимни биламан, раис баттар тутоқиб, гапимни чўрт кесди. «Тўхта-тўхта! Айтганим қайда қолди?» Яна оғиз очдим: «Жонажон колхозимизда ишлаймиз!» – дедим жавдираб. Қарсақлар гумбурлади. Гапимда кемтик бор эканми, раис ўзи тўлдирди: «Мана, эшитдиларинг, ўртоқлар! Аммо-лекин аввал қолиб ишлайсизлар, ўқишга кейин ўзим юбораман», – деб марҳамат кўрсатди. Шу билан тадбир тамом бўлди.

Ўша даврда қишлоқда яшаётган барча ишга яроқли мактаб битирувчиларига фуқаролик паспорти олиш учун маълумотнома бериш норасмий тақиқлаб қўйилган экан. Демак, қишлоқда туғилдингми, хоҳлайсанми-йўқми, шу ерда ишлашинг керак, деган шармандали сиёсат бор экан.

Эртаси тонг билан Шоҳимардонга – маҳалламизда нонвойчилик қилган биродаримизникига жўнадик. Хонадони Чакка томарнинг шундоққина ёнида. Икки қаватли. Иккинчи қавати Ҳазрат Али мақбарасига юз тутган. Кечки таомдан сўнг ўртоқларимга: «Сизлар дам олинглар, мен Ёрдон азизга бориб келаман», – деб ўрнимдан турдим. Қаёқда, шундай окшомда кўзга уйқу келарканми?! Ҳамроҳларим мендан ўзгудек шошиб эргашишди.

Окшом жуда гўзал, тароватли эди. Чор атрофи сервикор тоғлар билан ўралган бу маскан ҳар қандай кишининг эътиборини тортмасдан қолмайди. Қаршимиздаги тоғлар устида тўлин ой ёғду сочиб турибди. Кўнглингга қандайдир сокинлик ва ором бахш этгучи сутдай оппоқ ой йўлимизни ёритади. Кўк бағрини чўғдек ёнган юлдузлар қамраган. Улар тунги чирокларини нафис бир шаклларда фонус каби замин узра тутадилар. Юракдаги бор оғриқларни унутолмай, қўшиқ бошладим. Дўстларим жўр бўлишди.

*Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,*

*Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.*

*Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,*

*Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек,*

*Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,*

*Куйган жигари бағри садпора экан мендек...*

Сокин кечада таралаётган қўшиқ тоғлардан акс-садо бериб, ўзгача сирли, шукуҳли таралади. Табиатнинг гўзаллигини таърифлашга тил ожиз. Бу ҳолатдан барчамиз масту мустағриқ эдик. Бир-биримизга суяниб, Ёрдон азизга, ундан яна манзилимизга қайтдик. Хуллас, тун бўйи фақат «Сайёра»ни айтиб тонг оттирдик. Ҳаммамизнинг руҳимиз тетик ва қушдек енгил тортган. Доноларимиз: «Инсон қалбини забт эта оладиган икки омил бор – сўз ва соз, куй ва қўшиқ», деганларида нақадар ҳақ эканлар.

Биродаримизникида енгилгина нонушта қилиб, Фарғонага кўтаринки руҳ билан қайтдик.

*Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,  
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек...*

Мана, йиллар ўтса ҳамки, шу кўшиқ ҳамиша олисларда, далаларда қолган ёшлигимни ёдимга солади. Бир майизни тенг бўлиб, бориға қаноат қилган синфдошларимнинг баъзилари бор, айримлари эса... Бу кунларға етмаган дўстларимни ҳар дам эслаб, шивирлаганча тиловат қиламан. Юрагим эзилиб, қалқиб кетади. Мижжаларимда ўтмиш сарҳадларидан жам бўлмиш миттигина ёш томчилари думалашга ошиқади. Ўзимни тутолмай қоламан, ўпкам забтиға олиб тўлиб келади. Кўз ўнгимдан кадрдонларим бирма-бир тизим топиб ўтадилар. Томоғимға дард тўлғониб тикилади. Оғир хўрсинаман. Ўтмиш лавҳалари эса тиним билмайди...

...1989 йилнинг куз оёқлаган кезлари. Ёрмозор қишлоқ кенгаши раиси Алихон Ҳомидов билан мени – Бешбола қишлоқ кенгаши раисини Водилга райком бюросига чақирдилар. Ҳар иккимиз ҳам ҳашарчилар билан пахтада эдик. Айтилган вақтға етиб бордик. Бюро уч соат давом этиб, кеч соат тўққизда якун топди. Фарғонаға қайтиш учун транспорт йўқ. Автобекат чироқлари ўчиқ. Атроф зим-зиё. Чорраҳада аччикқина изғирин елади. Бирдан Қадамжой томондан лайлак қор бошлаб қолди. Совуқ забтиға олиб, вужуд-вужудимизға игнали титроқ индиришға киришди. Усти юпун Алихон турган жойида сакраб-сакраб ўзини иситар, тек туришнинг эса сира иложи йўқ. У менға юзланиб: «Юринг, меҳмонхонада қолиб, эрталаб йўлга тушамиз», – деди овози ҳам титраб. «Эрталаб кетсак, бугунги бюро топшириғини бажара олмаймиз. Натижада эртаға нишонда қоламиз, – дедим-у, бирдан сўрадим, – Алихон, «Фарғона тонг отгунча»ни биласизми?» У муддаоимни дарров уқди: «Нима деб бошланар эди?» «Нима деб бошланиши билан ишингиз нима? Мен бошлайман, сиз «Ҳах, қонга жигарим тўлди» деб кўшиласиз. Кейин бошидан такрор бошлаймиз», – дедим-да



жадал юриб, хиргойи қила кетдим.

«Ҳеч кимга деёлмайман бу сири ниҳонимни» дея бор овоз билан бошладим. Алихон уқтирганимдай «Ҳаҳ, қонга жигарим тўлди», дея жўр бўлди. Шу кун кечаси соат ўнда яёв йўлга чиққан бўлсак, «Тонг отгунча»ни такрор-такрор айтиб, эрталабки олтида уйга кириб бордик. Нонушта қилиб-килмай, велосипедга миндим-да, яна беш чақирим наридаги даштда жойлашган автобазага бориб, ишчи ташийдиган навбатчи автобусни олдим. Маҳалладан ҳашарчи йиғиб, ўттиз чақиримча келадиган Лоғонга пахта йиғим-теримига ҳашарга жўнадик. Бу ёқда эса сабзавотларни тезроқ йиғиштириб олиш ташвиши юракни безовта торттиради...

Киши ҳар нимага чидам топаркан. Ташвишлар адо бўлгандек кўринса-да, энди баҳорги ишлар режасига шўнғиб кетдик. Шу-шу вақт топсак, Алихон менга, мен эса унга сим қоқиб колсак, салом берилиши ҳамано қўшиқ бошлаймиз:

*Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отгунча,  
Ўртаб юрагим, жисмим бирёна тонг отгунча...*

*Ҳеч кимга деёлмасман бу арз ила ҳолимни,  
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отгунча...*

## ФАРҒОНА ИСТИҚЛОЛ ОСТОНАСИДА

Яратганга беадад шукроналар бўлсинки, файзи дуркун истиқлолнинг кайноқ истиқболига етказди. Унинг дастлабки кунларидаёқ пойдевор этиб кўйилган бош мақсад: ўзни таниш, ўзликка қайтиш эди. Шунинг учун ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан республикамизда, жумладан, вилоятимиз, Фарғона шаҳри доирасида ҳам Атамалар комиссияси тузилди. Унинг таркибига вилоят ва шаҳар раҳбариятидан ёзувчи Йўлдош Сулаймон, шоир

Охунжон Ҳаким, тарихчи ва тилшунос олимлар, табаррук фахрийларимиз, музей ходимлари ва яна бир қанча фаоллар киритилган эди.

Шаҳримиз вилоят марказида бўлгани учун доимо вилоят ва шаҳар комиссиялари биргаликда иш олиб борар эдик. Ишни шаҳарнинг энг оғриқ нуқтаси бўлган кўчалар номларини атрофлича таҳлил қилиш, тарихий манбалар асосида қайта номлашдан бошладик. Шу тариқа собиқ «Фрунзе» кўчасини «Соҳибқирон Темур», «Карл Либкнехт»ни «Хўжанд», «Советское»ни «Самарқанд», «Карл Маркс»ни «Ал-Фарғоний», «Кирова»ни «Маърифат» деб атадик. Бош майдонимизга «Халқлар дўстлиги» номи қўйилди. Бош кўчамизга «Мустақиллик» номини берсак, деган таклифимизга ҳамма бир овоздан рози бўлди. Бундан рухланиб, Фарғонамининг шоҳкўчасини Навоий номи билан атаб, ул зотга ёдгорлик ва хиёбон ташкил қилсак, деган таклифни бердим. Буни икки-уч кишигина ёқлади, холос. Негадир, бу масала келгуси йиғилишга қолдирилди.

Навбатдаги мажлисда ҳам буюк зот номини вилоятимизнинг шоҳ кўчасига қўйиш таклифини олға сурдим. «Андижонда Бобуршоҳ кўчаси, Наманганда Шоҳ Машраб кўчаси, Фарғонада Ҳазрат Навоий номи элимиз эътиборида бўлса, айни муддао эмасмикин?» дедим. Ажабки, норозилик бўлиб, масала яна очиқ қолди. Ниҳоят, шу масалада еттинчи марта йиғиладиган бўлдик. Айтишларича, бу йиғилиш ҳал қилувчи бўлиб, «муҳолиф» томон қаттиқ тараддуд кўраётган эмиш... Ўша кезлари тўхтовсиз тортишувлардан руҳим сўник, дилгир эдим. Кутилган кун ҳам келди. Бизни шаҳар фирқасининг биринчи котиби ўз хонасига таклиф қилгандаёқ бу баҳсга хотима ясалишига имоним комил бўлди. Лекин ким томонига?

Хонага аста-секин мен таниган-танимаган одамлар кириб кела бошлади. Ёнимда ўтирган биродаримдан сўраганимда, бири фан доктори, яна бири фан номзоди, бунинг устига

амалдор эканини билдим. Область партия ташкилоти вакили Россияда рус тили ва адабиёти куллийетини тугатган масъул ходимни ҳам таклиф қилган экан. У киши кира солиб: «Пушкин рус поэзиясининг куёши», – деди-да, саломлашиб, хона тўридан жой олди. Бундан илҳомландими, менга фан доктори деб таништирилган домла: «Ким экан ўзи, Пушкинни Навоий қиламан деган», деб қолди. Ҳозиржавоблигим беихтиёр тошиб келди:

– Кечирасиз, Пушкин ҳеч қачон Навоий бўлмади, бўла олмайди ҳам. Аслида, мен номларини таклиф қилдим, чексиз ва ифтихор билан таклиф киритдим... Қани, айтинг-чи, Пушкин неча қатор ёзган-у, Навоий неча минг мисра ғазал битган? Ўрис биродарларимиз ўз шоирларини рус шеъриятининг куёши деб ардоқлайдилару, биз нега ғазал мулкининг султони ҳурматини жойига қўя олмаймиз?.. Бутун дунё тан олган, миллатимиз, тилимиз ва ўзбек мумтоз адабиёти довруғини оламга ёйган ҳазратни тан олмасак, гумроҳ бўлмаймизми? – дедим тошиқиб. Домла фикримнинг мағзини тез чакдими, бироз тин олгандек бўлди.

Биринчи котиб ва ижрокўм раиси: «Омонбой тўғри айтади», – деганидаёқ юрагимда ғурур ва ифтихор туйғуси чакмоқдек чатнади. «Рост эшитаяпманми, ишқилиб», деган ўтли нигоҳ билан атрофга алангладим ва бунинг тасдиғини комиссия раиси Йўлдош Сулаймоннинг «яхши-яхши...» дегувчи маъқуллашида яна бир бор кўриб, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Очиғи, ҳазрат Навоийнинг руҳи юрагимни ўртаб юборди.

Шу тарика норасмий баҳс билан бошланган йиғилиш ниҳоясига етди. Пушкин кўчаси Алишер Навоий номи билан аталиб, буюк сиймога ёдгорлик ва хиёбон ташкил қилишга келишилди.

## УЧ ТИЛАК ҒУНЧА МИСОЛИ...

– Келгусида хиёбонда ҳазрат «Хамса»си қахрамонларига ёдгорликлар ўрнатилса, кеч сайрга чикқан ёшларимиз Лайли-ю Мажнун, Фарҳоду Ширин, Вомику Узро бўлиб юрсалар...

– Майдоннинг шарқий томонида миллий меъморчилик услубида қурилган мўъжазгина республика ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими тасарруфидаги «Илҳом» чойхонаси бўлса... Унда қаламкашлар йиғилиб ижодий суҳбатлар курсалар... Кун бўйи уларнинг лабларидан тўкилган сўз дурларидан маржонлар тизиб, «Фарғона девони»ни битсак...

– Ҳар куни тонг билан ҳазрат пойига қордай оппоқ поёндоз ёзиб қўйсак. Дунё кўрган совчилар элчилигида битишиб, бир умрга тақдирини бойлашга аҳд қилиб никоҳдан ўтаётган ўғил-қизларимиз ҳазрат пойида гуллар билан таъзимда турсалар... Қураётган «вафо иморатлари»га садоқатдан устун кўяжакларига қасамёд қилсалар... «Ажралиш», «ёлғизлик», «етимлик» деган сўзлар бегоналашиб борса... Наслимиз покланиб, авлодларимиз баркамол бўлиб, зукко олимимиз айтганларидай «миллатимиз биллурланиб» боради.

*Эл омон, юрт омон, омонда бўлгин,*

*Пешонаси ёруғ замонда бўлгин.*

*«Юрак ичра қоплон, шукуҳ ичра шер»,*

*Деганлар ул пирим ҳазрат Алишер.*

*Тангрим тақдиримга битган жаҳоним,*

*Туроним бағрида Фарғонажоним.*

1997 йил 7 март.

## ХАЛҚ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛИБ...

1984-1986 йилларда Бешариқ тумани кўп соҳаларда пешкадам эди. Матбуотда мактаб, шифохоналар, йўллар қурилатганлиги ҳақидаги хабарлар билан танишиб, беҳад хурсанд бўлардим. Айниқса, ҳаммом қурилиб, ишга туширилганлиги ҳақида ўқиб, бу эзгу ишларнинг бошида турган Усмонали акага меҳрим тушиб, бундай инсонлар ҳамиша ўз халқи ташвиши, келажак авлод ҳақида қайғураётганлиги учун ғойибона эътиқод қўйгандим. Чунки бундай ишларни амалга ошириш ўша даврда ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермас эди. Ўша пайтларда бир бригада бошлиғи шийпон олдидаги бир кафт ерга дала қозони учун помидор, баклажон, булғор қалампери ва бошқа резаворлар эккани, яна бири жамбилу райхон ва бошқа бир йиллик гуллар экиб, чинакам дам олиш маскани барпо қилгани учун қаттиқ танбехга учраганлиги гувоҳи бўлганман. Бир куюнчак шоир «Айвонингда, томингда пахта», деб бежиз ёзмаган, ахир. «Пахта яккахокимлиги» деб шунини айтганлар-да.

Ўша йиллари Олтиариқ оксай бошлади. Катта раҳбарлар ўйлашиб, Усмонали Бегматовни ушбу туманга раҳбар этиб тайинладилар. Тез кунда бу ердан ҳам яхши хабарлар кела бошлади. Янги раҳбар кадрларни танлаб, кадрлаб, ҳамжиҳатликда ишлай олди ва шу йилнинг ўзидаёқ асосий кўрсаткич бўлмиш пахта тайёрлаш режаси ошириб бажарилди. Халқнинг юзи ёруғ бўлди.

*Ўшал баҳор сойда сувлар шошқин келган лойланиб,*

*Олтиариққа омад келди бек отамга бойланиб...*

Ҳа, Олтиариққа омад келгани чин бўлди. Олтиариқдан кўшни Охунбобоев – ҳозирги Қўштепа туманига бош қилиб тайинладилар. У ерда ҳам ишларни ўнглаган Усмонали ака вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди. У киши навбат куттирмас, ўз масалалари бўйича

келган аризачиларни қабул қилишдан чарчамас, умид билан келганларнинг ишини иложи борича битирар, маслаҳатлар берар ва ижросини доимо назоратда тутарди.

Усмонали Бегматовнинг инсонийлиги, одамгарчилиги ҳам беқиёс эди... Вилоят шифохонасида жиддий даволаниб, ундан Водилдаги фахрийлар сиҳатгоҳида тўшакдан турмаслик шарти билан муолажа қилинаётган бир пайт. Ундан хабар олиш учун борган дўстларидан бири гап орасида повулғонлик Абдупатто Содиқовнинг қазо қилгани ҳақида айтиб кўяди. Шу заҳоти бемажол шифтга термулиб ётган бемор: «Нима дедингиз? Таъзияси қачон экан?» – дея ўрнидан туриб, кийина бошлайди. «Сизга туриш, ҳаяжонланиш мумкин эмас», дейишларига ҳам, бош ҳақимнинг ҳай-ҳайлашигаям кулоқ осмайди. «Мен тузукман», дея жўнаб кетади. Таъзияни ўқиб, биродарининг оиласига ҳамдардлик билдириб, дўстини тупроққа кўйгандагина ҳолдан кетиб, ҳамроҳига суяниб қолади. Бир амаллаб шифохонага келтириб кўядилар. Ҳаёти қил устида турганига қарамай, Усмонали ака сафдоши, биродари олдидаги «қарзи»ни узмоқ учун ўзида куч топа олган эди.

Эсимда... Улуғлар иштирок этадиган катта йиғин. Меҳмонларни кутиб олиш керак, лекин бир деҳқон дўсти тўйга айтган. «Шу икки тошнинг орасида» ҳам зудлик билан тўйхонага бориб, тўйбошини кутлагач, ўша заҳоти туз тотмай, изига қайтган ва меҳмонларни кутиб олишга улгурган. Ана эътибор, ана инсонийлик бурчи, масъулияти!

У қаерда ва қайси вазифада ишламасин, ҳамиша изланишда, янгиликлар яратиш йўлида жонбозлик кўрсатди. Бешариқда бошланган боғ яратиш ғояси Олтиариқнинг юкори қисмидаги минг йиллардан буён сувсиз қақраб ётган адир, тошлоқ ерларни ўзлаштириб, сувга чидамли ўрик, бодом экиш ишларига уланиб кетди. Қўштепа туманидаги боғлару теракзорлар, Фарғона туманининг Чимён адирликларида

яратилган «Нуронийлар» боғига етмиш метр пастликдан насос билан чиқарилган сув унинг жонбозлиги-ю ғайратига далил. Бу боғлар мевалари юз минглаб инсонлар дастурхонларига етиб борган, безаган.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси лавозимида ишлаганида ҳам шу каби эзгу ишларга бош-қош бўлди.

### «СЕН ҒАНИСАН...»

1997 йил баҳори. Вилоят ҳокимлигида хат ва аризалар, фуқароларни қабул қилиш бўлими мудирини бўлиб ишлардим. Ижтимоий таъминот соҳаси бўйича мурожаатга келган фуқароларни вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Усмонжон Бегматов ёки ўринбосарлари Абдуқаҳҳор Йўлдошев ва ҳуқуқшунос Аъзамжон Охунжоновлар билан бирга қабул қилар эдик.

Баъзида нафақаларнинг турли сабабларга кўра ўз вақтида тўланмай қолиши, айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчи пенсионерларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлар, бозор иқтисодиёти туфайли аризачиларнинг узоқ туман, шаҳарлардан келиш имконияти чекланганлиги аризалар сони ортишига олиб келар эди.

Йил якунига бориб, Усмонжон ака ташаббуси билан ижтимоий таъминот, нафақа масалаларига оид муаммоларни жойида ҳал қилиш мақсадида кўчма қабул жадвали ишлаб чиқилди. Унда туман-шаҳарларда қайси ой, қайси кун, қайси жойда ва соат нечада қабул бошланиши аниқ белгиланган эди. Жадвал ижроси эса қатъий назоратга олинди.

Ана шундай қабулларнинг бирида тегишли мутахассислар билан Бешариқ туманига бордик. Туман ҳокимлиги мажлислар залида эрталаб мулоқот, тушдан сўнг эса нафақа масаласида учрашув ташкил қилинди. Энг кўп ариза тушган

собик «Бешарик» давлат хўжалиги бошқаруви биносида ҳам қабул давом этди. Йиғилиш бошланишидан бироз илгари қаймоқранг «Жигули-06» биздан бир неча одим нарида тўхтади. Башанг кийинган ёш йигит тушиб, орқа эшикни очди. Ундан худди совчиликка кетаётгандай ясанган, ўрта бўйли, кўхликкина аёл тушиб, биз томон юрди. Шу аёл аризасидаги масала юзасидан қабулни бошладик. Суҳбат асносида бу аёлнинг звено бошлиғи, бригадир, раис муовини вазифаларида ишлаб нафақага чиққани ва ҳозирда нафақаси озлигидан шикоят борлиги маълум бўлди. Ўша заҳоти нафақалар бўлими бошчилигида ҳужжатлар кўтарилиб, аризачининг кўз олдида қайта ҳисоблаб, амалдаги қонун асосида тўғри тайинланганлиги исбот қилиб берилди.

Шу тариқа бир нечта аризачилар билан ҳам суҳбатлашилди. Қабул сўнгида кўзи ожиз бир қарияни икки нафар маҳалладоши етаклаб келди. Маълум бўлишича, бу қария боя қабулга кирган аёлнинг чоли экан. Ҳанг-манг бўлиб қолдик. Қариянинг касби ўқитувчи бўлиб, фарзандларини уйлаб-жойлаган, аёли звено бошлиқлигидан бригадирликка кўтарилганда эса ёрдам бўлсин деб, ёзги таътил кунларида сувчилик қилган. Аёли раис ўринбосарлигига тайинланганда дала, бола тарбияси, ҳовли-жой юмушларини тўлиқ бўйнига олиб, мактабдаги ишини ҳам ташлаган. Охир-оқибат, кенжа ўғлининг битмаган ҳовлисига чиқариб юборилган ота ноиложликда қолади. Она пултопар ўғиллари билан бирга ўз хонадонида қолган. Кекса, бемор ота, ўқитувчи маошига қаноатли ўғли, ёш боласи билан ишлай олмайдиган келин... Ота шўрлик кенжасига мадад бўлиш ниятида Мирзачўлда ишлаб ҳам келади. Тинимсиз меҳнат ва етишмовчилик устига отанинг кўриш қобилияти сусайиб, охири ожиз бўлиб қолади. Даволаниш учун эса маблағ йўқ.

Кўшнилариинг куюниб айтишларича, оқсоқолдан на аёли ва на бойваччаликда тенгсиз ўғиллари хабар олишар экан.



Буни қарангки, ўз аёли ва дилбандларидан яхшилик кўрмаган ота учун меҳр-окибатда тенгсиз кўшнилари унинг нафақасини кўпайтириш ва даволаниши учун ёрдам сўрадилар. Мутахассислар томонидан бу илтимослар инобатга олиниб, нафақаси қайта ҳисобланди. Ҳақиқатан ҳам, оила, уй ишлари, бола-чақа тарбияси билан бўлиб, кексалик ёшигача тўлик иш стажига эга бўлмаганлиги учун нафақа тўлик миқдорда тайинланмаганлиги маълум бўлди. Кекса ва ногирон отанинг шароитини ўрганиб, унга моддий ёрдам сифатида ижтимоий таъминот тизимидаги сиҳатгоҳларга юбориш ва кўз жарроҳлик операциясига ёрдам беришга келишилди.

Маҳалла-кўй ва падари бузрукворларини назар-писанд қилмайдиган фарзандлар, уларнинг «рахнамо»си – оналарининг бемехрлиги ҳаммамизни, энг аввало, маҳалла оқсоқолларини қаттиқ ранжитди.

Бир томонда – шоҳона уйлар, ҳавас қилгулик енгил машина, егани олдида бўлган «ишбилармон» фарзандлар, ана шу дилбандларга ҳокимона ўз адолатини ўрнатган аёл, бир томонда – шу аёли ва болаларининг тўкин шароити учун суйган касбидан воз кечган фидойи, ҳокисор, ҳозирда моддий ёрдамга зор ногирон ота!

Шу он ҳаёлимдан Мирзо Бобурнинг «Сен ғанисан, менда бисёр эҳтиёж» ғазали ҳаёлимдан ўтди. Қария билан бирга келган биродарларнинг сўзларини тинглаб, «Эй, фалак, бу не бедодлик?» дегим келди...

Оиласига нисбатан сидқу вафога, бахшида умрга берилган баҳо шуми?!.. Сиз нима дейсиз, азизлар?

## «НАФАҚАХЎР»МИ ЁКИ?..

Бир мулоқотда воиз: «Нафақахўрларимизга фалон миллион сўм ажратдик», – деди виқорланиб. Бошқа сўзга чиққанлар ҳам ўзлари бош бўлган жойлардаги «нафақахўр»лар ҳақида ҳисоб бердилар. Давра қатнашчиларининг аксари кексалар бўлганлиги боис, «нафақахўр» ибораси ишлатилганда бўйлари гўё бир қарич чўкиб, бошлари ҳам бўлди...

Беихтиёр талабалик йилларимни, азиз устозим, академик Авлиёхон Муҳаммадиевни эсладим. Ирсият назариясидан таҳсил бераётганида: «Инсоннинг зоҳирий кўринишида сочи, терисининг ранги, бўйи, кўзи, юз тузилишларининг ўзига хослиги каби ирсий белгилари бўлиб, генлар орқали авлоддан-авлодга ўтади, юзаланади (наследа кўринади). Ана шу «юзаланади» деган ибора бошқа бирон-бир тилда йўқ. Ўзбек тилининг ўзига хос жозибаси ҳам ана шунда», – деган эди фахр билан «нафақахўр» жумласига урғу бергандек.

Кўпол ва ғализ «нафақахўр» ибораси ўрнига «нафақадаги фахрий», «нуроний», «отахон, онахон» ёки «нафақадор» деган латифроқ, дилкашроқ иборани ишлатсак бўлмасмикин?..

Бир умр меҳнат қилиб, нафақа насиб этган, ўз фаолияти даврида маошидан нафақа жамғармасига тўлов тўлаб келган, бугунана шундан улуш олиб яшаётган улуғларимизга нисбатан мулойимроқ ибора ишлатсак, қилдан-да нозик кўнгилларига қувват бўлмасмикан? Ахир, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор! Етганларнинг шукрига номуносиб атама билан муомала қилиниши, муносабатда бўлиниши ўзбекона менталитет ва нуронийлик неъматига ҳам терс таъсир этиши тайин.

Инсон умри давомида ўтмиш аждодлар олдидаги қарзини узиб, ўз навбатида, келажак авлодларини қарздор қилиб кетади. Бори – шу, холос. Гап кишининг инсон сифатида ушбу

«қарз»ни қандай узди-ю, қандай қарздор қилгани устида бормоқда.

*Хонликлар ўтқинчи, беклик ўтқинчи,  
Инсоннинг идроки бўлсин саломат.  
Ҳокиму ходимлик бари ўтқинчи,  
Инсоннинг иймони бўлсин саломат.  
Бу умр ўтқинчи, умр ўтқинчи...*

## ЮРАКДА ЎТ БИЛАН ЯШАДИ

Хотиралар денгизи-ю ҳаёт уммонида бир қайик мардонавор сузиб юрибди. Қайик – эшқаксиз ва елқансиз. У гоҳ тўлқинлар қафтларида шиддат билан сузади, гоҳ бели майишгудек чайқалиб-чайқалиб кўяди. Бу ғаройиб ҳаётий қайиқда мен айтмоқчи бўлган инсон, бебаҳо деҳқон, меҳрибон устоз – Ҳорунбой тоға Эрматов бор. У мисоли ҳаёт қайиғида ўз тақдири сарҳисобини намойиш этаётгандек оҳиста ва жадал сузиб бораётир...

Бу қутлуғ тақдир эгаси меҳнат фаолиятини қосибга шогирд тушишдан бошлаб, сўнг Марғилондаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлади. Қишлоқ мактабларида ўқитувчилик қилди. Жўшқин ҳаётга интилган ёш ўқитувчи матбуотга меҳр кўйди. Қишлоқ ва шаҳар ҳаётидан долзарб мақолалар, хабар ва лавҳалар ёзиб, «Марғилон ҳақиқати» газетасида мухбир сифатида фаол қалам тебратди. Интилувчан қишлоқ йигити тажрибали журналистлар назарига тушиб, шаҳар газетасига ишга таклиф этдилар. Газетанинг қишлоқ хўжалик бўлимини бошқариб, газетхонлар эътиборини қозонди. Тошлоқ тумани газетасида масъул котиб, кейинчалик муҳаррир лавозимида ишлади. Шаҳар-қишлоқларни кезиб, инсонлар ҳаётини тарих зарварақларига муҳрлади.

Умр китобини варақлаш фақат завқли иш эмас. Айрим саҳифаларида ҳаётнинг, баъзиларида дарднинг, қувончинг сувратини кўрасиз. Шундай хотиралар бор, улар олис-олисларда қолган. Яна шундай хотиралар борки, кўл чўзса етгудай.

Ҳорунбой Эрматов ҳақида атоқли журналист Воғиз Музаффаров шундай деб ўтганди: «Ҳар бир кишининг характери аниқ белгилайдиган хислати бўлади. Ҳорунбой акада бу фазилат топширилган иш учун ниҳоятда юсак масъулиятни зукколикда сезишидадир. У ўзи ҳам кишилардаги бу фазилатни чин дилдан қадрларди. У ҳеч қачон чала ўйлаб чиқарилган хулосаларга кўшилмас эди. Асл деҳқон фарзанди бўлганидан вазминлик ва идрок билан теран ўйлаб иш кўришни ёқтирарди. Нияти яхши эди у кишининг».

Дарҳақиқат, бу инсоннинг умр йўллари воқеаларга ниҳоятда бой. Ҳазрат Навоий айтганларидай:

*Нафинг агар элга бешакдурур,*

*Билки, бу наф ўзингга кўпракдурур.*

Ўйга толаман: инсонни олдинга етакловчи куч нима? Нега у роҳатда яшаш яхшилигини била туриб, бу фароғатдан юз ўгиради? Аслида бахт беҳаловатликда эканлигини қачон англаб улгурди? Ёки бедорлик аждодларидан қон ва виждон ила ўтган меросми? Эҳтимол... Лекин одамни доимо уйғоқ тутувчи куч бор. Бу инсонийлик бурчидир!

Ҳаётга келган ҳар бир инсон ўз инсонийлик бурчини англаб яшамоғи керак. Эл-юртга наф келтириб, умрни мазмунли ўтказмоқ ҳам саодат. Ҳорунбой ота ва Бувихон онанинг фарзандлари бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида фидоийлик кўрсатаётган юртдошларимиз сафида бормоқда. Турғунбой, Мўътабархонлар – шифокор, Йўлдошали ва Собиржонлар – қишлоқ хўжалик ходимлари, Марҳабохон – ўқитувчи, Содикжон – олим, Шавкатжон

– коллеж директори, айна вақтда илмий ходим. Унинг Ғ.Ҳайдаров билан ҳамкорликда яратган ички касалликлар тўғрисидаги дарслиги, газета ва журналлардаги илмий мақолалари мутахассислар эътиборида ўз салмоғига эга.

Ҳорунбой Эрматов оилада оталик бурчини ҳам тўқис адо этиб, умр саодатига етишиб яшади. Юрагидаги жасорат ўти хаёт йўлини нурга буркади. Ортидан муносиб издошлар, кутлуғ излар, унутилмас хотиралар қолдирди. Ўзининг инсоний фазилатига муносиб ўрнини кўрсатиб, қолдириб кетди. Нафаси меросида, қадами хайрли ишларида ҳамон хаётийлик бахш этиши юракларни тўлқинлантиради. Дилимдан эса «Ҳорунбойлар кўпаяверсин», деган ўй келади, келаверади.

## ХЎҚАНДИ ЛАТИФ ФАРЗАНДИ

1998 йил 14 ноябрь куни Кўкон шаҳрида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев, олим, адиб ва таржимон Дадахон Нурий, Республика Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими масъул котибаси Матлуба Дехқон қизи ва бир қатор шоирлар, киноижодкорлар, драматурглар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари мана шу Хўқанди латифда таваллуд топган таниқли тадбиркор ва соҳиб эҳсон инсон Нуриллохон Абдуллахон ўғлининг ёдгорлик лавҳаси очилишига йиғилдилар.

Сўзга чиққан мўътабар меҳмонлар, марҳумнинг сафдошлари, иждокорлар Нуриллохон аканинг кўп қиррали фаолияти, драматург, иждокор, халқаро Яссавий мукофоти совриндори, республикамизда машҳур маҳалла етакчиси сифатида олиб борган ишлари, тадбиркорлиги, чин маънодаги

камтарин, баркамол инсон сифатидаги фазилатлари ҳақида гапирдилар.

Ушбу анжуманда камина ҳам иштирок этиб, фарғоналикларнинг бу бебаҳо инсонга бўлган қалб эҳтиромини куйидагича баён қилдим:

– Парвардигор ўзи азиз қилган бандалари ҳаётлик даврларида қилган яхши хулқ ва аъмоллари билан ўзлари учун кўйилажак ҳайкал пойдеворини яратар эканлар. Ҳайкални келажак авлод кўяр экан. Ҳа, Нуриллохон ака чақиндек умри давомида кўплаб инсонлар юрагида меҳрдан ҳайкал кўйиб кетдилар. У кишининг қолдирган рисоалари ўзликни англашдек улуғ ва эзгу ишга ҳамиша хизмат қилаверади. Ўзига хос ўзбекона фазилатлари ҳар биримиз учун ибрат мактабидир. Вақт ўтган сайин бундай инсонларнинг биз ҳали тириклигида англаб улгурмаган фазилатлари тобора яққол намоён бўлаверар экан. Вақт ва замон уларнинг бўйи бастларини тобора юқори қилиб бораркан.

Шу сўзларни битаётибман-у мени бир ўкинч, армон қийнайди. «Нимага кўпроқ ҳамсуҳбат бўлмадим?» «Нимага тез-тез йўқлаб, у кишининг бебаҳо фазилат мактабларидан сабоқ олмадим?» «Юракларида ҳали айтилмаган, қилиб улгурмаган орзу-умидларини англаб етмадим?»

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, инсон умри бебаҳо. Хайрли ишнинг эса эрта-кечи йўқ. Беихтиёр дилимдан бир тўлқин келди...

*Ўтди даврондин азиз ул даврасини кам қилиб,  
Дўсту ёру ҳам жигарлар бошларини ҳам қилиб.  
Эрди хўб ҳоҷатбакор, ул ҳимматин ҳар дам қилиб,  
Қилди қанча хайру эҳсон хотирини жсам қилиб.  
«Даст ба қор» ёди шиори – «Дил ба ёри, ё худо»,  
Ёрласин сизни ўзи деб банда қилдим илтижо...*

Не қилайлик, қисмат эркан, бўлдик ул жондин жудо,  
Қолдик бу тақдир ишига тан бериб шоҳу гадо.  
Дедилар: «Оллоҳу акбар!..» Э, воҳ, юраклар ёналар,  
Қанча хешу ақраболар, йиғлади Фарғоналар.  
Ёз, Омон, яхшини ёдин, ёд этиб ёдномалар,  
Ё, рабо! Ҳижронзада қалблар қаламдин қоналар...

## АЛЛОМАИ ЗАМОН ЭДИ

(Профессор Сирожиддин Саҳобиддинов таваллудининг 100  
йиллигига)

Илмий жамоатчилик, шогирдлар Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Сирожиддин Саҳобиддинов хотирасини ҳеч қачон ёддан чиқаришмайди.

У Ўзбекистонда ботаника фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган алломаи замон эди: ботаник-хомашёшунос, флорист, систематик, ўзбек ботаника атамашунослиги аълочиси, ўзбек тилида ботаника фанлари бўйича дарслик ва қўлланмалар муаллифи сифатида эътибор топганди. Бунчалик даражотга у сидқидил меҳнати, тинимсиз изланишлари туфайли мушарраф бўлди. Тошкент ўғлони Сирожиддин дастлаб билим юртини тамомлади ва ўқув юртларида муаллимлик қилди.

1931 йили Ленинград давлат университетининг охириги курсига қабул қилинди ва 1932 йили университетни имтиёзли диплом билан тугатди. Бу ерда у В.Л.Комаров, В.Н.Сукочев каби таникли олимлар кўлида фан сирларини ўрганди. Ёш олим 1938 йили «Ўрта Осиёнинг табиий ҳолда тарқалган шифобахш ўсимликлари ва улардан халқ табобатида

фойдаланиш» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди.

Сўнгра Андижон давлат педагогика институтида ботаника кафедрасини ташкил этди ва унга раҳбарлик қилди. 1945 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институтига ишга таклиф қилинди. Бир вақтнинг ўзида у ҳар икки институтда фаолият олиб борди. 1950 йилдан бошлаб умрининг охирига қадар Фарғона давлат университетиде ишлади. У 30 йилдан ортиқ ботаника кафедрасига мудирлик қилди, лаборатория ташкил этди, тинимсиз изланишлар олиб борди ва Фарғонада ботаниклар мактабига асос солди. Етакчи ботаник олим сифатида Ўзбекистонда ўтказилган илмий экспедицияларда фаол қатнашди. 180 дан ортиқ дарслик, қўлланма, монография, илмий ва услубий рисоалар яратди. Тажрибали педагог олим томонидан ўзбек тилида биринчи марта оригинал икки жилдли ўқув қўлланма – «Ўсимликлар систематикаси» яратилди.

Олимнинг «Ўрта Осиёнинг ёввойи ҳолда ўсувчи шифобахш ўсимликлари» номли монографияси амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда ҳам тиббиёт соҳасида ўз аҳамиятига эга. Унинг шогирдлари фанни ривожлантириш борасида қизғин фаолият олиб боришмоқда. Улар орасида фан докторлари, доцентлар, ректорларнинг борлиги қувончлидир. Жумладан, Фарғона давлат университети профессори Мадаминжон Аҳмедов, Қўқон педагогика институти доценти Валижон Маҳмудов, Фарғона давлат университети профессори Ақромжон Маҳмудов, доцент Валижон Каримов, Наманган давлат университети доценти Иброҳимжон Тоғаев каби мутахассислар устоз ишончини оқлаб келишяпти.

Демак, фан заҳматкаши, камтарин инсон Сирожиддин Саҳобиддинов сиймоси олимнинг илмий меросида, кўплаб шогирдлар фаолиятида яшамоқда, эзгуликка хизмат қилмоқда.



## ЛОҒОНЛИК ШОИР

Бу камтар, камсукум инсонни она халқининг Олой тизмаларидай залворли юкини, ғаму ташвишлари, қувончу шодликлари ва орзу-интилишларини ортмоқлаб бораётган алпкомат пахлавонга ўхшатгим, дилимдан кечган покиза туйғуларимни баралла айтгим келади. Унинг бу каби мактовларни хушламаслигини англаганим боис, битикларим сатрларида руҳан сўзлашга киришаман: «Устоз, умрингиз Қашқар чўзма лағмонидай чигал, зиддиятларга бой ўзликка қайтиш даврида кечмоқда. Иймоним комилки, фикр нурунгиздан яралган шеърларингиз, дostonларингизда бу чигалликларни чилпарчин қилиб, ҳақ йўлни иймону эътиқод, инсофу тавфиқ, адолат ва диёнат ила ёритиб бораверасиз, шубҳасиз. Бунга нафақат менинг, балки борки шеърят шайдоларининг иймони комил».

Бир муҳокамада тумонат одам йиғилди. Даврабоши сахнага азиз меҳмонларни, ҳар сатридан ҳазрат Навоий нафаси келиб турган ардоқли шоиримизни, вилоятимизнинг хурматли ёзувчисини ва яна бир нечта улуғларни таклиф этди. Лекин халойиқ ўзининг яна бир бебаҳо фарзандини ана шу минбарда кўришни жон дилдан истар ва кутарди. Буни сезган зукко меҳмон ўрнидан даст туриб, бутун зални жаранглатганча меҳр тўла оҳанг билан: «Охунжон! Охунжон, азизим, бу ёққа!» – дея чорлашга тушди ва даврабошига узрли нигоҳ ташлади. Табаррук шоирни кўярда-қўймай, ўзининг ўнг томонига ўтказди. Шу илтифотга илҳақ адабиёт ихлосмандлари тинимсиз карсақлар билан олқишладилар. Бу эса даврадагилар кўнгли тўлганлигининг яққол нишонаси эди. Шу лаҳза кўнглимдан мамнун кайфиятда қуйидаги сатрлар тошди:

*Юрагимнинг оғриқ нуқталари бор,*

*Шу дарддан жисимим гоҳ чекади озор.*

*Эътибор деган сўз маънисин бир бор  
Излаб одамлардан топмасам такрор.  
Мақсад-манзилимдан гар бўлсам жудо,  
Юрагимда огриқ бўлгуси пайдо...*

Биз кўплаб истеъдодли шоирларни биламиз. Ана шу шоирлар сафида фарғоналик Охунжон Ҳаким ҳам бор. У журналист, публицист, драматург ва шоирдир.

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят кутубхонасида ўтказилаётган навоийхонлик анжуманида даврабоши – устоз Йўлдош Сулаймон бизларни таништириб: «Мана бу – Охунжон Ҳаким. Қайси чол экан деб хайрон бўлманглар», – дея ҳазиломуз лутф қилганди.

Охунжон Ҳаким – Фарғона фарзанди. Унинг шеърларини куйга солиб кўшиқ қилган хофизни кўшиқсеварлар кўнгилларининг шоҳсупасига кўтарган.

*Дилбарим, лаълиларинг  
лабмиди, гунчамиди?*

*Қирмизи ранг юзларинг  
ё ширмойи кулчамиди?..*

Ана, ёр васлига ошиқ йигитнинг юрак илтижоси. Кўнгил осмонида ғалаён... Кўшиқ яна давом этади:

*Йўлларингга кўз тутарман,*

*Нега боқмайсан қиё?*

*Васлингга зор йигитнинг*

*Қиммати шунчамиди?*

Ана, оريات, ана, поклик! Бу ибо ва ҳаё пардасига ўралган сатрлар куйга кўшилиб, тингловчилар қалбини эзгуликка тўлдиради.

Яна бир шеърда («Висол»):

*Минг йилларки, одамийлик ўлчови бўлмиш,*

*Ҳаё билан ибо ширин, одоб шириндур,*

дея хитоб қилади. Бу – дунёга теран назар билан боқувчи

шоир айтимлари.

Шоир «Шайдо ўзим» шеърида гўё фикрига хотима ясайди:

*Бу ёруғ дунёга, дўстлар,*

*Келмадим дунё дея.*

*Кезмадим рўйи заминни*

*Дур дея, тилло дея.*

*Тингла, Турон, тингла, юртим,*

*Бир нидо айлар дилим,*

*Борми, айт, сенга Охундек*

*Ошиқу шайдо дея...*

Наздимда, Охунжон Ҳаким шеърияти, инсоният бор экан, эзгуликка талпинган дилларга ҳамиша ҳамроз бўлиб қолаверади.

## ЛОҒОНДА ЎРИКЛАР ЎЗГАЧА ГУЛЛАЙДИ

*(Логонлик отахонлар билан учрашиб, суҳбатлашганимда миннатдорлик билан: «Болам, бизни бугун ҳам Раҳмиддин боқяпти... Унинг боғлари боқяпти», – дейишди.)*

Болаларнинг беғубор дил осмонини санъатга ошно қилган Республика болалар хорининг биринчи ташкилотчиси Шермат Ёрматов «Булбулча», «Пахтаой» каби дасталар тузиб, миллий санъат ворислари тайёрлаш ишига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Бу бежиз эмас. Лоғонликларнинг ҳар бештадан бири шоир ва санъаткорлиги фикримиз исботидир.

Тоғ ва адирликлар этагидаги қишлоқ ерлари тақир тошли, шу туфайли тупроғи кам унум, боз устига суви ҳам тақчил. Бундай ерларда дехкончилик қилиш текисликка нисбатан бир неча марта қийин. Бу эса маҳсулот таннархининг ортиши ва ўз навбатида, даромаднинг камайишига сабаб бўлади. Шунинг

учун бўлса керак, Лоғон вилоятдаги энг қолоқ қишлоқлардан бири эди.

Лоғонлик Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимнинг ўз хамқишлоғи Раҳмиддин Абдурахмонов ҳақидаги рисоаларини ўқиб, катта таассурот олгандим. Кейинчалик тақдир мени ана шу бебаҳо инсон билан учраштирди ва кўп бор мулоқотда бўлдик. Раҳмиддин аканинг ўз қишлоғи, халқи учун қилган ишларини кўриб, Максим Горькийнинг Данькосига ўхшатгим келди. Данько зулматда кўксини ёриб, ёниб турган юраги ёғдусида халқини ёруғликка олиб чиққан. Раҳмиддин ака ҳам қишлоғига йўллар чиқариб, ариқлар қаздириб, сув келтирди ва минг гектардан ортиқ жаннатмакон боғлар яратди. Ерлар унумдорлигини яхшилаш чораларини топди. Ана шу даромадлар ҳисобига болалар боғчалари, мактаблар, маданий-маиший бинолар, санъат саройи барпо қилди. Ғишт, консерва заводлари қурилиб, аҳоли иш билан таъминланди, техникалар учун автопарк саройи қад кўтарди. Бир сўз билан айтганда, ўз қишлоғини тубдан қайта қуриш бахтига муяссар бўлди...

Йиллар ўтди... Унинг боғлари тонгги саболарда шивирлаб ҳаёт абадийлигидан сўзлайдилар. Раҳмиддин ака қисқа, лекин сермаҳсул умрида қила олган ишлари билан она халқи дилида абадий барҳаёт бўлиб қолди. Устоз Шайхзода айтганларидек: «Умрлар бўладики...»

Ҳа, бундай кишилар умри яшаган йиллари билан эмас, ҳаётлик даврида қилиб улгурган ишлари билан абадий яшайди. Боғлари, қурдирган бинолари, иншоотлари... Унинг содиқ шогирдлари, дўстлари бунга шохид бўлиб турадилар. Шундай танти, софдил одамлар Лоғонда бисёр. Дарҳақиқат, бу ерда ўриқлар ўзгача гуллайди...

Шу улуғ инсонга меҳрим боис, ҳар йили баҳор чоғи, айни ўриқ гуллаганда Лоғоннинг Қувасой адирлари билан туташ бағридан то Аввал қишлоғигача чўзилган адирликдаги

ўрикзорга бориб, зиёрат қиламан. Новдалардаги ўрик гуллари чиллада киров кўнгандай ярқираб товланади. Ҳар гал хаёлга чўмаман, гўё бепоён боғлар бағридан бошида хиёл эскирган телпаги, эғнида ёғлама пахталик, оёғида кирза этик билан Раҳмиддин ака кулиб чиқиб келаётгандек. Баҳор офтоби юзини қорайтирган, бу пахлавонкелбат, истарали кадрдонимни бир кўрган киши қайтадан суҳбатлашмоққа ошиқарди, унинг дарёдиллигидан руҳ оларди.

Адирларда енгил шаббода турди, гул косаларидан узилган нимранг гул япроқлари гўё еру дов-дарахт билан бемалол тиллаша олган миришкорнинг изларини излайди. Қидира-қидира тополмагач, унинг руҳи кезинган боғларга гулпоёндоз тўшайди...

## СЎЛИМ ГЎШАЛАР

Фукаролик паспортимда «Фарғона тумани Бешбола қишлоғининг Беклар маҳалласида туғилган» деб ёзилган. Шохимардон ва Ёрдон шу туманнинг тоғли қишлоқлари, менинг туманим бўлганлиги учун фахрланишга ҳақлиман...

Шохимардон, Ёрдон деганда беихтиёр салобатли тоғлар, табиат ўзи ато этган сўлим боғлар, чашмалар, Оқ сув ва Кўк сувнинг кўшилишидан ҳосил бўлган Шохимардон дарёси шаркироклиги, тоза ва латиф ҳавоси, такрорланмас баҳор тонглари, адоқсиз булбуллар навоси кўз олдимга келади.

*Чалгин созингни, булбул,*

*Айтгин розингни, булбул.*

*Согиниб келдим сенинг*

*Ҳуш овозингни, булбул...*

Табиатнинг сўлим гўшалари кўп, аммо Шохимардон битта. Қай ерда бўлмай, фарғоналикман, дейишим билан Шохимардонимни сўрайдилар. Бу мен туғилган туманнинг

гавҳар гўшаси. Демак, «меники». Ҳар бир инсон ўз кишлоғи, туман ёки шаҳари, вилояти, мамлакатини «меники» деб англамас экан, дахлдорлик ҳисси уйғоқ бўлмас экан, билингики, у бу юрт учун бегона. Ҳар бир инсонда ота-онаси, авлодаждоди, элу маҳалласи билан фахрланиш туйғуси бўлсагина, у Ватан деб аталмиш муқаддас сўзнинг том маъносини тушуниб етади.

Шоҳимардон томон кўтарилиб борган сайин табиатнинг сеҳрли оламига кириб борилади. Айрим лоқайд, эртасини ўйламайдиган юртдошларимиз томонидан бу ернинг ҳавоси, табиати нечоғлик ғорат қилинаётганлигини кўриб, юрак увушади. Мана шундай кўркам гўшага, танти табиатнинг қайноқ бағрига ҳар ким ҳам соф ният билан келмаётганлиги кишини ташвишга солади. Айниқса, турли тоифадаги саёҳатчилар турли йўллар билан тоза ва дуркун табиатни, унинг бағрида тошиб оқаётган дарё сувини ифлослантираётганига қандай қараш, қандай тадбир қўллаш мумкин? Бутун мен индамасам, сиз чурқ этмасангиз, эртага нима бўлади?! Ана шу оғриқли ўйлар муттасил исқанжага солади киши дилини.

Ота-боболаримиз Шоҳимардонни, аввало, зиёратгоҳ деб билганлар! Зиёратчи ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам жисмонан озиқ олади. У фақат оромгоҳ эмас! Оромгоҳда жисмонан дам олинади, холос.

Помир-Олой тоғ чўққисидаги сув айиргичдан ҳосил бўлган Шоҳимардон ҳамда Сўх дарёси табиатнинг ажойиб ва ноёб мўъжизавий масканларидир. Бир манбадан икки хил рангдаги икки дарё ҳосил бўлган. Шоҳимардон сувининг сутдек оклигини Фарғонанинг оққўнгил, пок ниятли кишиларига, тоғ куёши нурида пўлатдай товланиб оқаётган Сўх дарёсини сўхликларнинг иймон-эътиқоди, яшаш-яратиш йўлидаги мустаҳкам иродасига қиёслагим келади.

Хизмат сафари билан Сўхда бўлганимда ҳамроҳим «Чашмани кўрганмисиз?», деб қолди. «Йўқ», дегандим.

«Йўл-йўлакай кўриб ўтамиз», деди. Манзилга етиб келиб, машина тўхташи билан, бир нуруний отахон «Хўш, хизмат, ўғилларим?» дея қарши олди. Салом-алиқдан сўнг: «Булокка қараб туришга келгандим, маъзур тутасизлар энди. Хизматчилик-да бу ёғи», – деди ўктамгина тикилиб. Шундан билдимки, табиатнинг бу бетакрор мўъжизасини бутун аҳоли кўз қорачиғидай асрар, сув сўраганларга ўзлари олиб чиқиб берар экан! Булок атрофи кўм-кўк, покиза. Ҳамроҳим кўлида оппок чинни билан булок томон бошлади.

Булокка қараб тўймайсиз. Оппок қор ёғиб туришига қарамай, кирғок бўйлари баҳор майсалари билан қопланган. Табиий покликнинг, гўзалликнинг асири бўлади киши. Ҳамроҳим бир чинни косада булок сувидан олиб, менга тутди. Симираётибман-у вужудимда бир ҳузурбахшликни туйдим. Танамга сув билан бирга роҳатбахш куч-қудрат ва хуш кайфият таралди. Шаҳар дудлари, хлорли сувларга тўйинган одам табиатнинг бу ажиб неъматини қаршисида лол қолмай иложи йўк. «Бутун Сўх тумани аҳолисини қувурлар орқали чашма суви билан таъминлаганмиз, – дейди ҳамроҳим. – Шунинг учун бу чашмани доимо авайлаб саклаймиз».

Ҳа, Сўхдаги бу бебаҳо чашмага, поклик, иймон-эътиқодга бўлган муносабат ниҳоятда гўзал эканлигини теранрок ҳис этдим. Тоғликларга хос ғурур, матонат ва салобат бутун вужудингизни камраб олади. Бу туйғу анча вақтгача руҳиятингизни, вужудингизни тарқ этмайди. Яна ва яна шу ёқларга кадам ургингиз, роҳат топгингиз, табиатни асровчи танти тоғликларга эҳтиромлар ўқигингиз келади, келаверади...

## ШОҲ ВА ШОИР

(Нафис мажлислар)

Мир Алишер Навоий кўчада бораётганида бирдан шаррос ёмғир қуя бошлабди. Иттифоқо, йўлда устоз Мавлоно Лутфий учраб қолибди. Бирга сўзлашиб борар эканлар, Лутфий ҳазратлари ёмғир томчиларининг бир-бирига ипдек илашиб, «ришта» (арқон) пайдо қилаётгани сезиларли эканига Навоийнинг диққатини жалб этади ва Амир Хусрав Дехлавийнинг:

*Ёмғирнинг риштасин маҳбуби ушлаб,  
Турмоққа чоғланмиш кўнглини хушлаб,  
байтини эслайди.*

Худди шундай ёмғир маҳалида кўчада бораётган маҳбуби лойга тойилиб, мункиб кетгани ва кўккис ёмғир «арқон»ига осилиб, ўрнидан туришга чоғлангани шогирд тасавурида бир зумда тасвир чизиб ўтади. Гўзал маҳбубнинг бағоят нозиклиги ва енгиллигини ифода этган бу ўхшатиш Лутфийга ёққандек Навоийда ҳам таҳсин уйғотади.

Хусайн Бойқаро ҳузуридаги бир мажлисда Навоий Хусрав Дехлавийнинг ўша ўхшатишини баён қилади ва шохдан таҳсин кутади. Аммо Хусайн Бойқаро бу ўхшатишдаги бир ожиз томонни кўрсатади: «Ёмғир томчилари пастга қараб ёғади, табиийки, «ёмғир риштаси» (арқон) ҳам пастга қараб ҳаракатланганлиги учун йиқилган маҳбуб бу риштага осилиб туриб кетиши мумкин эмас, мағзида ҳақиқат йўқ», дейди-да, шу захоти: «Ўша байт мундоқ бўлса, эҳтимолким эътирозга ўрин қолмас», деб:

*Бемор эдим турмоқ этгандим мақсад,  
Ўргимчак «арқони» берди бир мадад,*

байтини мажлис аҳлига тақдим этади. Бундаги ўхшатишнинг табиийлиги ва ҳозиржавоблиги билан султон мажлис аҳлини лол қолдиради. Ана шундай мажлисларнинг



яна бирида даврани султоннинг ўзи бошлаб, ушбу:

*Ҳажр шони ой чиқиб, мен йиғлар эдим дард ила,*

*Сайрлар қилдим сени истаб моҳи шабгард ила,*

байтини ўқиб, шу мавзуни давом эттиришни шеърят аҳлидан сўрайди. Баъзилар бошлаб тугата олмайдилар, яна бошқалари айта олмасликларига иқрор бўладилар. Ҳамма Алишерга қарайди.

*Ўтқа солғил сарвни, ул қадди раъно бўлмаса,*

*Елга бергил гулни ул рухсори зебо бўлмаса.*

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да ҳикоя қилади: «Қобулий деган ёш шоирнинг шеърини тузатиб берган эдим. Шу шеърни Қобулий Хусайн Бойқаро мажлисида ўқиганида подшоҳ шеърнинг мен тузатган жойини Қобулий томонидан ёзилмаганини пайқаб қолди ва йиғиндан сўнг мени шу байтни ёзганимга иқрор бўлишга мажбур этди. Инкор қила олмадим. Дедимким, сизнинг сирли файзлар макони бўлган хотирангизга маълумдир».

Олиму фозиллар, шоирлар Хусайн Бойқаро мушоҳадаларининг кенглиги, ифодасининг аниқ ва нозиклиги, камоли фазл, баланд идрок таъб ва зеҳни пок кароматига тан берганлар. Замонаси шеърятти тахтида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий билан бир қаторда шоҳ ва шоир Хусайн Бойқарони ҳам эътироф этганлар.

## ТҶҲАТ

*(Иброҳим Гафуров ижодининг баъзи қирралари ҳақида)*

*Кекса журналист Вогиз Музаффаров билан биргаликда файласуф ва тилшунос олим Иброҳим Гафуров ижодига доир арзирли бирор нарса ёзмоқни дилимизга тугиб қўйган эдик. Мана, минг бор шукрки, вақти кўз очиб, ният холисона рўёб сари одимлаб қолди. Юракларда чўғлар учқунлаб, дилкашона*

*суҳбат қуриб ўтирганимиздан бағоят хурсандмиз.*

**О.Ҳошимов:** – Воғиз ота, тўғридан-тўғри мақола ёзишга журъат қилолмадик...

**В.Музаффаров:** – Бир ҳисобда тўғри қилдик.

Ўзбек миллий адабиётининг таниқли жонкуярларидан бири Иброҳим Ғафуров ҳақида адабиёт соҳаси дарғаларидан бир нечтаси асосли мақолалар ёзган ва ҳозирги пайтда ҳам ёзиш тараддудида юрган олимларимиз оз эмас. Бизлар эса унга бўлган ҳурматимизни изҳор қилиш учун ижодкорликнинг хат (эспиндиатр) шаклини танлаганимиз эҳтимол яхши бўлди. Чунки бу мактубимиз дўстимизнинг ўзига жўнатилади. Ўқиб ё юзида табассум бўлар, ёким турли хаёлларга бориб, стол тортмасига ташлаб кўяр.

**О.Ҳошимов:** – Сиз «Фарғона ҳақиқати», «Хуррият» газеталарида ёзганингиз эсимда – «И.Ғафуров Достоевский ролида» деб қўйган сарлавҳангиз кўпларга маъқул бўлди. Баъзи касбдошларимизга эса бошқачароқ туюлди, бу ҳақда фикрингиз қандай?

**В.Музаффаров:** – Назаримда, таржимон бу ўта машаққатли ишга киришиш олдидан ғоят муҳим тайёргарлик кўрган. Дунё адабиётининг машҳур намояндаси Фёдор Достоевский ҳақида, унинг ҳаёти, ижодий услуби тўғрисида кўп маълумотлар тўплаган. Натижада, рус тилида бўлган «Жиноят ва жазо»ни ўзбек тилидаги ўқишли асар ҳолига келтирган.

1949-1952 йилларда шарқий Германиянинг Дрезден шаҳридаги биринчи-гвардиячи танк армияси газетасида ишлаб юрган кунларим. Немис тилидан дарс берган Курт исмли муаллим бир кун адабий ҳаёт ҳақида суҳбат бошлади. «Буюк рус адибларидан Л.Н.Толстой ва Ф.М.Достоевскийларнинг бутун жаҳонга машҳурлигини ҳамма билади. Мана, ҳозир университетда рус адабиёти ва санъатидан сабоқ бераман. Ёшларимиз кўпроқ Достоевский ихлосманди. Чунки Лев Толстой асарлари кўпроқ киборлар муҳити учун ёзилган

ва уларнинг пасткашлигини, қабих ишларини ошкора  
фош қилади. Достоевский эса кўпроқ паст табақали, ҳатто  
бесорапларнинг олижаноб хислатларини тараннум этади.  
(хусусиятлари хақида ёзади)», – деганди муаллим.

И.Ғафуров бу айирмани жуда яхши билганидан «Жиноят ва  
жазо»да ҳамда бошқа асарлари таржималарида улар ҳаётини  
алоҳида мохирлик билан тасвирлаган. У фақат рус адабиёти  
эмас, бутун ғарб адабиёти билан ўзбек халқини таништиришга  
интиломда. Эрнест Хэмингуэйнинг икки асарини катта  
махорат билан ўзбек тилига ўгирган. Масалан, «Чол ва  
денгиз» романида инсониятнинг мустақил ривожланиб  
боришида авлодлар орасида қадимдан узилмай келаётган  
биродарлик, кон-қардошлик ришталари кекса ва ёш авлодлар  
орасида қай тарзда, қай кўринишларда мустаҳкамланиб  
бораётгани болақай билан чол ўртасидаги муносабатларда  
якқол кўрсатилган. Бу асар ҳозирги даврда ҳам, бундан кейин  
ҳам эскирмайдиган ривожланишнинг ҳар қимнинг кўзига  
кўринмайдиган катта-кичик манзараларида ўз аксини топган.  
Роман рус тилидан ўзбек тилига ўгирилган бўлса-да, энгил ва  
ихлос билан ўқилади.

**О.Ҳошимов:** – Дўстимизнинг таржимонлик фаолиятлари  
хақида ёзганларимиз етарли бўлса керак, бунга нуқта қўяйлик.

**В.Музаффаров:** – Дарҳақиқат, мулоҳазалар чўзилиб  
кетди. Лекин, дангал айтиш керакки, ҳозирги таржимонлар  
фаолиятида янги, қувончли бир давр бошланмоқда. Энди  
биз шарқ ва ғарб бадиий асарларини фақат рус тилига  
ўгирилганидан фойдаланиб эмас, балки асарни ўз аслиятдан,  
муаллифнинг ўз она тилида ёзган нусхаларидан таржима  
қилишга эришмоқдамиз.

**О.Ҳошимов:** – Энди И.Ғафуров ижодининг муҳаррирлик  
соҳасига ўтайлик. Ҳозиргача кўплаб муҳаррирлар билан  
мулоқотда бўлдим. Аммо ҳеч қайсисини И.Ғафуров билан  
қиёслай олмайман. И.Ғафуров «Ўзбекистон адабиёти ва

санъати» газетаси муҳаррири ўринбосари бўлиб ишлай бошлагандан кейин газетанинг мухлислари кўпайиб кетганлиги кўпчиликка маълум. Гап шундаки, муҳаррир ўринбосари жойларда бўлганида маҳаллий газеталарнинг ходимлари билан танишар, ўзи ишлаётган газетага хат-хабарлар, шеърлар, очерклар, мақолалар йўллаб турган кишилар билан учрашувлар ўтказар ва уларга аниқ топшириқлар берарди. Жойлардаги дўстона муносабат кутилган натижага олиб келар эди. Матбуотда янги ижодий йўللار топиш борасида амалий семинарлар ўтказиш, яккама-якка суҳбатлашиш каби анъаналардан И.Ғафуров моҳирлик билан фойдаланди. У ўз таҳририяти ходимларигина эмас, жойлардаги журналистлар нималарга қодир, қайси жанрда дадил ишлаб кетадиганларини билишга интилди. Энг мураккаб жанрлар, публицистик мақолалар, очерклар ёзиш устаси бўлган устоз бу соҳада кўпларимизга ибрат, ёзганлари эса, айниқса, ёш қаламкашлар учун ажойиб андозадир.

**В.Музаффаров:** Бу гапингизга тўла қўшиламан. Дадилликни эп кўрмайдиган, ўз соясидан чўчиб яшаётган муҳаррирлар ҳам бор, албатта. И.Ғафуров «Миллий тикланиш» газетасида бундан бир неча йил илгари эълон қилинган шоир Эркин Воҳидов билан «Халқаро иқтисодий муносабатлар» мавзусида бўлган суҳбатида «прагматизм» атамасини жуда ўрнида ишлатгани мени хайратда қолдирди. Айрим мақолаларни ёзганимизда биз кўпинча керакли атамаларни тополмай қийналамиз. Сиз каби мен ҳам И.Ғафуров ёзганларини ўқиганимда унинг услубидан баҳраманд бўламан.

Фарғоналик адабиётшунос олимларнинг баъзиларидан «Устознинг ижодий фаолиятида сизни кўпроқ нималар кизиқтиради?» деб сўраганимда, «Мақолаларининг илмийлиги диққатни тортади», деб жавоб беришди. Бундан кўп йиллар илгари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»

газетасида И.Ғафуровнинг Қул Хожа Аҳмад Яссавийга бағишланган антиқа мақоласи босилганди. Унда Аҳмад Яссавий асарларини «Шарқнинг машҳур шоири Фирдавсий ва Ғарб алломаси Данте асарлари билан бемалол тенглаша олади», дея юксак баҳолади. Буни ҳақиқатан ҳам илмийлик белгиси деса бўлади. Устознинг илмий асарларида ҳамиша Ғарб ва Шарқ алломалари бир сафга қўйилади. Минглаб ўқувчиларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлган яна шундай мақоласи – «Халқ сўзи» рўзномасида чоп этилган «Яшашимизнинг таянч нуктаси»да ҳам мазкур фикр марказий ўринни эгаллайди.

Адабиётшунос олимнинг Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилиши муносабати билан ёзган мақоласида куйидаги фикрлар баён этилади:

«Микёсли тасвир» усули Эркин Воҳидов шеърятининг 70-йиллардаги тўлқинларида тўла ва ранг-баранг тарзда намоён бўлди. 70-йилларда унинг шеъряти айнан микёсли тасвир усулининг ҳукмрон бўлганлиги билан характерланади. Бу шоирнинг ажиб бир муваффақиятли топилмаси эди ва у санъаткор адибга ёркин бадиий асарлар яратишга хизмат қилди. Бу усул маълум маънода даврнинг характеридан келиб чиқди. Бошқа маънода эса шоирнинг янгиланган, ўзгарган ижодий максадларини ҳам акс эттиради».

Бу маънавий сатрларда чин ва фидокор фан арбобининг анча вақт давомида олиб борган тадқиқотлари натижасида ҳосил қилган хулосалари битилган. Ҳеч шубҳа йўқки, машҳур шоиримиз ижодига самимий муносабат туфайли кашф этилган қимматли фикрлар адабиётшунослик фанида янгилик бўлибгина қолмай, балки кўпинча изланувчан ёш олимларимизни ҳам адабиётшунослик фанини янги чўккиларга кўтаришда илҳомлантириб, руҳлантириб, баракали меҳнат қилишга даъват этади.

**В.Музаффаров:** – Қўлингизда доим шу китобни кўраман. Ундан нима топгансиз?

**О.Ҳошимов:** – Устознинг «Дил эркинлиги» китоби ҳамиша ҳамроҳим. Билсангиз, туну кун қўлдан қўёлмайман. Ҳар гал ўқиганимда ҳаётнинг жозибаси, янгидан-янги кирралари намоён бўлаверади. Ўқиб тўймайман, тўёлмайман ва устоздан доимо ана шундай асарлар ёзишини кутиб, авлодларимга илиниб, соғиниб яшайман.

*Очмиш устозим дилин, унда ўтмиш доди бор,  
Ҳамда ҳазрат Мир Алишер бирла Машраб ёди бор.  
Чархи кажрафторнинг озоридан фарёди бор,  
Мулки Турон ичра ўзбекман деган зурёди бор.  
Бобури туркона султон назмида зоҳир алам,  
Дилда эркинлик ўтин ёққин, болам, ёққин, болам.*

*Унда Қодирий ила Чингиз огам овози бор,  
Эркесвар Чўлпону Фитрат бирла Усмон сози бор.  
Ҳамда Абдулло ила Эркин Воҳиднинг нози бор,  
Битта бошга бир умрнинг қанча қишу ёзи бор.  
Ёд этиб аллома, фозилларни ул йўнмиш қалам,  
Дилда эркинлик ўтин ёққин, болам, ёққин, болам.*

**В.Музаффаров:** – Эътиқодингизни хурмат қиламан.

**О.Ҳошимов:** – Раҳмат.

**В.Музаффаров:** – Бу биргаликда ёзганларимизнинг сўнгиси бўлса керак.

**О.Ҳошимов:** – Ундай деманг, устоз, биз ҳали Иззат Султон, Ғафур Ғулом билан Максуд Шайхзода дўстликлари ҳақида кўплаб рисоалар ёзамиз...

**В.Музаффаров:** Иншооллоҳ.

## ТАБАРРУК МАКТУБ

(Иброҳим Ғофуров Фёдор Достоевский ролида)

Бу сарлавҳа баъзи ҳамкасбларимга эриш туюлса-да, назаримда тўғри ва ўринлидир. Чунки рус адабиётининг жаҳон маданияти хазинасига кўшилган дурдоналаридан хисобланган Ф.М.Достоевский асарларини таржима қилмоқ учун икки тилни аъло билишнинг ўзигина етмасди. Адабий маҳорат ҳам камлик қиларди. Бунда театр ибораси билан айтганда, Достоевский образига кириш, унингдай фикрлаш, сўзлаш, унингдай кенг дунёқарашга эга бўлиш, ҳаётни унингдай тадқиқ қила билиш керак эди.

Масалан, «Жиноят ва жазо» романини бир неча йил бурун ўқиганимда таржиманинг айрим жойларини рус тилидаги асл нусхасига таккослаб кўрганман. Сабаби, киши руҳи, унинг одамларга муносабати шу қадар таъсирли чиқибдики, бу ҳолатлар рус тилида қандай тасвирланган экан, деган саволга жавоб кидиргандим. Айниқса, романнинг олтинчи қисмидаги саккизинчи боб ва эпилогдаги манзараларни ўқиганда Достоевский ўзбек тилида ёзгандек туюлди. Жуда равшан бўлганлиги мени ҳайратда қолдирган ва қувонтирган эди. Бўлар иш бўлиб, яъни Раскольников ўзи яшаган уйнинг эгаси – кампирни ўлдиргач, синглиси Дуня акасининг кўшниси Соня хузурига келади. Икки қизнинг ёниб-куйиб Радион Раскольников тақдири ҳақида кўз ёши тўкиб гапиришганларини лоқайд ўқиб бўлмайди. Ўшандан сўнг Дуня чиқиб кетгач, Сонянинг хонасига Раскольников киради. «Соня куни билан уни ўтақаси ёрилиб кутиб ўтирди. Қизнинг кўксидан шодиёна нидо отилиб чиқди. Лекин Раскольниковнинг юзига диққат билан тикилгач, бирдан ранги қув ўчиб кетди. «Топдинг! – деди тиржайиб Раскольников, – мен сендан оқ фотиҳа олгани келдим, Соня». Сўнгги икки сатр рус тилида мана шундай ёзилган: «Ну, да! – сказал усмехаясь,

Раскольников, – я за твоими крестами, Соня».

Ўйлайманки, таржимон айниқса эпиллог устида ихлос ва ўзгача завк билан меҳнат қилган. Сибирдаги маҳбусларнинг ўзаро муносабатлари жуда ҳаққоний тасвирланган. Хусусан, маҳбусларнинг Раскольниковга чексиз нафратлари ва Соняга нисбатан жўшқин меҳр-муҳаббатлари ҳақида ўқиганда ларзага келасан киши. Рус мумтоз адабиётида – Пушкин, Толстой, Тургенев, Лермонтов асарларида аёлларнинг унутилмас образлари яратилган. Лекин Достоевскийнинг Соняси адабиётда алоҳида ўринга эга. Иброҳим Ғафуров бу илоҳий муҳаббат соҳибаси ва мислсиз фидойи қиз образини шу қадар авайлаб севиб яратганки, унинг ёзмиши ва характерининг айрим жиҳатлари халқимизга яқин, қадрдон. Оғзаки ва ёзма адабиётимиздаги қаҳрамонлар Ойбарчин, Ширин, Лайли, Кумуш каби сиймоларни эслатади.

Буюк асар таржимони Иброҳим Ғафуров «Жиноят ва жазо» романи устида олийжаноб меҳнат қилишдан бошқа ҳеч қандай иш билан шуғулланмаганида ҳам адабиётимиз тарихида муносиб ўрин эгаллашга ҳақли бўларди деб ўйлайман. Бу заҳматли, сермашаққат меҳнати билан у маданиятимизнинг содиқ жонкуяри эканлигини кўрсатди. Кечикиб бўлса-да, унинг букилмас иродасига ва мислсиз жасоратига офарин дейишимиз керак.

***Воғиз МУЗАФҒАРОВ, матбуот фахрийси.***

*2001 йил 14 ноябрь.*



## ТАҲСИННОМА

Ассалому алайкум, мухтарам ва ардокли адибимиз Иброҳим Ғафуров!

Китобингизни биз ҳам машрабона туйғу ва кечинмалар билан ўқимоқдамиз. «Ўқимоқдамиз» дейишимизнинг боиси, «Дил эркинлиги» бир ўқиб, ташлаб кўядиган китоб эмаслигини ифтихор билан, алоҳида урғу билан билдириб кўйишни китобхонлар олдидаги фарз ва қарзимиз деб билдик. Асарни таҳлил ва тақриз қилиш ниятимиз ҳам ўзгарди. Сабаби, унга ёзилган сўз боҳиси ҳам биз кутгандан-да зиёда. Аслини олганда, асар бошдан то сўнгги нуқтасига қадар мисоли бир олтин узукка гавҳар кўз кўйилгандек бўлибди.

Адабиёт оламига аёнки, Сизни кўпроқ мумтоз адабиётдан тортиб, умуман, адабиёт дунёсидаги барча дурдоналарнинг сезгир ва синчков соқчиси деб билардик. Яъни, Иброҳим Ғафуровнинг тақризи ва таҳлиллари қанчадан-қанча шоир ва адиблар, шоира ва адибаларнинг асарларини тошу тарозуга солиш билан бирга, ёш ижодкорларнинг ҳам ижод деган муқаддас даргоҳ остонасидан хатлаб ўтишларида яқин кўмакдош бўлгани аён. Меҳнату масъулият, машаққату шижоат қатраларида дастлаб ҳаётни, табиатни, турфа атвордаги одамларни нозик дид ила илғаш ва англаш ҳиссини улғайтириш лозимлигини идрокка жойлаш ҳақидаги кўплаб китобларингиз ва рисоаларингиз маълуму машҳурдир. Эндиликда Сиздай адабиётшунос олим, мохир таржимон, ажойиб сўз устасининг бадиалари, тазмин ва тазкиралари бизни мафтун этибгина қолмай, кўз ўнгимизда шарқона лутфу латофат, зариф ва заранг бадиияти билан танилган адибимизни чин кўнгилдан самимий кутлаб кўйишга жазм этдик.

Дунё назму навоси, ўлмас асарлари билан қойил қолдириб келаётган ғазал мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер

Навоий, гоҳ шоҳ Машраб сифатида сипо ва устувор қарашлари билан кўнгил шабистонини ишғол қилган, гоҳи жон-жонимизни яшаш нашидаси билан поклаган, мутлоқ илоҳий ашъорлар тизимини қалбига муҳрлаб, чиппа-чин девонаи Машрабга айланган боболаримиз руҳи кезинмиш азизу анбиёлар қадамжолари боқий юрт ўғлонлари эканимиздан диллар фариштамисол енгил тортгусидир, албатта. Ана шу азизлар тарбияти ила қўлингизга ҳар дам илҳом қалам тутмоқлиги ҳам илоҳий мададлардан дарак эрса, ажаб эмас.

Биз учлик: адиб, китобхон ва лирик қаҳрамон билан китоб воқеаларининг бошидан охиригача гоҳ илоҳий ишқ ва изтироб ичида ҳайқириб, гоҳ ерпарчин бўлиб, она тупроқ ифорини тўйиб-тўйиб туйғувчи, ёнғувчи, ўртанғувчи ҳолат ва лаҳзаларни бошдан кечирдик.

Иброҳим ака, рўй-рост айтиш мумкинки, бу Сизга, энг аввало, Оллоҳнинг марҳамати бўлса, бир томони истиқлолимиз эпкинни бахш этаётган шарофатдир. Йўкса, бобо Машрабнинг бу қадар эмин-эркин дил титроқларини кўз илғамас пардаларда созлаб тараннум этиш осон кўчмас эди, деб ўйлаймиз. Яратганга беадад шукроналар бўлсинким, истиқлолимиз боис нафақат Сиз каби адибларга, балким кўп сонли китобхонлар дид ва талабларига ҳам, ҳатто асар қаҳрамонларини «илгариги бир хил қолип балосидан» чиқариб, уларнинг ҳаётига ҳам эркинлик эпкинини бахш этди.

Шунинг учун ҳам биз «Дил эркинлиги»ни яйраб мутолаа қилиш имконига муяссар бўлдик. Асарни такрор-такрор ўқиган лаҳзаларимизда сўз маъзи ва унинг маъновий, ҳамким маънавий тоти Сиздай адибларимизга имконият уммонларини очиб бераётган мустақилликка ададсиз ихлос ва иймон, фахр ва миннатдорлик тўла дилимизни изҳор этажакмиз. Ахир, бугун Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирийлар руҳий эркинлиги, уларнинг ижодга, адабиётга, мухлисларга, ватанга, халқимизга қайтишлари ҳам «Дил эркинлиги»да

акс этиб турибди. Жаҳонгир Амир Темурдан тортиб, илм ва маърифат офтоблари Баҳовуддин Нақшбандий ва Аҳмад ал-Фарғонийларнинг ватанларига қайтганлари, юртимиздаги ноёб тарихий обидаларнинг тикланаётгани ва янги-янги меъморий шарқона биноларнинг қад ростлашлари – барча-барчасини мустақиллик шарофатидан деб биламиз.

Машраб!.. Ҳақ ва ҳақсизлик ўртасида гоҳ нолон, гоҳ наъра тортиб ўтдан-сувга, сувдан-ўтга ташланган Машрабимизнинг ўзи ўз адабиётимизда не хил талқин ва тахминларга дуч келмаган эди, ахир?! Бугун ана шу мустақил юртимиз шоир ва адиблари, ўзбек адабиёти ўзининг қадду бастини аста тиклаб бораётганлиги кувончли ва ҳаяжонлидир. Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Шароф Бошбеков, Тоҳир Малик, Тўра Мирзо, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод каби кўплаб шоир ва адибларнинг самарали ижод намуналари ҳам ана шу «Дил эркинлиги»дан десак, муболаға бўлмас, албатта.

Иброҳим ака, узр, биз адабий ўйлар қолиб, бир оз чалғидик, чоғи. Асарингиз бугунги кун учунгина эмас, келгуси авлод китобхонлари учун ҳам сув ва ҳаводай зарур. Улар ҳам биздай иштиёқ ва ихлос билан мутолаа қиладилар, иншооллоҳ.

Сўз – кўнгил калити, дейдилар. Сиз ана шундай сўз сеҳрини, сўз кадр-кимматини билгувчи ва илғагувчисизки, каламингиздан тўкилган ҳар бир сўз дурдонаси хушхулк, беғубор, камтарин кўнгил кўламингизни шундоққина акс эттириб тургандай. Ахир, сўзни бу қадар ўрнида ва хассослик билан ишлата билиш фақатгина Сиз ва сиз каби мулоҳаза ва мушоҳада дунёси кенг адибларгагина ато этилганлиги шундоққина маълумдир. Ҳа, адиблар кўп, китоблар ҳам кўп. Бироқ ўттиз-қирқталаб китоблари чоп этилиб, китоб жавонларини ишғол қилиб, чанг босганлари ҳам оз эмас. Сиз эса озми-кўпми, аммо соз ва гўзал рисола-ю китобларингиз билан асл китобхонлар қалбига кириб бораверинг. Бу йўлда Сиздай фидойи ва заҳматкаш адибимизга узоқ умр, бакувват

соғлик ҳамқадам ва ҳамиша ёр бўлсин! Қалб жавоҳирингиздан калам-ла тўкилган сўз гавҳарингизни теришга ҳамиша муштоқ мухлисларингиз:

*Малика МИРЗАЕВА,  
Омонжон ҲОШИМОВ.*

### **«БЕК БОЛАНГМИЗ, БЕШБОЛА!»**

Бешболанинг Беклар маҳалласида истиқомат қилган Курбонбек ота беш фарзандни: Исмоилжон, Энахон, Тўланбой, Ачакон ва Муҳаммаджонларни тарбиялаб вояга етказди. 1922 йилда туғилган тўнғич ўғли Исмоилжон Курбонов билимга чанқоқ, чайир ва чаққон бўлганлиги учун отаси алоҳида меҳр билан суяр эди. У отага, оилага ёрдам бериш мақсадида Фарғона тўқимачилик комбинатида ишга киради. Ундаги меҳнатга муносабатни кўрган устозлари уста ёрдамчиси ва тез кунда тўқувчилик устаси вазифасига тайин қилишади. 1942 йилнинг август ойидан Бешбола қишлоқ кенгаши котиби вазифасида, 1943 йилдан Фарғона ҳарбий комиссариатида ишлади. 1949 йилда Кенгаш ишига қайтарилиб, 1950 йилнинг январидан Фарғона райижроқўмида сектор мудирини, уч ойдан сўнг райижроқўм котиби бўлиб ишлади. 1951 йилнинг 5 июнидан вилоят ижроқўми раиси ёрдамчиси, 1955 йилдан Ёзёвон райижроқўми раиси вазифаларида ишлаб, 1961 йилда вилоят ижтимоий таъминот бўлими мудирини, кейинчалик туман ижтимоий таъминот бўлими мудирини бўлиб ишлади. 1968 йилдан Республика ижтимоий таъминот вазирлигининг кадрлар бўлими бошлиғи, ўқув муассасалари раҳбари бўлиб фаолият кўрсатди. 1981-1986 йиллар орасида вазирлик қошидаги ижтимоий таъминот соҳасига кадрлар тайёрлаш билимгоҳининг директори вазифаларида ишлади.

Исмоилжон ҳақида унинг шогирди, бутун умр шу соҳада

хизмат қилган Абдуқаҳҳор Йўлдошев шундай хотирлайди: «Исмоилжон ака инсон сифатида, одамийлик хислатлари билан ходимларига қўлидан келганча ҳам услубий, ҳам амалий ёрдам берган. Қўллаб-қувватлаган. Айниқса, ёш кадрларни тарбиялашда уларга оталаларча меҳр билан тўғри йўл кўрсатган. Вазирлик тасарруфидаги Фарғона ва Тошкент шаҳарларидаги махсус ҳунар-техника билим юртларида (ҳозирги пайтда имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежи) ногиронларни касб-ҳунарга ўқитиш ишларини ҳар томонлама талаб даражасида олиб борилиши учун барча имкониятларни ишга солган. Амалий ёрдам кўрсатган».

Ўз даврида Ижтимоий таъминот вазирлиги билан ҳамкорликда Олтиариқда Республика Фахрийлар санаторияси курилиши ва ишга туширилишида ҳам Исмоилжон аканинг алоҳида хизматлари бор.

Исмоилжон ака қаерда, қандай вазифаларда ишламасин, барча топшириқларнинг юксак даражада бажарилиши учун бутун билими, куч-ғайратини аямаган. Шунинг учун ҳам у вазирлик раҳбарияти ишончини қозонган ва ходимлар ўртасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Исмоилжон ака кексалик таътилига чиққач, ўзи яшаб турган маҳалла оқсоқоли вазифасида ҳам самарали меҳнат қилди. Маҳалла ахлининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган элпарвар, фидойи инсон эди у. Бир марта берилган умрда инсонларга керак ва тиргак бўлиб яшаб, ўзидан яхши одам эди, деган эзгу ном қолдириш – улуғ бахт. Исмоилжон ота ана шу бахтга сазовор бўлган Бешболамизнинг фахри эди.

*Камолжон САРИМСОҚОВ*

Саримсоқбек отанинг катта ўғли Камолжон Саримсоқов – Беклар маҳалласи зиёлиларининг пешвоси. У Фарғона педагогика олийгоҳини тугатиб, Қува, Ёрмозор, Бешбола

ўрта мактабларида директор, Фарғона туман халқ таълими бўлими мудири, туман газетаси муҳаррири, «Ўқитувчилар» газетасининг водий бўйича мухбири вазифаларида самарали меҳнат қилди.

Камолжон Саримсоқов ўзи туғилиб ўсган Бешболани «ўрта мактабли қилган». 1958 йилгача Бешбола болалари собиқ чўчқахонада – Саидахмад мингбошининг уйида, қишлоқ кенгаши, боғча бинолари, жамоа хўжалиги идораси биноларида ўқишар эди. Собиқ «Маорифчи» жамоа хўжалиги раиси Исо ота Исмоилов кўмагида ўрта мактаб биноти қурилишига эришди. 1958-1959 ўқув йилида янги мактаб иш бошлади. Бу бунёдкор раҳбарни туман газетасига муҳаррир қилиб олиб кетдилар. 1988 йили яна Бешболадаги мактабга қайтиб, ҳозирги 33-умумтаълим мактаби бош биноти, спорт залини қуриб битказди.

Бешболаликлар маориф иши фидойиси, II Жаҳон уруши қатнашчиси бўлган бу фарзандини доимо яхши ном билан эслайдилар.

#### *Ғанижон МУРОДОВ*

1940 йиллари Бешбола қишлоқ кенгаши котиби бўлиб ишлаб юриб, 1941 йилда урушга жўнаб кетди ва у ердан ногирон бўлиб қайтди. Яна Кенгашлар ишида меҳнат қила бошлади. Сиртдан олий маълумотга эга бўлгач, вилоят ижроқўмида бўлим мудири вазифаларида қарийб қирқ беш йил хизмат қилди.

Шу йиллар ичида мурожаат қилган кишиларга қўлидан келганича ёрдам қилди ва мададкор бўлди. Халқ хўжалиги ривожига муносиб ҳисса қўшди. У билан мулоқотда бўлган одамлар доимо ҳавас билан эслайдилар. Кексалик таътилига чиққач, қачон зиёратларига борсам, китоб ўқиб ўтирган бўларди. Фарзандларига ҳам «китоб олиб келинглар», дер эканлар. Қачон бирор янги қизиқарли китоб топсам, ана шу устозга илинардим.

Донишлар демишким: «Биз яшаб турган оламдан-да гўзалроқ, покрок яна бир олам бор. Бу – адабиёт олами. Адаб олами. Шу дунёга келиб, у дунёга бўйламай кетиш – яшагани келиб, яшамай кетиш»дир. Ғанижон отанинг суҳбатижонлиги, катта-ю кичикка ҳалим муносабати ана шу иккинчи оламга ошнолигидан. Шунинг учун ҳам ҳеч ёлғиз қолмас, китоблар унинг ҳамроҳи эди. Доимо атрофида маҳалладошлари, йўқлаб келган шогирдлари ва ёшларни учратардим. Ҳа, «йўқлагувчинг бўлсин», деган сўз нақадар ҳақ.

### *Турдали УБАЙДУЛЛАЕВ*

1929 йилда Убайдулло кори дада ва Тожинисо отин хонадонидан таваллуд топган. Ўрта маълумот олгач, ички ишлар хизматига кирди ва сиртдан олий ҳуқуқшунослик олийгоҳида таҳсил олди. 1947 йил 5 августдан 1984 йил 25 майгача – 36 йилу 8 ой ички ишлар соҳасида хизмат қилди. Нафақага чиққач, 1986 йилдан 2001 йилгача вилоят овчилар жамиятида раис лавозимида ишлади.

Олий ҳуқуқшунос маълумотига эга бўлган бу инсон халққа сидкидилдан ҳалол хизмат қилиб, ўзидан яхши ном қолдирди. Фарзандларни тарбиялаб элга қўшди. Вилоят ижроқўмида ишлаб юрган кезларим меҳнат таътилига чиқиб, Водилдаги сихатгоҳда дам олиб даволанаётганимда ҳамхонам – риштонлик Ўринбой ота Собиров одамийлик ҳақида сўз юритаётиб, беихтиёр Турдали Убайдуллаевнинг фазилатларини санаб кетди. Сўнг: «Турдали Фарғонанинг суянган тоғи эди», деб суҳбатга яқун ясади.

Кўпни кўрган, «Риштоннинг виждони» деб ном олган бу инсоннинг маҳалладошимизга, кадрдон акамга берган баҳосидан кўнглим тоғ каби юксалди. Мен ана шундай инсон бўлишга бир умр интилиб яшайман. Менгина эмас, бутун фарғоналиклар, шогирду дўстлари доимо Турдали акамиз номини эъзозда тутиб келадилар. Акамиз бугун жисман

орамизда йўқ, лекин у кишининг номлари ҳамиша яхшилик билан ёдланади. Издихомларда эсланиб, ҳақиқага хайрли дуолар қилинади.

### *Мақсуджон АБДУРАҲМОНОВ*

Бутун Бешболанинг оқсоқоли, Уста Абдурахмон билан Шамсибонунинг тўнғич ўғли, кишлок оқсоқоли, уста-сартарош ва «халтасиз табиб» (дори-дармон ўрнига фақат парҳез билан даволаган) Мақсуджон Абдурахмонов ҳарбийлар шажарасига асос солган. Бешболада ўрта маълумот олгач, Тошкентдаги Умумқўшин кўмондонлари тайёрлаш билимгоҳини тамомлаб, Туркменистоннинг Мари, Байрамали, сўнг Наманган шаҳридаги ҳарбий қисмларда хизмат қилди. Кейинчалик Риштон, Олтиариқ туманлари ва Қўкон шаҳар ҳарбий комиссариатларида 2-қисм бошлиғи бўлиб ишлади. Қувасой шаҳри ташкил қилиниши муносабати билан шаҳарнинг биринчи комиссари бўлди. Кейинроқ Наманган вилояти Поп тумани ҳарбий комиссари, Тошкент вилоятининг Тўйтепа тумани ҳарбий комиссари вазифаларида ишлаб истеъфога чиқди.

Етти фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Тўнғич ўғли Муроджон Абдурахмонов Фарғона педагогика институтининг ҳарбий кафедрасини тугаллаб, божхона хизматида фаолият олиб борапти. Муҳаммаджон Абдурахмонов ҳарбий мактабни яқунлаб, Тошкент Умумқўшин кўмондонлари тайёрлаш олийгоҳини битирган.

Ҳамиджон Абдурахмоновнинг ўғли Алёрбек подполковник, чегара қўшинларида хизмат қиляпти.

Эгамберди Абдурахмоновнинг ўғли Абдуқаҳҳор ўрта мактабни олтин медаль билан битирди, Тошкент Умумқўшин кўмондонлари тайёрлаш олийгоҳини олий диплом билан тамомлади. Фарғона водийсидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган аскарларнинг жисмоний тайёргарликлари бўйича



бошлик, кейинчалик Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи, ҳарбий академияда фаолиятини давом эттирди.

Яна бир ўғли Абдусаттор ички ишларда хизмат қилиб, «Жасорат» медали соҳиби бўлди. Кенжаси Абдуғаффор ички ишлар соҳасида хизматни давом эттираяпти.

Синглиси Максудахон Абдурахмонованинг ўғли Шавкатжон Орипов ҳам Тошкент Умумқўшин кўмондонлари тайёрлаш олийгоҳини тамомлаб, ҳарбий қисмларда, сўнг ҳарбий штабда хизмат қилди.

Хуллас, Максуджон Абдурахмонов бир умр ҳарбий қасамёдига содиқ қолди ва бешболалик ҳарбийлар сулоласига асос солди.

### *Содиқжон АБДУЛЛАЕВ*

Асли тошкентлик бўлган Абдуллажон Шоматов турмуш йўлдоши Турдинисо билан уч ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Содиқжон, Мирзажон, Қодиржон ва Шарофатхонларнинг барчаси олий маълумот олиб, жамиятда ўз ўринларини топдилар. Самимий, тўғрисиўз ва меҳнатга муносабатлари билан элда обрў-эътиборга сазовор бўлдилар. Содиқжон, Қодиржон, Шарофатхонлар ўқитувчи, Мирзажон саноатчи бўлди.

Мирзажон Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи бош технологи, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи директори вазифаларида меҳнат қилиб, саноатчилар ҳурматиغا сазовор бўлди. Қодиржон қирк йилдан ортиқ Фарғона мусиқа ва санъат коллежида жисмоний маданият ва спорт ўқитувчиси сифатида ишлаб келмоқда. Шарофатхон – тиллар бўйича ўқитувчи.

Укаларнинг барчаси акага эргашиб кам бўлмадилар. Содиқжон ака Абдуллаев олийгоҳни тамомлаб, вилоят Ёшлар ташкилоти етакчиси, вилоят бош идорасида тарғибот-ташвиқот гуруҳи раҳбари, 1963 йилнинг февралидан то 1994

йилнинг мартабига 31 йилу бир ой битта вазифада фаолият кўрсатди. Вилоят касаба уюшмалари, маориф, олий таълим ва илмий муассасалари касаба уюшмаси раиси вазифасига ўн беш марта қайта сайланган. Изланиб ишлаганлиги боис, касаба уюшмалари марказий кенгаши аъзолигига сайланган.

У бутун куч-ғайратини маорифчилар шароитини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида маорифчилар сихатгоҳи, ўқитувчилар болаларининг ёзги дам олиш масканларини ташкиллаш ишига бахшида қилди. Айниқса, вилоят ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти қошида собиқ иттифоқда биринчи бўлиб санаторий-профилакторий ташкил қилганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Малака оширишга келган ўқитувчилар ўқиш билан бирга саломатликларини мустаҳкамлаб, дам олиб кетишлари учун тиббий жиҳоз ва ускуналар келтирилди. Ўқитувчиларнинг мутахассис шифокорлар назоратида бўлишлари, тиббий муолажалар олиш имконияти, тўрт маҳал бепул овқатланишлари учун шароитлар яратиб олганлиги касаба уюшмалари кенгаши томонидан муносиб тақдирланган. Нафақага чиққач, бир муддат «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси сифатида ҳам кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб олган Содикжон ака бир умр устозлар дуосини олди. Ўзи ҳам дуоғўй устоз мақомига эришди.

## БЕШБОЛАЛИК БАҲОДИР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги томонидан «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашига юборилган хатида Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчихонасидан олинган хабар келтирилган эди. Унда айтилишича, Иккинчи жаҳон уруши даврида Украина ҳудудида ҳалок бўлган шахсларни аниқлаш иши билан шуғулланувчи «Поиск» гуруҳи томонидан Фарғона шаҳри Бешбола фуқаролар йиғини ҳудудида туғилган Ҳатамов Бозор ҳақида Никополь шахрининг «Электрометаллург» газетасида мақола чоп этилган.

Мақолада ёзилишича, эскадрон командири, 127-кавалерия полкининг 30-дивизиясида хизмат қилган капитан Ҳатамов Бозор Никополь районининг Довгалевка қишлоғини (ҳозирги Днепропетровск области, Никополь шаҳри) озод қилишда қаҳрамонлик кўрсатган. Эскадрон аскарлари 1941 йилнинг 5 сентябрига ўтар кечаси душман бўлинмасига ҳужум қилиб, кўл жангида фашистларнинг юздан ортиқ аскар ва зобитларини кириб ташлайдилар. Ана шу жангда командир Бозор Ҳатамов қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Аскарлар ўзларининг сеvimли командирларини душман ўқлари ёмғири остида Днепр дарёсидан олиб ўтиб, ҳозирги Каменка Калининка – Днепропетровск шаҳри марказида дафн этадилар.

Заводнинг «Поиск» гуруҳи томонидан топилган ҳалок бўлган жангчиларнинг хотира ёдгорлиги лавҳаси рўйхатида эскадрон командири Бозор Ҳатамов биринчи қаторда туради. Ёдгорлик тошсаҳифасида: «Бизнинг шаҳримиз учун бўлган жангда мислсиз жасорат ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган биринчи армия офицери, капитан Бозор Ҳатамов, миллати

ўзбек» деган лавҳа битилган. Гуруҳ мутасаддилари ана шу қахрамонимизнинг фарзандлари ва қариндош-уруғларини Украинанинг немис-фашист босқинчиларидан озод этилган куни муносабати билан мангу олов ёнидаги «Хотира» ёдгорлигининг тантанали очилиш маросимига таклиф қилмоқчи эканликлари ҳақида маълум қилганлар. «Булар бизнинг биринчи халоскорларимиз. 1941 йилдаёқ шаҳримиз аҳолисида ғалабага ишонч уйғотган. Уларга абадий шон-шарафлар бўлсин», деб ёзади «Электрометаллург» газетаси муҳбири, «Поиск» гуруҳи раҳбари Л.Игнатъенко.

Ана шу маълумот юзасидан «Фарғона ҳақиқати» газетасининг 2008 йил 20 сентябрь сонидан эълон қилинган «Бешболалик Ҳатамовни билганлар борми?» мақоласидан сўнг Бешбола қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддиларидан «бизда маълумот йўқ», деган жавоб олинди.

Шундан сўнг вилоят архивининг Марғилон шаҳар бўлинмасидан ҳам «Ҳатамовлар оиласи вакили бор, лекин Бозор Ҳатамов рўйхатда йўқ», деган жавоб олинди. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Усмонали Бегматов хузурига кирганимда: «Украина изтопарлари шундай деб ёзибдими, демак бор! Сиз Бешболани яхши биласиз. Яна бир излаб кўрсангиз», – деганларидаёқ менга жуда яхши таниш бўлган, ҳозирда марҳум Нишон ота ёдимга келди. Унинг фамилияси Ҳатамов эди!

Ана шу хаёл билан тўғри ҳозирги Ғайрат маҳалласи, Кува кўчаси (собик Беклар кўчаси) 235-хонадонда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Жўра Эргашев хонадонига бордим. Сухбат якунида у: «Ҳа, Бозорбой – амаким, дадам Ҳатамов Эргашнинг укаси. Улар уч ўғил, икки қиз бўлишган: Ҳатамова Тиллохон, Ҳатамов Эргаш, Ҳатамов Нишон, Ҳатамов Бозор, Ҳатамова Ҳамролар...» – дея аниқлик киритди.

«Катта бувим, отамнинг онаси Мастон энам билан поездда Самарқандга бориб, Бозорбой амакимни отлик аскар командири кийимида кўриб келганимизни эслайман», – деб хикоя қилади 1935 йилда туғилган Эргашев Жўра.

Суриштирувлар натижасида Ҳатамов Бозорнинг рафиқаси Ҳатамова Гулчеҳра ҳам ҳарбий бўлганлиги, уларнинг Забаржад исмли асранди қизи бўлганлиги, ота фронтга кетгач, оила Марғилонда истиқомат қилганликлари, кейин она-бола Тошкентга кўчиб кетганликлари, дастлаб Чилонзор, кейинроқ Юнусобод мавзесида яшаганликлари, онаси қизини турмушга узатиб, набира кўргани аён бўлди. Гулчеҳра опа вафотидан кейин борди-келди узилиб, ҳатто қизининг қай манзилда эканлигини билмасликлари маълум бўлди. Шу оилага доир фотосуратлар қариндошлардан олиниб, хотиралар қайта тикланди.

Фотосуратлар ичида 1932 йил май ойида тушилган фотосуратнинг орқа томонидаги ёзуви ва «эсдалиқ учун» деб қўйилган имзолардан маълум бўлишича, Ҳатамов Бозор отлик аскарлар полкида эскадрон командири бўлган. Демак, Бешболадан 30-йилларда ўқишга кетгани, архив ҳужжатлари эса 1949 йилдан сақланганлиги учун «бундай шахс бўлмаган» деган маълумотномалар берилганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, «Жаҳон» ахборот агентлигининг «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашига юборган сўров мактубига жавобан жамғарма вилоят бўлими томонидан жўнатилган хатга Бозор Ҳатамовнинг асл ва тикланган фотосурати, рафиқаси Ҳатамова Гулчеҳра ва қизи Забаржаднинг фотосурати, қариндош-уруғларининг хотира хатлари илова қилинди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг изланишлари натижасида ойдинлашган ушбу тарихий ҳақиқат асосида

бешболаликлар ўзларининг яна бир баҳодир ўғлони билан ҳақли равишда фахрлана бошладилар ва тарихий ҳақиқатни оидинлаштирган украиналик биродарларга ўз миннатдорчиликларини изҳор қиладилар.

## **ОМАДЛИ ЙИГИТ** («Замонамиз қаҳрамонлари» туркумидан)

Бешболада Иккинчи жаҳон уруши ногирони Саидали Мўйдин ота билан Ашурбу аяни ҳамма биледи. Бу сербола ва серфайз хонадон фарзандларининг барчаси тиришқоқ, меҳнатсевар бўлганликларидан бўлса керак, бугун ҳаётда ўз ўрнини топган, ували-жували.

Шу оиланинг кенжасидан каттаси – Расулжон ота-онасининг дастёри, жонларининг меҳрибон малҳами бўлди. Ўрта мактабда таҳсил олиш жараёнида тил ва адабиётга меҳр кўйди. Мактабни яхши баҳолар билан тамомлади. Бунда устозлари, шу оиланинг яқини, мумтоз адабиётимиз шайдоси Тилаволди Қодиров, ўзбек, озар, гуржи тили ва адабиётини яхши билган Раҳимжон Азизовлар сабабчи бўлган бўлсалар, ажаб эмас. Орзу уни Фарғона давлат институтига етаклади. Олийгоҳни имтиёзли тугаллаб, Қуванинг Мингчиноридаги касб-ҳунар коллежида бир неча йил ўқитувчи ва раҳбарлик лавозимида ишлади.

Кенжаси Шавкатжон оғир-босиқ, ўйчан йигит бўлиб ўсди. Ашурбу ая тили ҳам, қўли ҳам ширин бўлганлиги учун хўжаликнинг далачилиқ бригадасида ошпаз эди. Ишчилар қаерга кўчса, ошхона ҳам ўша ерда бўлар, идиш-товоқ, бакларни ташишда кенжа Шавкатжон доимо ёнида эди. Тушликни тарқатиб бўлгач, уйга чорва учун ўт-хашак олиб қайтишарди.

Ўзбеклар соғин сигирни «оиланинг қассоби» дейдилар. Бу

гап бежиз эмас. Қаймоғи ёғ, сут-қатиғи – нон пули. Хуллас, оила оч қолмайди. Шу боис, Мўйдин ота доимо оилада икки-уч соғин сигир, беш-олтита қўйни узмас, буларни боқиш, парваришлаш болалар зиммасида эди. Шавкатжон Сайдалиевнинг асосий машғулоти хонадон чорвасини боқиш, ўт-хашак жамғариш билан банд эди. Мўйдин ота кенжасини алоҳида суяр, эркаликларини ҳам кўтарар, энг муҳими, бошлаган ишини охирига етказишидан қувонарди. «Бутун болам, ота ўғли», дея алқаб-алқаб кўярди. Онаси ҳам нима яхши нарса топса, шу эркатойига илинар, уни бироз дағал, лекин мулойим ва миннатдор боқувчи кўзларига термулиб меҳри товланар, илоҳим, кўз тегмасин, деб суяр, бошини силарди.

Шавкатжон болалик ўртоғи Фарҳоджон билан ҳар икки хонадоннинг ёрдамчи хўжалигини тахт тиндирар, таътил даврида окшом ой чикқунча далада чорвасини боқишар, бўш вақт топилди дегунча озуқа жамғариш билан банд эдилар. Бир сўз билан айтганда, меҳнатда тобландилар. Шавкатжон ўрта мактабни тугаллаб, она касби – ошпазлик қилди.

1991-1996 йиллар мухтарам Юртбошимизнинг «Дехқон-фермер хўжаликлари ташкил қилиш тўғрисида»ги фармониغا асосан, оилада ўзаро кенгашиб, давлат хўжалиги иссиқхонаси ва чорва фермасини олиб, дехқон-фермер хўжалиги ташкил қилдилар. 1997 йилдан Шавкатжон иш бошқарувчи вазифасига ўтди. Шу давргача иссиқхонада ҳосилдорлик ночор аҳволда эди. Бир гектардан атиги йигирма тонна сабзавот олинар, меҳнатга муносабат ҳам ўз холича. Майда ташмачилик, ўғрилик авжида бўлган. Чорва ҳам ночор аҳволда. Ҳар бош соғин сигирдан уч-уч ярим литр сут соғиб олинар, шароит ҳам коникарсиз аҳволда эди.

Мулк эгасини топгач, аҳвол тубдан ўзгарди. Бир йил

мобайнида ишни тўғри ташкил қилиш эвазига бир гектардан 20 тонна ўрнига 80 тоннадан, 2000-2002 йиллари гектаридан 100 тоннадан, 2004-2005 йиллари ҳар гектаридан 140 тоннадан сабзавот олишга эришилди. Иссиқхонада умумий ҳосилдорлик етти баробар ўсди. Ҳар бир терим якунида ишчи-хизматчиларга кўшимча бир ойликдан мукофот пуллари тарқатилди. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб, турмуш шароитлари яхшиланиб бораётганлиги уларда меҳнатга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгараётганлиги натижаси эди.

Чорва ҳам ўнгланди. Қорамол сони икки юз бошдан уч юз бошга ортиши билан маҳсулдорлик ҳам кўтарилиб, муттасил зарарда турган ферма даромадга кирди. Даромаддан янги, замонавий чорва бинолари қурилди. Техникалар янгиланди. Оқибатда чорва озукаси етиштириш салмоғи ҳам ортди. Иссиқхона ва ферма даромадлари ҳисобидан Бешбола маҳалласи марказида гузар қуриб битказилиб, ишга туширилди. Буларнинг барчаси ишбошининг саъй-ҳаракатлари, энг муҳими, ишчи-хизматчилар кўнглига йўл топа билгани бўлди. Ишчиларнинг иссиқ-совук маросимларида ёнида бўлиш, зарур ҳолларда моддий мадад бериб руҳиятини кўтариш, уй-жой шароитларини яхшилаш, имкон туғилса янгитдан иморат тиклаб бериш кабилар Шавкатжонни одамлар меҳрига сазовор қилди. Ишбошига нисбатан янада ишонч уйғонди. Барча унга омад тилади. Уни омад етаклади.

2005 йилда гузарни ишга тушириб, кейинги йили давлат хўжалигидан етмиш гектар ер олиб, мустақил фермер сифатида иш бошлади. Ўрнига акаси Расулжон Сайдалиев ишбоши бўлиб қолди. Ер майдони сувнинг охири, тош-шағалли, 18-20 центнердан дон олинадиган ерлар эди.



Фермер кўлига ўтгач, қиска муддат ичида ғалла ҳосилдорлиги тўрт баробарга ортди. Сабзаёт маҳсулотлари ҳам кўпайди. Йигирма гектар гилос боғи барпо этди. Ана шу боғ ҳозирда айна даромад палласида. Юз бош чорвага мослашган ферма, йигирма қути ипак қурти боқиш учун бино, техникалар учун махсус жойлар, дон ва минерал ўғитлар омбори, ишчи-хизматчилар учун ҳамма қулайликларга эга бўлган маданий-маиший бинолар қурилди.

Ҳозир етмиш бош йирик шохли қорамоли бўлиб, ҳар бир бошдан ўртача 9-10 литрдан сут соғиб олинмоқда. Бу муваффақиятларнинг гарови, аввало, деҳқон қаноти бўлган ҳамма турдаги техникани жамлай олгани, йиллик даромадига биринчи навбатда зарур техникаларни сотиб олгани ва минерал ўғитлар таъминотини йўлга қўйганидир. Хайдов, кузги дон сепиш ва ёзги ҳосил йиғишда кечаси-ю кундузи ишчи-механизаторлар билан бирга бўлгани, улар учун энг маъқул шароитлар яратиб бергани ана шу даражага кўтарган бўлса, ажаб эмас.

Шу ўринда бир воқеа ёдимга келади: 1984-1985 йиллар. Вилоят ижрокўмида ишлаб юрган кезларим пойтахтдаги олий сиёсий мактабга ўқишга бордим. Ўша даврда қишлоқ хўжалик министри бўлиб ишлаб турган Уркинбаев мени чақириб суҳбатлашди. Суҳбатда машҳур «Политотдел» колхози раиси Ким Пен Хва ҳам бор эди. Суҳбат асносида менинг шу колхоз ишларини кўришим, тажрибаларни ўрганишимни, келажакда уларнинг тажрибаси қўл келиб қолишини айтди.

Айтилган колхозга жўнаб кетдик. Барча соҳа – пахта, чорва, дон, каноп, иссиқхона, боғлар, лимонарийлар фаолияти билан танишдим. Бу ердаги маданий-маиший бинолар, турар-жойлар, озодалик ва орасталик, дала шийпонлари худди ясатилган шаҳар меҳмонхонасига ўхшайди. Пахта

пайкаллари тароклангандай. Бир дона бегона ўтнинг ўзи йўқ. Лимонарийга кирганимда раис «сананг», деди. Бир туп лимон бутасида 485 та етилган лимон санадим! Ва, ниҳоят, кеч оқшом колхоз маданият уйига етиб бордик. Фидойи меҳнатлари учун орден, медаллар билан тақдирланган фахрийлар маданият уйи бошқарувчилари экан. Ҳайратим ошди. Раисга қараб: «Бу муваффақиятларнинг калити нимада?» – деб сўрадим. У кулиб шундай деди: «Омонжон, бу жуда оддий. Мен фақат кадрларнинг оилавий таъминоти билан шуғулланаман. Ишни кадрлар қилади. Мен, ахир, ҳамма соҳани мутахассислар даражасида билмайман-ку! Уларнинг оилалари бирор нарсага зорикмайдилар. Шунинг учун фақат ишни биладилар. Ёзда тушлиқда яхши овқатланиб, икки соат дам олмаган ишчини ҳам ишлатмайман. Чунки менга биринчи навбатда уларнинг соғлиги керак».

«Э-э, яшанг! Уй қуриш, тўй қилиш масалалари қандай?» деган саволимга, у: «Бизда қурувчилар бригадаси бор. Қурилиш ашёлари етарли. Қўлларида турар-жойларнинг ҳар хил лойиҳалари бор. Иморат қурмоқчи бўлганлар ана шу лойиҳалардан оила сонига қараб ўзларига мосини танлайдилар. Қурувчилар битказиб, уй эгаларига калитини топширади. Жами харажатлар суммасига имзо чекади ва йиллик даромадидан тўлаб борадилар. Тўйлар ҳам шу маданият саройимизда ўтказилади. Ҳамма харажатлар, озиқ-овқат хўжалик ҳисобидан. Тўй тугагач, ана шу харажатлар ҳисобига имзо қўяди. Бу жуда қулай. Сарф ҳам меъёрида. Ким ўзарчилик, исрофгарчиликлар ҳам йўқ, бошқа ташвишлар ҳам. Маданият уйимиз ҳаваскорлари хизмат қилади».

«Кадрларингиз...» – деган саволимга у яна: «Бир бригадирим ўрнига бешта захирам бор. Қишлоқ хўжалиги академиясини тугатган бўлса ҳам, ўз «академиям»га оддий

ишчи қилиб оламан. Фаолияти давомида ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилияти бўлсагина, вазифага тайинлашни ўйлаб кўраман. Чунки унинг маданий, маънавий, ахлоқий фазилатларини ҳам билишим керак», – деганди. «Сизнинг хўжалигингиз мукамал тарбия мактаби экан», дедим. Раиснинг икки қарра Меҳнат қаҳрамони бўлганлиги бежиз эмаслигига иқроқ бўлгандим ўшанда...

Шавкатжон ҳам янги иш бошлаганда жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. Ҳатто ишонган, энг яқиним деб билганлари ҳам зарур пайтда ёрдам қўлларини чўзмадилар. Турли баҳоналар билан ўзларини олиб қочдилар. Лекин у чекинмади. Атрофини қуршаганларнинг айримлари бу қийинчиликка чидолмай ташлаб кетдилар. Бир неча асл йигитлари, ҳатто ойлаб маошини беролмаганида ҳам ёнидан кетмадилар. Умид билан бир бурда нонини баҳам кўриб, қийинчиликларни биргаликда енгиб чиқдилар. Фермернинг нияти холис, мақсади улуғ бўлганлиги боис шу йиллар ичида элда эътибор топди. Кўзлаган мақсадига эришди.

Унинг ҳиммат камари белида маҳкам. У қаерда бўлмасин, жамоаси аъзоларининг қийин кунларида қанот, суянч, дўсту ҳамкорларининг бугунги ва эртанги тақдири, маҳалласи келажагини ўйлаб ҳиммат билан иш юритади. Ўзи ўқиган 33-умумтаълим мактабининг эски биносини бузиб ташлаб, иш майдони тайёрлади. Минг метрдан зиёд қисмини кўрғон бетон девор билан ўраб битирди. Маҳалласидаги «Ғайрат» кабристонининг деворини тиклаб, ободончилик ишларини амалга оширди. Ҳаёт синовларида ҳамқadam бўлган биродарларининг иморатларини тиклаб, тўйларини ўтказиб беради.

Ташаббускор фермер сабзавот ва дон етиштириш билан чекланиб қолмай, йилдан-йилга тармоқни кенгайтириб

бормоқда. Келгусида паррандахона қуриш, тендерда ютиб олган икки гектар ерига иссиқхона қуриб, ёшларни иш билан таъминлашни мақсад қилиб қўйган. Ўтган йили муқобиллаштириш асосида ўз ер майдонидан ажратиб, ўғли Музаффаржонни мустақил фермер хўжалиги бошчиси этиб етиштирди. Бу ҳам янги иш ўринлари демакдир.

Изланувчан фермер яна бир қутлуғ ва хайрли ишни амалга оширмоқда. Худуддан ўтувчи «Фарғона – Андижон» йўлининг шаҳримиздан чиқаверишида Бешболанинг беш бек фарзанди тимсолига беш кийик, улар пойига тинчлик элчилари – лайлақларни ўрнаттирди. Андижон, Кува орқали Фарғонанинг Бешболаси остонасига кириб келаётган биродарларимизнинг муродлари ҳосил бўлсин, деган эзгу ўй билан тулпорлар сиймосини ўрнатиб, ўрта майдонга зийнат буталари эктириб парваришламоқда. Ҳа, у ернинг юзини очди – ер унинг юзини. Бугун вилоятимиз ва қўшни Андижонда уни танимайдиган ҳамкасблари йўқ. У доимо вилоят фермерлар уюшмаси мутахассислари билан маслаҳатлашиб, иш кўришга одатланган. Тажрибали фермерлар билан доимо алоқада. Бири бирининг ютуғидан қувонади, тажриба алмашади. «Кенгашли тўй тарқамас» деган халқ мақолига амал қилади. Янгиликларни ўрганади. Муттасил изланиб ишлаши натижасида ер майдонлари банитети кўтарилиб, ҳосилдорлик ҳам ортиб бормоқда. Мавлоно Румий ҳазратлари айтганларидек:

*Ер ҳалолдир, беҳиёнат ҳар маҳал,  
Экканингни қайтариб бергай тугал.*

Фарғонадан чиқиб, Андижон томонларга йўл олган юртдошларимизни Бешболанинг беш беозор охуси таъзим ила кузатиб, оқ йўл тилаб қолаётгандай. Бу – Шавкатжон ижоди.

Бешболамда тонг отаётир. Ким ишга, ким ўқишга, ким сафарга отланаётир. Фермер энг янги русумдаги автомобилда, ўғли – янги фермер ҳам янги машинада, кенжаси кичик тракторда. Бир вақтлар пиёда, велосипедда тўрт-беш чақирим йўл босиб ишга қатнаган, кун бўйи курук нону, қанд-чойга қаноат қилиб ишлаган сабрли аъзолар бугун маҳалласининг пиру бадавлат оила соҳиблари. Улар ҳам шинам хонадонларидан худди меҳмонга кетаётгандек ораста кийиниб, икки нафари «Нексия»да, яна икки нафари «Кобалт»да кетмоқда, Фарҳоджон «Дамас»ида, яна икки нафари янги велосипедда.

Бир учрашганимизда: «Кенжатоингизга бирорта кичикрок бўлсаям енгил машина олиб берарсиз», деган саволимга, у бироз ўй суриб: «Ака, олиб бераману кадрига етмайдида! Чунки пешона териси қўшилмаган. Ҳозир етмиш бош чорвани эплаб, тракторчасини миниб юрибди. Даромадидан яна ўттиз бош кўшиб, юз бошга етказсин. Ўзингиз биласиз, бу анча меҳнат талаб қилади. Тиришса даромади ортади. Устама даромадидан айтганингизни қилиб, машина олиб берсам, ана унда кадрига етади», деб жавоб берди. Ҳа, у ҳақ. Пешона тери... Қадр... Шунда бир воқеа ёдимга келди: кичик технология олиб келиш мақсадида хорижга борган тадбиркор меҳмонхонага жойлашиб тановул қилгач, кеч окшом шаҳарнинг дикқатга сазовор жойларини кўриш ва шу баҳонада эрталаб борадиган манзилени ҳам кўриб олмоқчи бўлиб меҳмонхонадан чиқади. Таксилар тўхтаб турган жойга бориб ёши улуғроғига мақсадини айтади. Ҳайдовчи «марҳамат», деб меҳмонни ўтказгач, шаҳарни айланибдилар. Баланд бинолар, рекламалар, равон йўллар, чароғон кўчалар...

Ҳайдовчи оғзидан бол томиб шаҳрини таърифлаб бораркан, бир фабрика олдида тўхтаб, унинг ишлаб

чиқариши, ишчилар сони, ишчиларнинг ўртача даромади, йиллик соф даромад миқдорини сўзлай бошлабди. Меҳмон ажабланиб: «Фабрика ҳақида бу қадар батафсил маълумотни қаердан биласиз?» деса, йигит кулиб: «Шу фабрика меникида!» – дебди. «Шунча даромадингиз бор экан. Бу нима қилиб юрганингиз?» дебди меҳмон. «Хизмат машинам жойида. Ишдан сўнг ўз машинамда кира қилиб, маблағ тўплайман. Етарли бўлганда ҳаж зиёратига бормоқчиман. Пешона тери эвазига қилинган ҳаж худо хоҳласа ҳалол», дебди. Меҳмон ҳайратланиб: «Раҳмат. Бу сўзларингиз умрбод ёдимда бўлади. Фарзандларим, авлодларимгайм доимо таъкидлайман энди», деган экан «ҳайдовчи»...

Ҳалол ризқ, ҳалол амал... Шавкатжоннинг «пешона териси кўшилсин» деган сўzlари бебаҳо. Ўзбекнинг пешона тери ҳалол ризқ, холис амал, деган сўзларининг ўзи бир олам хикмат.

– Бугун ўғлим иккимизнинг йигирмадан ортиқ ишчимиз бор. Кўп тармоқли бўлиб боришимиз билан ишчилар сони яна ортади. Яна янги тармоқлар очиш режаларимиз бор. Сутни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолига келтириб сотиш, сабзавот ва меваларни сақлаш омбори қуриш ниятларимиз бор. Биз режалаштираётган улуғ ниятлар ҳам истиқлол имкониятларидан. Муҳтарам Юртбошимизнинг «Фермерлар – бизнинг таянчимиз. Элнинг ризқ-рўзини яратишдай бағоят улуғ ишларни ҳамиша қадрлайман», деган тилақларини маррани катта олишимизга даъватлари деб биламиз. Шундан доимо руҳимиз баланд, хирмонларимиз сарбаланд бўлиб бораверади. Эркин ва озод ватанда қилаётган меҳнатимиз шарафли, чунки бу ишларимиз ватанимизга, халқимизга, фарзандларимизга, оиламизга асқотаётганини кўриб кўксимиз тоғдай юксалади.

Азиз китобхон, Шавкатжоннинг ўрнида ишбоши бўлиб қолган Расулжон Сайдалиевнинг тақдири билан қизикқандирсиз, эҳтимол. Расулжон покизаликни яхши кўради. Бошқариб турган фермасини ҳам «ёғ тушса ялагудек» қилиб қўйди. Ҳар кунлик сотилган сутдан йиғилган маблағга чорва бош сонини кўпайтирди. Маҳсулдорлик ортди. Кейинчалик тадбиркорликни ният қилиб, кичик нон цехи курдирди. Маҳалласининг дуосини олди. Озиқ-овқат дўкони очиб, маҳалла марказини обод қилмоқда. Маҳалла аҳли халқпарвар ва жонқуяр Расулжонни фуқаролар йиғинига раис этиб танладилар.

## УСТОЗ НАВОЛАРИ

*Одамлар уруш оғриқларини тортиб, тўй-томошаларни интиқиб соғинган йиллар эди. Отам Ҳошимжон фронтдан қайтмади. Онам раҳматлик, болам ўксимасин, деб баҳоли қудрат суннат тўйимни ўтказдилар. Тўйга Мамадалихон ҳофиз келди. Ҳовлимиз катта-кичикка тўлиб кетди. Ҳофизнинг овози ўткир экан, қўшиқлари бутун маҳаллага таралиб турди. Онам у кишига тўн кийдириб, иккита чорсини бир-бирига улаб бойладилар. Салобат ҳам бор экан-да. Ўша манзара бир умр ёдимда сақланиб қолди...*

Юлдузхон Хўжаева деган аяни яхши биламан. У чинакам санъат юлдузи эди. Бу туғма иқтидорли актриса Фарғона мусикали драма театрининг гули эди. «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин», «Маликаи Турандот» каби спектаклларда бош ролларни Мамадалихон ака ва унинг рафиқаси – Юлдузхон аялар юксак маҳорат билан ижро этганликлари боис, театр шуҳрати баланд эди.

...Театрни пойтахтга гастролга таклиф этишади. Француз

фотосуратчиси Макс Пенсон сахна ортида гўдагини эмизаётган санъаткор онага кўзи тушади-ю, хайратда қолиб, дарҳол суратга олади ва бу сурат «Ўзбек Мадоннаси» номи билан рўзномаларда чоп этилади. 1937 йилда Парижда ўтказилган Бутунжаҳон фотоқўргазмасида эса шу сурат учун муаллиф «Гран-при» соврини – олтин медалга сазовор бўлади.

Ана шу фотосуратдаги она – Юлдузхон ая кўкрагидан ризкланаётган ширинтой бугун етмишинчи баҳорини нишонлаётган санъаткор Саидахмад ака эди.

С.Дадажонов 1957 йили Фарғона шаҳридаги 1-ўрта мактабни тугаллаб, мусиқа билим юртида, сўнг Тошкент давлат консерваториясида таҳсил олган. Кейин ўзи таҳсил олган билим юртида «хор дирижёр»лиги бўйича ўқитувчи, 1970 йилдан эса ҳозирги Фарғона давлат университетиде фаолият кўрсатиб келяпти. Бу ерда «Мусиқа ва ашула» кафедраси мудири, «Ўзбек маданияти ва санъати» факультети декани вазифаларида хизмат қилган. Бу орада Москва давлат педагогика институти аспирантурасини тугаллаб, «Мусиқа ўқитувчилари тайёрлашда олийгоҳ ва ўрта мактаблар ҳамкорлиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Унга «педагогика тарихи ва назарияси» мутахассислиги бўйича фан номзоди илмий даражаси берилди.

Хуллас, Саидахмад Дадажонов ижодий-меҳнат фаолиятини маданиятимиз, санъатимиз, қадриятларимиз ривож топишига, бу соҳанинг жонкуяр малакали кадрларини тарбиялаб етиштиришга бахшида қилиб келмоқда. Ўзбекистон халқ артистлари Абдуҳошим Исмоилов, Абдулхай Абдурашидов, Султонали Маннопов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Нуриддин Ҳайдаров, Убайдулло Алиевлар, устоз ва ҳофиз Имяминжон Қирғизов, Ҳафизахон Мирзаева, Замирахон Раҳматуллаева, Кимёхон ва Фотимахон Рўзибоевалар, Тоҳиржон Шокиров каби юзлаб шогирдлар номини тилга олишнинг ўзи кифоя.



Саидахмад ака Бешболанинг Мавлоно Чархий номи билан аталувчи кўчасида истиқомат қилади. Рафикаси Азизахон опа ҳам мусика муаллими. «Чинорнинг сояси аввало атрофига тушади» деганларидек, Саидахмад ака ўз қишлоғидан бир канча санъаткорлар етишиб чиқишига сабабчи бўлди. Ўз вақтида 33-мактабда у киши асос солган тўғарак дуторчи кизлари туман ва вилоят кўрик-танловлари ғолиби бўлиб, республика кўрик-танловида иштирок этди. Ҳайъат аъзоси бўлган бастакор Ғанижон Тошматов дуторчи кизларни консерваторияга юборишни илтимос қилди. Ансамбль таркибида Фаридахон Сайдалиева, Гулбахор Зухурова, Дилбархон Турсунова, Дилором Муҳаммедова, Махфират Худайберганова каби истеъдодлар бор эди. Дилором Муҳаммедова бугун республика дуторчи қизлар ансамблининг раҳбари. Ҳа, мактаб дуторчи кизлари чиқишларидан илҳомланиб, Ғанижон Тошматов ҳам Республика дуторчи кизлар ансамблини тузганлари маълум.

Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси, доцент Саидахмад Дадажонов қандай мартабаларга, эътиборга мушарраф бўлган бўлса – ҳаммасини қаттиқ изланишлардан, меҳнатдан топди. Шоир куйлагандай:

*«Ҳам гурурим, ҳам сурурим,*

*Ҳам ҳузурим меҳнатим»,*

дея меҳнатсеварликни, ижодкорликни кадрлаб келмоқда.



*Илк учрашув. 1964 йил.*



*Оила жам бўлганда... 1985 йил.*



*Полковник Мақсуджон  
Абдураҳмонов билан. 2000 йил.*



*Вилоят ҳокимлиги  
қабулхонасида. 2000 йил.*



*Эл жонкуярлари – Муҳаммад Умар ота (чапда) ва Муродбек  
Маҳмудов.*



*Халқ хизматига камарбасталар. Ўтирганлар (чапдан): Одилжон (шифокор), Камолхон Аҳмаджонов, Аъзамжон Маматов; Орқада: Омонжон Маматқулов.*



*Замонамиз қаҳрамони – фермер  
Шавкатжон Сайдалиев.*



*Полковник Турдали Убайдуллаев –  
Беиболининг фаҳри.*



*Камолжон Саримсоқов  
– маориф фидойиси,  
уруш қатнашчиси,  
«Уқитувчилар  
газетаси»нинг водий  
бўйича мухбири бўлган.*



*Охунжон Ҳакимовнинг 70 йиллик  
юбилейида.*



*Бешиболадаги 33-умумтаълим мактаби. Байрам тадбирида.*



Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева ва адабиётшунос олим  
Иброҳим Гафуровлар билан Чортоқ санаторийсида. 1990 йил.



*Риштонда янги мактаб очилиши.*



*Адабий анжуманда.*



*Усмонали ҳожи Бегматов Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчилари даврасида.*



*Умр йўлларида 50 йил бирга...*





*Оилада китобга меҳр анъанага айланган.*



*Табиатдан қувват олиб...*

## ДОНИШМАНД УСТОЗ

Жалолиддин Муҳаммадий Беклар маҳалласининг бошбеги Султонбек Абдурайимбек қароргоҳи яқинидаги хонадонда таваллуд топган. Отаси ислом илмида мухтасар бўлганлиги учун «Домлавой» деб аташар экан. Ўғли Жалолиддинга ёшлигидан ўзи устозлик қилиб, хат-саводи чикқач, Бухорога олиб бориб мадрасага топширади. Ана шу илмгоҳни тугаллаш арафасида инқилоб бошланганлиги туфайли ўғлини Бухородан олиб келиб, аёлига топширади ва «Сен замонга бок, ўғлим», деб ўзи бош олиб кетади (айрим манбаларда «кешиб юборган», баъзи кўрсатмаларда «отиб ташланган» деган сўзлар юради). Чунки инқилоб бошланиши билан диний ва дунёвий илм эгаларини қатағон қилиш, халқни етакчисиз қолдириш сиёсати бошланганди. Буларга Мунаввар қори, Бехбудий, Авлоний, Чўлпон ва Усмон Носирларнинг аянчли қисмати гувоҳ. Уйда бир парча арабий алифбода ёзилган қоғоз топилса ҳам қамаш, кулоқ қилиш, отиб ташлаш каби ҳоллар одатий бўлган. Буни олдиндан сезган домла илгарирок тадоригини кўрган экан. Паноҳидан айрилган она-бола эса ниҳоятда қийинчилик билан кун кечира бошлаган...

Бир суҳбатда домла ўтмишни эслаб: «Уйда бир дона товуғимиз бор эди. Бир дона тухумни бозорда сотиб, нон олиб келар, бир парча еримизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари эвазига қозон қайнатардик», деб ҳикоя қилганди. Унинг ўқитувчи бўлиши ҳам бир ҳангома. Домла ёрмозорлик болалик дўсти (ўша пайтларда Ёрмозор ва Бешбола беклиги яқин қариндош бўлган) Жамолиддин билан бозор қилиб, айланиб театр томонга борсалар, шу бинода рабфак (ишчилар факультети) ўқув мактабига ўқувчилар қабул қилишаётган экан. Булар ҳам кириб борибдилар. Биринчи савол «Келиб чиқишингни айт?» деган гап билан бошланар экан. Қарол, камбағал-батрак оиласидан бўлса ёки «етимман» деса,

«Ўтдинг» дер эканлар. Жамолхонга навбат етибди. «Отам ишчи, онам далада ишлайди» дейиши билан ҳайъат аъзолари бир-бирларига қараб «Ўтдинг!» дейишибди.

Сўнг дўсти Жалолиддинга навбат келиб, мазкур савол берилганда ерга қараб йиғламсираб тураверибди. Савол иккинчи бор қайтарилганда дадасининг «Болам, сен замонга боқ!» деган гаплари ёдига келиб, оғиз очибди: «Мен бир нопок домладан бино бўлган эканман, нима қилай?» дея баралла йиғлаб юборибди. Ҳайъат раиси: «Ўҳ, бизга худди шунақаси керак-да!» – деб суҳбатдан ўтганини айтибди. Икки дўст ташқарига чиқишгач: «Жалолиддин, артистликни ҳам жуда қотирдингиз», деб роса кулишган эканлар.

Жалолхон домла Бешболада биринчи бўлиб ота уйи ташқисидаги меҳмонхонада «янги усул» мактаби очиб, Беклар маҳалласи болаларини янги алифбо – кирилл асосида ўқитишни бошлаб, то умрининг охиригача Бешболадаги ўрта мактабни «Чимқишлоқ» (ҳозирги Ўзбекистон) кўчасидаги икки хонали эгаси кўчган бинода бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Дўсти Жамолхон Каримов ишлаш билан бирга, ўқилишни давом эттириб, ўқитувчилар тайёрлаш институтида ўқиб, фан номзоди бўлган. Бир умр Фарғона ўқитувчилар тайёрлаш институтининг физика-математика факультетида кафедра мудири, декан вазибаларида ишлади.

Профессор Жамолхон Каримов дўсти Жалолиддинни тез-тез йўқлаб турарди. У биродарини «Мирзо Жалолиддин», деб шу қадар эъозлар эдики, бунга ҳамманинг ҳаваси келар эди. Бунда, албатта, дўстининг ислом илмида мукамаллиги, хофизи Куръонликда назари йўқлигини эътиборга олган бўлса керак. Куръон тиловатида домлага тенг келадигани бўлмаган. «Куръоннинг кудрати тиловатда» деган сўзнинг нақадар ҳақ эканлигига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Диний ва дунёвий илми, фикр доирасининг кенглиги фалсафий

мушоҳадасининг ўткирлигида намоён бўлар эди. Домла кексайиб, бетоб бўлиб қолганида ҳар ҳафта унинг ҳузурига борардик. Ҳар гал кўнгилларини кўтариб, «Сиз ўтган ҳафтадагидан анча яхшисиз», деб тезроқ соғайишларини айтиб қайтардик. Ана шундай ташрифларнинг бирида дўхтир акамиз: «Домла, юзингизга қизиллик югуриб қолибди. Худо хоҳласа, тезда соғайиб кетасиз», деса, у: «Болам, Йўлдош, сен шифокорсан. Тўғриси айт, агар у ёқдан келиб қолган бўлса, кўркадиган аҳмоғи ҳам йўқ», деб кулиб қўйган эдилар. Бу сўнги дийдорлашувимиз эканини уч кундан кейин билдик. Домла дунёга йиғлаб келган бўлса, ундан мардона кулиб кетдилар.

Фарзандлари ишчи, ошпаз, ўқитувчи, созанда ва бастакор, қизлари Дилоромхон Муҳаммадиева атоқли устоз Ғанижон Тошматов тузган Республика дуторчи қизлар ансамблида созанда, хонанда бўлиб, бугунги кунда ана шу ансамблнинг бош раҳбари мақомига етиб, кўплаб шогирдларга устоз бўлди. Ота касбини улуғлаб, кам бўлмайд яшаб юрибди.

Ҳар бир бешболалик ўзининг бу аллома ҳамқишлоғи билан фахрланиб, унинг латифаларга айланиб кетган донишмандона сўзларини яхшилик билан ёдлаб юради. Хаёлга толаман. Шоир ёзганидек, «Ҳой, инсон, ортингга бир бок нима қолди, Дон қолдими, сомон, нима қолди?» Ҳа, устоздан «яхши» деган ном қолди.

Садоқатли дўсти, профессор Жамолхон Каримов дўстлик аҳдига вафо қилиб, биродари оиласидан доимо хабардор. Биродари фарзандларининг раҳнамози ва маънавий маслаҳатгўйи бўлиб қолди. Шу билан бирга, ота издоши бўлган қизи Мунисхоннинг олий маълумотли бўлишида ҳар томонлама ёрдамани аямади. Ўз фарзандидек меҳр кўрсатиб, эл қаторига қўшилишида кўмакдош бўлди.

## ДИЛКАШ ИНСОН ЭДИ

Беклар маҳалласи аҳли Аҳмаджон Ёқубов каби ўзбек мумтоз адабиётининг жонкуяр ихлосмандлари, «Булбул домла» деб эътироф этилган Тилаволди Қодиров, она тилимиз шайдоси, ўқитувчи, журналист, хуснихат соҳиби Каримжон Тоштемиров, қиёссиз хагтот Умарали Шерматов, тарих муаллимлари Ҳасанбек Худойбергенов, Ёрмуҳаммад Шокиров, Ҳасанхон Зухуров каби қатъиятли, билимдон устоз-муаллимлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Бешболанинг Беклар маҳалласида таваллуд топган Аҳмаджон Ёқубов жамоалаштириш фаолларидан бўлган Ёқубжон ва Мастурахон Мусаевлар оиласида таваллуд топган. Бешболадаги тўлиқсиз (етти йиллик) мактабни тамомлаб, 1944-1946 йилларда артелда атлас тўқувчи бўлиб ишлаган. 1946-1950 йилларда Фарғона педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олган. 1950-1951 йилларда ҳозирги Қўштепа туманидаги тўлиқсиз мактабда фаолиятини бошлаб, тез кунда ҳарбий хизматга чақирилади. 1951-1954 йиллари ҳарбий хизматдан қайтгач, ўз қишлоғидаги 33-ўрта мактабда ёшлар етакчиси, 1955-1956 йиллари Оқариқдаги ҳозирги 35-мактабда илмий бўлим мудири, 1956 йилдан эса 33-мактаб директори вазифаларида ишлаган.

Аҳмаджон Ёқубов 1960-1963 йиллари Фарғона давлат педагогика институтининг педагогика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб фаолият юритди. 1963 йилдан 1983 йилгача вилоят газетаси – ҳозирги «Фарғона ҳақиқати» газетасида мухбир ва таржимонлик вазифасини бажарган. Кўплаб бадиа, ҳикоя ва қиссалар ёзиб, 1983 йилда Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган. Иш фаолиятини юритиш билан бирга, бир талай асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Кришан Чандрнинг «Бир маъшукқа минг ошиқ» романи (1964), Ҳиндистон халқ эртаклари бисотидан «Сехрли узук»

асари (1966), Юрий Дмитриевнинг «Олтин поезд» (1967), Стивенсоннинг «Хазиначар ороли» (1973), Рангея Ракхафнинг «Токайгача чорлайман сени» (1984) романлари шулар жумласидандир. Таржимоннинг умри сўнггида тайёрлаган «Қалтис қадам» асари дунё юзини кўриб улгурмади.

Аҳмаджон Ёқубов йигирма йил мобайнида вилоят газетаси тахририятининг таржима бўлимини бошқарди. У ниҳоятда кўнгли очик, дилкаш инсон эди. Турмуш ўртоғи билан бирга оилада саккиз фарзандни тарбиялаб, эл қаторига қўшди. Аҳмаджон ака ҳақида гап кетганда, унинг одамшаванда, меҳмондўст, меҳнаткашлиги билан бирга бебаҳо суҳбатдош бўлганлигини эъзоз билан тилга олса арзийди. Унинг бирон-бир гапни ўринли мақол, матал ёки бир қизиқ латифа билан баён қилиши тингловчилар хотирасида муҳрланиб қолади.

Ҳамқишлоғимиз ўз суҳбатларида матбуотимизнинг фахрийлари Абдулло Мирзо, Воғиз Музаффаров, Шерали Тошматовлар билан бўлган хангомаларини гапириб берар, шу улуғ инсонлар этагини тутиб, кам бўлмаганлигини миннатдорчилик билан эслаб юрарди. Аҳмаджон Ёқубовдан юқорида тилга олинган йирик таржима асарлар ёдгор бўлиб қолди. Отаси вафотидан сўнг унинг қизи Муҳаббат Ёқубова отаси асарларини тўплаб, ўз муносабат ва хотиралари билан бойитиб, «Чироғингиз ўчмайди, отажон» номли хотира китобини чоп эттирди. Бешбола аҳли ўзининг ана шундай содиқ фарзанди, билимдон инсон Аҳмаджон Ёқубов сингари ўғлонини ҳамиша дилдан ёд этади.

## ЙЎЛЧИ ТОШПЎЛАТОВ КИМ?

1952-1953 йиллар. Техника фанлари номзоди Йўлчи Тошпўлатов – Кувасой цемент комбинати директори, яқин биродари Саид Тўхтаўжаев – комбинатнинг бош

мухандиси, София Фадеева – мазкур корхона бош лаборанти – ҳамкорликда курувчиларнинг асрий орзулари бўлган сульфатга чидамли «коалин цементи»га асос солганлар. Бу цемент билан шўрхок ерларда ҳам турар-жой ва бошқа қурилиш иншоотлари пойдеворлари учун бетон қоришмалар тайёрлаш имконияти туғилди. Бу ихтиро ишлаб чиқаришга татбиқ этилгач, шу асосида Оҳангарон цемент комбинати қурилиб ишга туширилди. Бу билан Хитой олими Лининг «Сульфатли шўрланган тупроқ – цементнинг душмани», деган икки юз йилдан буён ҳукмрон бўлиб келган ғоясини инкор қилдилар. Амалиётчи олим Йўлчи Тошпўлатов бу кашфиёти учун техника фанлари доктори илмий унвонига сазовор бўлган. Саид Тўхтажоев ва София Фадееваларга техника фанлари номзоди илмий унвонлари берилган экан...

Йўлчи Тошпўлатов асли бешболалик. У Бешболанинг ҳозирги Муқимий кўчасида истикомат қилган. Илмга бўлган иштиёқ уни Тошкентга етаклади. Олийгоҳни тугатиб, техника фанлари номзоди бўлди ва илмий ишини давом эттириш учун Қувасой цемент комбинатига келди. Шу ерда ўз орзусига етди. У академик Қори Ниёзийнинг энг яқин дўсти ва ҳамфикр сафдоши бўлган.

Тошкентда ишлаб юрган даврларида биродари кишининг каттиқ чилласида оламдан ўтади. Бундан хабар топган Йўлчи ота мотам маросимига етиб келади ва кун бўйи совукда бошланг туриши натижасида мияси қаттиқ шамолаб, тўшакка михланиб қолади. «Сўнгги нафасигача ёнидан шифокорлар бир кадам ҳам жилмаган эди», – деб ҳикоя қилади беморлигидан хабар топиб, кўргани борган фарғоналик биродарлари.

Бешболаликлар ўзининг фан фидойиси, содиқ дўст, қобил фарзандлар ва юзлаб илмли шогирдлар тарбиялаб етиштирган заҳматкаш ўғлони билан фахрланишга ҳақлидирлар.

## ЭЛ ФАРЗАНДИ

Ҳақсиз қулоқ қилиш кенг авж олган даврда Ғулом ота оиласини ҳам Украина чўлларига сургун қилишди. Анваржон Ғуломов ана шу бегона юртнинг Херсон чўлларида дунёга келади. Кейинчалик вазият юмшагач, она юртига – қадим Кубосига қайтиб, яшай бошладилар. Анваржон дастлабки билимни рус-украин мактабида олиб, ўқишини она юртида давом эттирди. Иқтидорли, ташкилотчилик қобилияти борлигини англаган маҳаллий раҳбарлар уни ёшлар етакчиси, кейинчалик турли масъул вазифаларга тайин этдилар.

Иттифоқо, ўзи яшаб турган Кува туманига биринчи раҳбарлик вазифасига тайинланиш арафасида «Ўзбекистонда туғилмаган» деган «айб» билан унинг номзоди ўтмайди – ўринбосар бўлиб ишлайди. Сўнг мутахассислиги бўйича вилоят газ бошқармаси бош муҳандиси, кейинчалик, яъни умрининг охиригача ана шу бошқарма бошлиғи бўлиб меҳнат қилади. Фаолияти давомида барча шаҳар ва туман газ таъминоти идораларини янгитдан қуриб, ишчи-хизматчиларнинг иш шароитларини яхшилайти.

Анваржон Ғуломов ҳақида қаерда гап кетса, тиниб-тинчимас ташкилотчи раҳбар, қўл остидагиларга меҳрибон мураббий бўлганлиги, оққўнгил, самимий, покиза инсон бўлганлигидан сўзлаб берадилар. У ҳар бир аризачининг кўнглига йўл топар, иложи борича ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Ана шундай бебаҳо фазилатлари боис, уни чуқур ҳурмат қилар эдим. Йиллар давомидаги ҳамкорлик, ҳамфикрлик бизни дўстлик ришталари билан боғлаган эди. Минг афсуски, у ҳаётдан эрта кетди...

Тонг билан ишга келсам, котибият ходими мени сўроқлаётганини маълум қилишди. Учрашим ҳамоно «Дўстингиз вафот этибди», деди. Дарҳол ўша даврда вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб турган биродаримиз Абдуқаҳҳор Йўлдошевга хабар қилдим,



зудликда йўлга чикдик. Унинг хонадонига бориладиган йўл – «Кува – Андижон» йўлидан одамлар дарёдек оқиб келардилар. Таъзия ўкилиб бўлгунча шу йўлда транспорт катнови тўхтади. Бу ҳолатни кўриб ҳамроҳим Абдуқаҳҳор ака: «Дўстимиз бекорга яшамаган экан. Унга бўлган эл хурматини каранг», деди чуқур хўрсиниб. «Нимасини айтасиз», – дедим. – Дўстимизга қараб инсон ана шундай яшамоғи лозим эканлиги дилимдан ўтди».

## СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ...

(«Камолхон ариғи»)

Кувасой шаҳрида иккита кўприкбоши бор. Бири «Фарғона – Кувасой – Қизилқия» йўлида, иккинчиси «Фарғона – Бешбола – Кува» йўлида. Ана шу иккинчи Кўприкбоши кишлоғи Исфайрам дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Дарёда ҳам, кишлоқда ҳам сув сероб. Бир вақтлар икки тошли тегирмон доим ишлаб турар, ортида катта ўрикзор боғ бўларди. Бешболанинг юқори Ғайрат маҳалласи билан иссиқ-совуқ маросимлари ҳам бирга бўлиб, қабристони ҳам Исфайрам дарёсининг чап соҳилидаги Ғайрат маҳалласи ўрамидаги адир бағрида эди.

Бу қадим кишлоқда мулла Маматбуво, мулла Адҳам, мулла Барзи домлалар каби ислом уламолари яшаб ўтганлар.

Эшонлар сулоласи вакили, Йўлбарсхон эшоннинг ўғли Аббосхон эшон ниҳоятда хилм табиатли, илмли инсон эди. Турли йиғин, меҳмондорчиликларда маърифат пирлари – Ҳазрат Навоий, Машраб, Бедил, Бобур Мирзо байтларидан ёд ўкиб, уларнинг ҳаёт йўлларидан ажиб ҳикоялар қилар, гоҳида ҳазрат Яссавий, гоҳ Баҳоуддин Нақшбанд ҳикматларидан парчалар ўкиб берарди. Хонадондаги токчалар тўла китоб бўлар, тунги вақтларини китоб мутолааси билан

ўтказар эди. Оилавий борди-келдимиз бўлгани учун унинг кўп суҳбатларида бўлганман. Бир вақтлар Туркистон муслмонлари идорасидан вакиллар келиб, эшон акани имтихон (суҳбат) қилиб, бир овоздан «ислом илмида олим», деб баҳо беришган. Сўзлаганда қалбидан қайнар булоқдек тўкилиб турган ўғитлари ҳар қандай одамни маҳлиё қилиб кўярди...

Бу файзли қишлоқдан давлат, жамоат арбоблари, олимлар, ўз ишининг моҳир муҳандислари, миришкор деҳқону боғбонлар етишиб чиққан. Мулла Маматбувонинг тўнғичи Каримжон Маматов фаолиятини сотувчиликдан бошлаб, туман, вилоят матлубот савдо идораларини бошқарган. Ҳамқишлоқлари уни «ҳожатбакор» деб атардилар...

Камолхон Аҳмаджонов номи – уни таниган, билганлар учун одамийлик тимсоли. Қаерда бу беназир инсон ҳақида гап кетса, суҳбатдошлар тилидан бол томади. Бу инсон гўё фақат яхшилик учун яралгандай. У отадан эрта етим қолди, яқинлари тарбиясида бўлди. Олий маълумотли муҳандис бўлиб етишди. Фарғона вилоятида илк дренаж қудуқлар қазिश ташкилотини тузиб, узоқ йиллар ўзи бош бўлди. Унинг қадамидан қақроқ жойларга оби ҳаёт етди. Шунинг учун ҳам вилоятимиз деҳқонлари, қишлоқлар аҳли уни жуда яхши танийдилар ва хануз ҳурмат билан тилга оладилар.

Кунларнинг бирида бешболалик Содикжон акам билан кўприкбошилик болалик дўсти ва сафдоши Муродбек Маҳмудовнинг зиёратига бордик. Хонадонидан набираси чиқиб, «опоқим Аҳмаджон амакимникида эдилар», деб бизни дашт маҳалладаги янги уйлардан бирига бошлаб борди. Муродбек акам болалик дўстини кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлди. Ёшлиklarини эслаб, анча суҳбатлашилгач, рухсат сўраб қайтиш тараддудига тушдик. Шунда эшик олдида оқаётган бир арик сувни кўриб ҳайратда қолдим. Муродбек акамдан: «Бир йилда бир марта ҳам сув етиб келмаган даштликка бу

сув қаердан келди? Ёки артезиан қаздирдиларингми?» – деб сўрадим. У: «Йўк, бунинг тарихини Муҳаммад Умар отадан сўранг», – деди.

Ўша пайтда маҳалла оксоколи бўлган, ҳозирда тўксондан ошган Кўчқоров Муҳаммад Умар ота шундай ҳикоя қилди:

– Баҳор тугаб, ёз жазирамаси бошланган. Қишлоқ аҳли сув танқислигидан азоб чекиб турган пайтлар. Биз сувнинг охиридамиз. Илгари Исфайрам дарёси тўлиб оққан дамлар икки тоштегирмон тинмай ишларди. Аҳоли ҳам сийрак эди. Бугунга келиб дарё қуриди ҳисоб. Фақат сизот сувлар оқиб туради.

Ана шундай кунларнинг бирида Камолхон мени чақириб: «Оксокол, маҳаллага сув чиқармаймизми?» – деб қолди. «Ҳой, оғзингизга мой, укам. Нима деяпсиз?» десам, «Юринг, сув йўлини кўриб келамиз», деб Исфайрам дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб бошлаб кетди. Тўрт чақиримдан мўлроқ юрилгач, тўхтаб, «Ана шу ердан бошласак», деди. Бу ерда сизот ва булок сувлари анчайин оқиб турарди. Кейин билсам, Камолхон обдон шароитни ўрганиб, мўлжаллаб қўйган экан. «Менга жуда маъқулку-я, бу ишни техникасиз, қўл билан ўн йилда ҳам қилиб бўлмайди», десам, «Техникани мен топаман. Ёкилғисини Аъзамжон Маматов таъминлайди. Қолган югур-югури Маматқулов Омонбойга! Техникада ишловчи механизаторлар озиқ-овқатини Муроджон Маҳмудов домла ташкил қилади. Ҳар бир хонадон навбати билан бир кундан бўлишиб оладилар. Биз бу томонини келишиб қўйганмиз. Сиз маҳалла оксоколи сифатида барчамизга бош бўласиз. Маҳалладошларимиз ва кадрдонларимиз ҳам қараб турмайдилар. Қани, бир дуо қилинг. Худо хоҳласа, дўстлар ёрдамида қуриб, сув келтирамиз», деди ишонч билан. Мен гўё ширин туш кўраётгандекман. Камолхон бу кутлуғ режани менга айтгунга қадар Омонбой, Аъзамжон ва Муроджонлар билан келишиб олган, атрофдаги кадрдонлари ёрдамига умид қилган экан.

Хайрли иш бошланди. ФУМ-5 раҳбари Аъзамжон ҳожи эсковатор, суфхонлик Қувасой МЖС раҳбари Қодиржон Холматов булдозер олиб келиб берди. Зокиржон Раҳматов, Зокиржон Раҳмоновлар техникани бошқариб, беминнат хизмат қилдилар. Маузержон Ғаниев сувнинг бошини бетонлаб, лотоклар ўрнатиб, катта ёрдам қилди. Маҳалламиз фермери Нажмиддин Барзиев ўз ҳисобидан маҳалладаги эски сув йўллари очиқ қилди. Асли кўприкбошилиқ бўлган, ҳозирда Бешболада яшовчи Иномжон Маматов нафақа жамғармасидан беш юз минг сўм эҳсон қилди. Яна механизмлар учун ёкилғи сотиб олиб берди. МФЙ раиси Жалолоддин Ҳожиматов ҳам ўз ёрдами аямади. Қолганлар ҳам четда қолмадилар. Баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бешболанинг Орзи ҳожи маҳалласи рўпарасигача бўлган тўрт чакиримдан зиёд сув йўли тўрт ой деганда битказилди. Ишлар якунланиб, сув очилганда маҳалланинг охирида яшовчи ёши улуғ, бемор Раҳмиддин ҳожини тўшаги билан кўтариб чиққанимизда сувни кўриб, хўнграб йиғлаб юбордилар. Чунки бир неча йиллар бир томчи сувга зор кишлок аҳли учун бу тенгсиз бахт эди.

Сухбат асносида ҳозирда юз ёш билан юзлашиш арафасида турган Муҳаммад Умар ота: «Ариқ битгунча тўрт ойда еттига калиш йиртибман. Ахир, кунига икки-уч мартадан сув бошига бориб келаман. Камолхон, Омонжон ва Аъзамжондай фарзандларни тарбиялаган ота-оналарига мингдан-минг раҳмат. Шундай кунларни насибу рўзи айлаган парвардигорга беҳисоб шукроналар келтираман», – дедилар...

Менимча, инсон бутун ҳаёти давомида ўзидан кейин қоладиган бир оғиз сўз учун яшайди: «Яхши одам эди. Худо раҳмат қилсин». Бу ҳамиша халқим деб яшаган ҳақгўй инсонларга берилган бебаҳо ёдгорлик эмасми?!

## ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Кўприкбошида бундай кутлуғ ишлар давом этиб келмоқда. Камолхон, Омонжон, Муҳаммад Умар, Аъзамжонлар бошлаган хайрли ишларни бугун шу қишлоқнинг беназир фарзандлари – Машрабжон Ҳайдаров ва Нажмиддин Барзиев каби фидойилар давом эттирмоқдалар.

Нажмиддин Барзиев қишлоқдаги ягона фермер сифатида бутун қишлоқ томорқачиларининг беминнат кўмакчиси. Ҳар бир хонадонга ердан фойдаланиш, боғдорчилик, чорвачилик ва зироатчилик билан шуғулланишга имконият яратиб, баҳоли кудрат ёрдам бериб келмоқда.

Жўраев Ҳайдар ота кексайиб қолганга қарамай, янги ташкил қилинган Кўприкбоши мазорини ўз ҳисобидан пахса девор билан ўратиб, бир бўлагида боғ барпо қилган эди. Отадан сўнг, унинг кенжа фарзанди тадбиркор Машрабжон Ҳайдаров отаси бошлаган хайрли ишни давом эттириб келади. Бу қабристонни бутун Қувасой ҳокимлиги ўрамидаги энг намунали қабристон деб топилиши сўзимнинг гувоҳи. Машрабжон Ҳайдаров бу маҳалла зиёратгоҳи ободонлаштирилишини ўз зиммасида сақлаб келади. Маҳаллага кираверишдаги сой бўйида сўлим оромгоҳ ташкил этилиб, манзарали дарахтлар ва гуллар ўтқазиб, сув чиқариб кўйилган. Бу файзли гўшага кириб боришдаёқ ушбу гўзалликларни кўриб баҳри дилингиз очилади.

Маҳаллада бирон-бир хонадон йўқки, Нажмиддин ва Машрабжонларнинг саховатидан баҳраманд бўлмаган бўлса. Кимки қачон ва қандай масалаларда мурожаат қилмасин, хожатини раво қилишга ҳамиша камарбаста улар. Қишлоқдошлари улар номини эъзоз билан тилга оладилар, дуо қиладилар. Зеро, «олтин олма, дуо ол», деган нақл айнан Машрабжон ва Нажмиддиндай фидойи инсонларга аталгандек. Шоир айтганидек:

*Эл севар одамнинг ҳеч кибру ҳавоси бўлмагай,  
Меҳридан гул ундирар, дилда риёси бўлмагай...*

Кўчқорчи Кўприкбошисида ана шундай муносиб издошлар улғайиб келмоқдалар. Зеро, умидли дунё бу. Ким нима изласа, шуни топади.

## ҲИКМАТ САБОҒИ

Бир ҳурматли оксоқолнинг шаҳардаги ҳовлисига улуғлар ташриф буюрибдилар. Бундан боши осмонга етган мўйсафид мезбонликни ўрнига қўйиб, иззат-эҳтиром кўрсатибди. Базми жамшид авжига миниб, меҳмонлар ниҳоят сархуш бўлганларида улуғлардан бири: «Ота, шинам ҳовли, жаннатий боғингиз бор экан, шунга монанд бир товус лозим бўлубдур», – деб сўз қотибди қувлик билан. Отанинг «лаббай» дея хайрон бўлиб турганлигини пайқаган меҳмон сўзида давом этиб: «Бир ёш гўзалга уйлансангиз, ўзингиз ҳам ёшариб кетармидингиз», – дебди.

Ота бир оз сукут сақлагач: «Ижозат берсангиз, бошимдан ўтган бир ҳикояни айтиб берсам», – дебди. Даврадагилар: «Қани-қани, эшитайлик-чи», – деганларидан сўнг, қария аста сўз бошлабди: «Уйланган кезларим турмушимни ўнглаш учун кишлоқда имконият тополмагач, ўйлаб-ўйлаб кўрпа-тўшакни орқаладик-да, Ёзёвон чўлига кириб бордик. Бир сайхонлик топиб, ўзимизга яраша чайла қурдик. Қум барханлари орасидан бир парча курук ерни очиб, дехқончилик қилдим. Келаси йил майдонни яна кенгайтирдим. Топганда зоғора нону, топмаганда оби ёвғон билан кун ўтказардик. Чайла ўрнига кулба тикладик. Ерни ўзлаштириб, дехқончиликни яна кенгайтирдик. Ҳосил мўл бўлди.

Бир кун оқшом пайти ана шу еримиздан келсам, аёлим ош дамлабди. Лекин нимага сузишни билмай хайрон. Ўчакишгандек идишимиз ҳам йўқ, чирок ҳам. Шунда

кетмонимни сувга чайиб, «Мана, шунга сузасиз», дедим. Ой ёғдусида кетмоннинг у томонида аёлим, бу томонида мен ош еганмиз. Ана шундай суянч ва юпанчим бўлган умр йўлдошимни қандай алмаштирай?...»

Даврадагилар бир зум ўйга чўмибди. Шунда меҳмонлардан бири дебди: «Кексаларни ҳикмат хазинаси, дейишлари шундан экан-да. Оқсоқол, худо деган одам экансиз. Сизга қўша қариш бахти насиб этибди. Бир умр қилинган хайрли меҳнатларингиз туфайли сизни эл эъзозлабди. Сиз энг улуғ мақсадга етибсиз. Иншооллох, шундай бахтни фарзандларингизга ҳам насибу рўзи айлашини Яратгандан тилайлик». Барча дуога қўл очибди.

«Ҳамиша одамларга яхшилиқни соғиниб, илиниб, эзгу тилак билан яшайлик, азизлар», дегим келаверади.

## ОИЛА – МЕҲРДАНДУР

*(Шингил ўғит ўрнида)*

Азиз ёшлар! Оилангиздан гоҳ кўнглингиз тўлмаётган қолса ҳам уни ҳурмат қилинг, эъзозланг. Шунда ҳар бир эътиборингизга ўнлаб-юзлаб қайтим оласиз. Турмушингиз файзли, умрингиз сермазмун бўлади. Бежиз «Яхши сўз – жон озиғи» демаган доно халқимиз.

Бенуксон парвардигор...

*Донишманд сийрати*

Инсонлардан фақат ва фақат яхши фазилат кидириб, шу яхши хислатни шуълалантириш билан бирга ибтидо-ю интиҳони англаган кишилар донолик уруғини қадагувчи

камтарин хулқ эгаларидир. Донолар ёшининг саноғи-ю,  
умрининг адоғи бўлмас, иншоллоҳ...

## УСТОЗ

*Кимга олтин, кимга сийм-у,  
Ким талаб қилгуси зар,  
Ким талаб бўлса илмга,  
Бир умр умрин безар.*

Тақдир тақозоси билан қай юртларда бўлмай, илмгоҳларни зиёрат қиламан. Улуғвор, маҳобатли бинолар, уларнинг кўрки бўлган устозлар-у талабаларни кўриб, Ўзбекистоним, Фарғонам ва унинг маърифат қуёши бўлган отахон олийгоҳимни соғинаман. Унинг қадри ва қадди хаёлимда чексизликлар қадар юксалиб бораверади. Ҳар бир даргоҳнинг раҳбари бор. Лекин унинг устуни, «виждон»и бўлган улуғи бўлса, эл-улус у билан фахрланса, бу бебаҳо бахт экан.

60-йиллар... Талабалик йилларимиз... Олийгоҳимизнинг фаҳри, ифтихори – устозимиз, академик Авлиёхон Муҳаммадиев эдилар. «Домла келяптилар!» Шу бир оғиз сўзни эшитиши билан институтимиз боғбонидан сарбонигача «ўзини ўнглаб олар», айниқса, биз – табиётчиларнинг рухимиз бардам эди. Чунки Ўрта Осиёдаги энг йирик гидробиолог олим, академик, профессор билан ҳақли равишда фахрланардик. Домла нотик эди: олдидаги биринчи қаторда ўтириб, бутун жисму жоним қулоққа айланар... Ҳар бир сўзига улгуриш учун «шартли қисқартмалар билан» ёзиб олар, уйга қайтгач, шу куннинг ўзида мушоҳадалар билан тўлдириб, бошқа дафтарга (оққа) кўчириб олар... Қўшимча тавсия қилинган адабиётларни топиб, ўқиб борар эдим.

Устознинг нутқи равон, бирорта ҳам ортиқча жумла ишлатмас эди. Устоз тилшунос эди: «Ирсият назариясидаги



хромосомалар занжирида белгиларни белгиловчи генлар маълум бўлгач, рецессив ҳолатдан доминантликка ўтиб юзаланади. Бу янги белгининг намоён бўлишида кўринади. Ана шу «юзаланиш» деган фикрни мукамал ифодаловчи сўз бирон-бир тилда йўқ. Тилимизнинг жозибаси ҳам шунда», деган эди.

Домла мусаввир эди: бирон-бир жонзот ҳақида маъруза қилса, баён қилинаётган объект аъзоларининг тасвири сўз билан бирга қизиқиб борар, ниҳоясида эса мазкур жонзотнинг тасвири доскада тўлиқ қизиқиб бўлган бўларди.

Сўз, тасвир, устозга хос «оҳанг» уйғунлигида ўтилган дарс миямизга қуйилиб қолар, навбатдаги машғулотларгача тавсия қилинган адабиётларни мутолаа қилиб, конспектлаштириб олардик.

Баён, тасвир, ёзув, такрор ва қўшимча адабиётлар мутолааси мазкур фанга бўлган муҳаббатимизни оширар, қанча билсак, шунча билмаслигимиз кўриниб борар эди. Устознинг ўзидан, сўзидан, ҳар бир хатти-ҳаракатидан фазилат дурлари ёғиларди. Биз шогирдлар ундан қанчалик англаб, териб олган бўлсак, бутун ҳаётимиз йўлида илм излаб, шунчалик кадр топдик. «Устоз отангдай улуғ» иборасини етмиш бешинчи довол йилида туриб мушоҳада қилсам, ота-она ўз фарзандида авлоди давомчисини кўрса, устоз шогирдида ўзи қилиб улгурмаган орзу-умидларини, келажакда ёқилажак «илм чироклари»ни кўрар экан. Бежиз муқаддас китобимиз Куръони Каримда ҳам «илм» сўзи кўп марта такрорланмаган ва муборак ҳадиси шарифларда илмнинг ибодатдан аълолиги битилмаган экан. Чунки ибодатни ҳар бир одам ўзи учун қилади. Олимнинг илми эса бутун инсоният мулки. Шунинг учун ҳам олимларнинг миллати бўлмайдди дейишади.

Устоз Авлиёхон Муҳаммадиев бир умр илм уммонидан бебаҳо гавҳарлар териб, авлодларига армуғон этди. Ҳаёт бўлганида бу йил юз ёшга тўларди. Ул табаррук зотнинг

илм чашмаларидан бахраманд бўлган минглаб шогирдлари, фарзандлари ул зот орзуларини амалга ошириш йўлида изланиб бормокдалар. Юзлаб фан номзодлари, ўнлаб фан докторлари устозимизнинг илму зиёсидан бахраманд бўлган шогирдлардир...

## ҚОРОВУЛТЕПАДАН ВОДИЛ КЎРИНАДИ

Бир издиҳомда «Оқмозор ота»дан сўз кетганда шу ерлик тadbиркор Мамарўзи Комилов нуруний отахонларга юзланиб: «Бир фотиҳа берсаларингиз... «Оқмозор ота»ни обод қилишга яқинларим, ҳамкасб биродарларим билан бел боғласак. Барча зарур қурилиш ашёларини олиб келамиз. Ўзингиз бош бўлсангиз», деган сўзларига ҳали уч ой ҳам бўлгани йўқ.

Энди бу манзилда водилликлар кўнгли ҳам кўринаётган экан... Шубҳага борманг, биз сўзлаб берайлик-да, қандай фикр қилиш ўзингизнинг инон-ихтиёрингиз ҳавола.

Бир вақтлар амалдор тўралар қароргоҳи хавфсизлиги учун шу тепаликда кузатув маскани бўлган экан. Кейин «Қоровултепа» атамаси маҳалла номига айланиб кетибди.

Шохимардон дарёсининг ўнг соҳилида, қирлар бағрида ястанган ҳовли-жойлар, боғ-роғлар, уларни оралаб ўтган Каптархона ариғининг шарқираб оқиши кишини мафтун этади.

Бу бетакрор манзара шавқи бугун одамларга ҳам кўчгандай. Хушҳаво, сўлим жойларда хушвақтликдан масрур бўлиб шукроналикда яшаш уларнинг муддаосига айланибди. Кўчаларни, ҳовлиларни, маҳалллани обод қилиш ҳаракати кучайибди. Буларни кўриб, «Нон бор жойда қўшиқ бор», деган нақл дарҳол эсга келади.

– Шу маҳалланинг ўзида 15 та хонадонга «қўлбола» ҳаммом куриб бердим. Устозим Толибжон Мамасолиев эса

25 та ҳовлида ҳаммом қурди. Илтимос қилаётганлар кўп, – дейди уста Мўйдин Аҳмедов.

– Маҳалламизда 140 та хонадон истикомат қилишини ҳисобга олсак, икки йилга қолмай барча хонадон ҳаммомли бўлади, – дейди маҳалла сарбони Мавлонжон Комилов.  
– Муаммомиз – водопровод тармоғини узайтириш. Бунга ҳамжиҳат бўлиб киришганмиз.

– Одамларга маъқул бўлган яна бир ишимиз «Оқмозор» кабрисонида ободончиликни бошлаганимиз бўлди. Дўхтир акамиз Мамарўзи Комилов юракдан чиқариб, хайрли ишни бошлаб берди. Одамларимиз бу ҳаракатни кўриб, қўллаб-қувватлашди. Тепалик томондан қишлоқнинг бошланиш жойига чиройли қилиб иморат кўтардик. Бу бинода маҳалла йиғини идораси, зиёратчи аёллар учун алоҳида хона, нуронийлар хонаси, омборхона ва бошқа қулайликлар яратилди. Катта саҳн, кабрисонга бориш йўли текисланиб, асфальт ётқизилди. Очиқ айвон, «санузел» қурилди. Хуллас, ҳашарчилардан, эҳсон қилувчилардан аримай қолди бу жой. Кимдир ўзини танитмай қўй боғлаб кетди. Отини айтмай, пул, харажат ташлаб кетаётганларнинг саноғи йўқ. Шу ишлардан ичимга сиғмай, ўз кўзларинг билан кўринглар, деб сизларни даракладим-да, – дейди раис ва бизни боғ томон бошлайди.

Чиндан ҳам, одам баҳри-дили очиладиган жой бўлибди бу томонлар. Ҳашар ўша куни ҳам давом этаётган экан. Бир гуруҳ йигитлар тушиш йўлига зинапоя қуришяпти, аёллар эса боғни супуриб-сидириб, чиройли қилиб қўйишибди. Қозонда шўрва қайнаяпти, самоварга олов ёқилган. Салқин сўриларда нуронийлар гурунг қилишмоқда.

Орифжон, Исмоилжон, Валижон, Исроилжон ва Солижон оталар шу эзгу ишлар тепасида эканлар.

– Ҳофизи Қуръон, мударрис домла Омонжон қори бандалик қилганида амакимиз мулла Алижон қори таклифи билан туғ кўтарилиб, майитни шу жойга дафн қилишган. Кейин уламолар

тинчлик, покизалик белгиси – «Оқмозор ота» номини бериб, фотиҳа ўқишган, – дейди Солижон хожи Комилов. – Бу воқеа 1955 йилларда бўлган бўлса, ҳозиргача Қоровултепа, Иттифок, Тошқора, Наврўз, Дўстлик маҳаллалари одамлари ўз яқинларини шу «Оқмозор ота» атрофига дафн қилиб келишяпти. Ўрикзорнинг тоғ тарафидаги мана шу ясси тепаликларда қанча-қанча ҳамқишлоқларимизнинг хоки поклари ётибди. Айтишларича, қатағон йиллари кўздан холи жойларга, қабристонларга исломий китоблар кўмилган. Бу маконни покиза сақлаш умидида сағана кўтариб қўйишган. Нон ушоғи тушган жойни ўраб қўйишгани ҳақида ривоятлар эшитганмиз. Бу мақбара ҳам ана шундай чуқур мазмунга эга. Кўряпсизми? Чиройли зинапоялардан кўтарилиб борсангиз, у жойдан Водилгина эмас, бутун водий кўринади. Илоҳий илм нурлари йўлларимизни, дилларимизни ёритиб турганига шубҳа йўқ.

Ҳа, хожи ота ёлғон сўзламабди. Оппок, мўъжазгина макбарадан боқсангиз, бутун гўзаллик – манзара кафтдек намоён бўлиб тураркан. Офтобда ярақлаб, чўзилиб ётган дарё ўзани яшил кенгликларга сингиб кетгандай...

Шу баландликда туриб, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши фатвосидаги мана бу сатрларни дилдан таъкидлагинг келади: «Ҳар қандай яхши (савобли) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билур» (Бақара, 197), деган оятдан келиб чиқиб, ўзига тўқ кишиларнинг қайта-қайта ҳажга бориш ўрнига маблағларини етим-есир, кам таъминланган оилаларга, умумхалқ манфаати йўлида, ўзларининг номаи аъмолларига садақаи жория бўлиб ёзиладиган ишларига сарфлашлари айтилган муддаодир».

## ОҚИБАТ

Тоғолди кишлокларнинг биридаги серфарзанд дехконнинг кенжатоийи ниҳоятда шўх, хайга ҳам, хайдарга ҳам кўнмайдиган, доим ўз билганидан қолмайдиган, ака-опалари, ҳатто онасининг гапига ҳам қулок солмайдиган бўлибди. Бу боласига кекса ота бошқача меҳр билан қарар, «Шу боламга ҳеч нарса деманглар, у бошлиқ бўлади бир кун келиб», дер экан.

Ота қазо қилгач, йиллар ўтиб шу ўт-олов боласи ҳақиқатан ҳам раҳбар бўлибди. Йигит эртасигаёқ онасининг оқ фотиҳасини олгани кишлоғига шошибди. Уйга кириб не кўз билан кўрсинки, онаизор хунибийрон йиғлаб ўтирган эмиш.

– Ҳой, она, нега йиғлайсиз? Мен юртга ҳоким бўлдим. Сизни севинтириб, дуоингизни олгани келдим, – деса, онаизор «Биламан, биламан, болам», дебди зор қақшаб.

– Унда нега йиғлайсиз? – деб минг таажжубда сўрабди ўғил энсаси янада қотиб.

– Оқибатинг нима бўларкин, деб йиғлаяпман, – дебди она такрор ва такрор, – Оқибатинг нима бўларкин?..

Иттифоқо, ўғил лавозимдан тушибди. Сўнг чекка бир чўлга ишга борибди.

Бир куни хашарчи ёшлар билан суҳбатда талабаларга: «Мана, мени айтди дерсиз, ўқишни битириб, кўпларингиз раҳбар бўласиз. Онамнинг «Оқибатинг нима бўларкин, болам», деган сўзлари умрим давомида ҳамиша ҳамрозим, хушёрликка чорловчи нидо бўлди. Шу туфайли кўп нопок ишлардан тийилдим, не-не бўронлардан омон қолдим. Шукрим, эл қатори яшаб, тер тўкиб юрибман. Сизлар ким бўлсангиз ҳам оқибатини ёдларингдан чиқарманглар», дебди кўз ўнгидан онаизорининг сиймосини ўтказаркан, чуқур хўрсиниб...

Бу ҳикояни тинглаб, муаллимлик қилиб юрган йилларим

«Сўнги кўнғироқ» кечасида: «Болажонлар, кўпларингиз ҳали катта-катта одамлар бўласизлар. Бир нарсани эсингиздан чиқарманг: амал бу – бошдаги салла, салла кимнинг бошида бўлса, имом ўша. Гап – салла текканида калланинг адашмаслигида! Шунда салла (амал) кетганда ҳам, каллангизнинг қадри тураверади», деганим ёдимга келди.

Ҳа, умрнинг роҳатбахш кунлари кам. Ҳаёт бешафқат. Уни чидам ва бардош, ақл ва фаросат билан яшаб ўтиш, ҳар қандай шароитда ҳам ҳалол ва ҳақгўй инсон бўлиб қолиш, ўз мустақил фикрига эга бўлиш – чексиз бахт. Буни одамийлик дейдилар. Зеро, одамийлик ўлмасин.

## СОҒИНИБ КЕЛДИМ

Таникли журналист, матбуотимиз фахрийси Тошкўзи ака Муллаевнинг «Фарғона ҳақиқати» (2009 йил 9 май сони)да босилган «Булбул сайрашини қачон эшитгансиз?» сарлавҳали мақоласини ўқиб, беихтиёр болалик йилларимни эслашга тушиб кетганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Фақат чуқур ва чексиз ҳардамхаёллик бутун хотиротимни чулғаб олгандагина ўйларим янаям тиниклашди.

Соурбулоқда, Чимқишлоқда, Бекларда, Ғайрат ва Орзи хожи қишлоқларида ажойиб боғлар бўларди. Ер бўлаклари атрофи ҳамда мевазор боғларнинг кўрки сифатида сайроқи кушлар хониши баҳордан кузгача тинмас, айниқса, май-июнь ойлари бошида булбуллар сайроғи авжига чиқар, июнь-июль ойларида кенг пахтазорлар узра айни туш пайтида тўрғайларнинг икки-уч терак бўйи баландда бир жойда соатлаб туриб сайрашлари, кумри ва саъваларнинг боғ оралаб шохдан-шоҳга чакқон кўниб сайрашлари ҳали-ҳамон эсимда.

1950-1955 йиллар. Бешболанинг ҳозирги Чархий маҳалласида яшовчи Турдинисо аммамларнинг ҳовлисида

азим бакатерак бўлиб, ёнидаги балх тути остидаги супада ўтириб, булбуллар сайрашини узоқ тинглаб тўймасдим. Бир кун шу бакатерак остидаги сояда қолиб, атиги бир қаричгина новда сурган тутнинг устига чиксам, унинг каллаги орасида тухум босиб ётган булбул бор экан. Унга нигоҳим қадалганча котдим. Миттигина, кулранг, беозор кушча мунчоққина кўзларини менга тикканча ётарди. Ҳайратдан бир зум термулиб қолгач, халакит беришни истамадимми, оҳиста пастга тушиб кетдим.

1960 йилларга келиб булбуллар сайроғи тинди. 50-йилларда ака-ука Биковлар пахта қуриши учун биноларни мослаб, унга ўрик ўтин ёқишни маслаҳат берибдилар. Шу кўйи ўрикзор боғларга кирон келди. Юз йилдан ортиқ умр кўрган ва ота-боболаримиз меросига айланган элу келажак авлодларнинг ризк-рўзи тугатилди. Булбуллар ва шу каби сайроқи кушларнинг камайишига, айрим турларининг батамом йўқолиб кетишига сабаб бўлди. Шундоққина кишлоғимизга туташ Фарғона 2-темирўл бекатида тоғ-тоғ бўлиб ётган кўмир майдаси (хока)ни ёкса ҳам бўлар эди-ку! Нега мевазорлар киркилди? Ёки бундан бошқа ёқилғи турлари йўқмиди? Ўйласам, мутеликнинг нақадар оғир дард эканлигини ҳис қилиш билан бирга, мустақилликнинг нечоғлик буюк неъмат эканлигини кўриб, шукроналик ҳисси қайноғида юрагим тошади. Табиатшунос сифатида биламанки, аввало, сайроқи кушлар, булбуллар, сўфитўрғайлар тоза ҳаволи масканни макон тутадилар. Пахтага сепилган захри қотиллар уларни иккинчи бор кириб ташлади. Қолганлари боғу роғлардан айрилди, захарланган заминни буткул тарк этди.

2007 йил ёзида, иттифоқо, кўнглимга хуш навоси билан яйроқ берувчи тўрғайни учратдим. Бу мустақиллигимиз шарофати ила таъбимиз, табиатимиз тозараётгани нишонаси эди. Беихтиёр «Хуш келибсан, кадрдоним, болалигим ҳамроҳи бўлган бўз қушим», дедим ич-ичимдан тўпкин паниб.

79-йилдан буён булбуллар хонишини кўмсаб, ҳар йил майнинг иккинчи ёки учинчи ўн кунлигини (бу даврда булбуллар кўпайиш олдидан тунни тонгга улаб узоқ хониш қиладилар) тоғлар бағрида, Ёрдонда ўтказаман. Бемор танамни-ку шифокорлар даволайди, соғинчдан бедор руҳимга эса булбуллар шифо тилайди...

*Чалгин созингни, булбул,*

*Айтгин розингни, булбул.*

*Соғиниб келдим сени,*

*Ҳуш овозингни, булбул.*

Азиз юртдошлар, табиатнинг ажралмас бир бўлагимиз. Озод юртимизни обод қилиб, уни боғ-роғлару гулзорларга буркаб, булбулларни чорлайлик. Болаларимиз она-табиатдан баҳра олсинлар. Унинг гўзаллигига гўзаллик қўшсинлар. Ахир, «Аллоҳ ўзи гўзал – у гўзалликни севади», деб бежиз айтилмаган. Сиз нима дейсиз, азизлар?

## **ЯХШИЛИКДАН ЯРАЛГАН ОЛАМ**

Фарғонамизда кўп йиллар вилоят спорт кўмитаси раҳбари бўлиб ишлаган крим-татар миллатига мансуб Сервер Аблякимов бутун миллатдошлари билан истиқлолни қувониб кутиб олди. Ватанга қайтиш эзгу орзулари эди. Муҳтарам Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан бу орзулар ушалди.

Энди қандай қилиб жўнатамиз, деган савол ўртага чиқди. Бирданига ҳаммани жўнатиб бўлмайди. Юклар учун контейнерлар зарур, қолаверса, йўл шароити... Ўша даврда вилоят ҳокими бўлиб ишлаб турган Мирзажон Исломов Республика раҳбарияти билан келишиб, ўринбосар ва дахлдор ташкилотлар раҳбарлари билан кенгашиб, ташкилий равишда гуруҳ-гуруҳ бўлиб жўнатиш маъқул кўрилди ва бу ишга Сервер Аблякимов бошлиқ этиб тайинланди.



Сервер ҳар гал ватандошлари гуруҳини юртига элтиб қайтгач, албатта олдимизга кирар ва бутун тафсилотларни айтиб берар эди. Ва ниҳоят, охириги гуруҳни олиб, ўзи ҳам жўнаши арафасида юртбошимиз ва вилоятимиз раҳбариятига чексиз миннатдорчилик билдирди.

– Омон ака, Қримда ватандошлар ўзбек номига, Ўзбекистон номига ҳайкал кўямиз, демоқдалар. Дастлаб ватандан кўчирма қилинганларида йўлда 46 фоиз миллатдошларимиз очлик ва касалликдан ўлиб кетган эканлар. Ўша пайтда ўлмайд қолган ҳар бир қрим-татари ўзбекнинг муруввати ва оқибати олдида қарздордир. Шунинг учун ҳам юракларига кўйилган ҳайкал рамзини тикламоқликларини изҳор қилдилар, – деди у кўзлари намга тўлганча.

Мен:

– Сервер, дўстим, тақдир экан. Шунча йил бирга яшаб, биродарлигимиз куда-андачиликка бориб етди. Қон-қардош бўлдик. Энди сизлар кетаётибсизлар. Шу йиллар ичида Ватан соғинчини дилида асраб, армон билан ҳаётдан кўз юмган ота-она, миллатдошларингиз бизнинг ота-момоларимиз қатори бир қабристонда ётибдилар. Энди биз ўтганларимизни йўқлай олмаймиз, деб хаёл қилманглар. Биз қариндош-қондошлар бўлдик. Ватандошларга айтинг, биз уларни ёлғизлатиб қўймаймиз. Ўз яқинларимиз қатори зиёрат қилиб, доимо дуода бўламиз. Биз учун бегона қабр йўқ, – дедим.

Дўстим миннатдорчилигини сўз билан ифодалай олмас, кўлларимни маҳкам ушлаб, кўзларида қувонч ёшлари билан давлатимиз раҳбарларига тинмай раҳмат айтарди. Кучок очиб хайрлашар, беш-ўн одим юриб, орқасига қайтганча югуриб келиб бағрига босар, менинг ҳам ғайрат-шижоатли биродаримдан ажралгим келмасди. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири устоз Ҳабиб Саъдулланинг: «Менинг кузатгим йўқ, сенинг ҳеч кетгинг» деган сатрлари ёдимга келди. Сервер эллик одимча юриб, ортига қаради, кузатиб турганимни кўриб

тўхтаб қолди. Беихтиёр иккимиз бир-биримизга талпиниб, сўнги бора кучоқлашиб хайрлашдик.

Кўнглимнинг бир чети хувиллаб қолди. Лекин «Дўстим она тупроғига қайтди, орзулари ушалди», деган юпанч тасалли берарди менга.

## ҚЎША ҚАРИГАНЛАР

*(Қадрдоним Матлубанинг ҳикояси)*

1998 йил – «Оила йили» муносабати билан жамият илдизи бўлган оила ҳақида, унинг тотувлиги ва фаровонлиги, қўша қариган, пиру бадавлат инсонлар ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдик.

Минг шукрларким, Олтиариқнинг Файзиобод қишлоғида истиқомат қилаётган оила соҳиблари – Деҳқонбой Аҳмедов ва Пўлатой Нишонбой қизи ҳам ана шундай улуг ва машаққатли меҳнат самарасидан кутлуғ бахтга муяссар бўлганлардан. Улар менинг ота-онам. Отам етмиш олти ёшга кадам қўйдилар, онам эса етмиш беш ёшдалар. Улар айни уруш, қийинчилик ва қашшоқлик даври 1943 йилда турмуш қуришган. 1993 йилнинг ноябрида эса ўзларининг «олтин тўй»ларини саккиз фарзанди, тўрт келини, тўрт куёви, қирқдан зиёд набиралари, ўндан зиёд чеваралари даврасида нишонладилар.

Отам – илмга қизиққан инсон. Илк таълимини Марғилон педагогика техникумида олган. Ўз қишлоғидаги 16-ўрта мактабнинг биринчи директори бўлган. «Сенинг саводинг бор, ҳисоб-китоб ишларини яхши биласан», деб раис Бозорбой Отақулов ўша пайтдаги «Янги турмуш» колхозига ишга чақиради. Кейинчалик ҳисобчилик отамнинг бир умрлик суюкли касби бўлиб қолади.

Иккинчи жаҳон урушининг қонли йўлларини кечган, шу уруш ногирони, ўк излари қўлларида, кўзларида ўз изини

қолдирган отам омон қолган кунларини бир умр одамларга, фарзандларига бағишлаб яшаб келмоқда. Айни қирқ ёшида, илм оладиган чоғлари ортда қолган ёшида ҳеч иккиланмай, Тошкент халқ хўжалиги институтига сиртдан кириб, олий маълумотли иқтисодчи бўлди.

Фарғона районида конструктор, «Ворошилов» колхозида, Лоғондаги колхозда ҳисобчи, узоқ йиллар давомида вилоят статистика бошқармасида бўлим бошлиғи бўлиб ишладилар. Отам ҳақидаги миннатдорликларни кўп эшитганман. «Биз колхозда шунча ишлаб, кўлимиз пул кўрмаган эди, – дейишганди лоғонликлар. – Дехқонбой ҳисобчи бўлиб келди-ю, кўлимиз пул кўрди, уйимиз буғдойга тўлди».

Нафақа ёшига етганидан кейин Фарғона туман газлаштириш идорасига бошлиқ этиб тайинладилар. Ўн икки йил шу соҳада ишлаб, бу ерда ҳам дуо олди...

Отамнинг болалиги колхозлаштириш, «қулоқларни тугатиш» йилларига тўғри келди. Отаси (бобом) бир парча ери бўлганлиги учун 1933 йилда қулоқ қилинган. Ўн ёшида етим қолган отам ҳаётда фақат ўзига ўзи йўл очди. Айни ўн етти ёшида урушга кетди. Уруш жароҳатларини вужудида кўтариб, ўзини меҳнатга урганда фарзандларига суннат тўйи қилгани учун партиянинг зуғумларига дучор бўлди. Бу умрнинг ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзаси – бир саҳифа бўлгудек. Бирок оила, оиладаги меҳр-муҳаббат отамга тиргак бўлгани рост. Биз уйда ҳамиша отамнинг қаттиқ «сиёсат»ини, онамизнинг чексиз меҳр-муҳаббатини кўрдик.

Эллик беш йил яшаб, ҳамон бир-бирига тўймаган, бир-бирининг маслаҳатсиз иш тутмайдиган, бир-бири билан суҳбатлашиб гаплари тугамайдиган, бир-бирини кўрганда кўзлари кувониб, чехралари очилиб кетадиган, кексайганда бир-бирларига суяниб-суяниб кўша қариганлар – ана ўшалар отам Дехқонбой ва онам Пўлатойлардир.

Ўз кузатишим бўйича айтсам, кўша қариш учун оилага

эркакнинг садоқати, аёлнинг эса буюк муҳаббати керакдир. Садоқат сушт бўлса, муҳаббатга ғубор қўнса, бу улуғ жуфтлик ҳам дарз кетади.

«Бор, бувингдан хабар ол-чи», деган гапни отам бир кунда икки-уч такрорлайди. Онам «Бор-чи, даданг ухляптимикан?», «Бор, дадангга тўнини олиб чиқ, совқотиб қолмасин», «Дадангга ўрик ивигдиларингми?», «Овқатнинг тузини баланд қилма, даданг ёқтирмайди», «Дадангнинг оёғини укала» каби сўзларни такрорлаб чарчамайдилар. Бир кунда «даданг» деган улуғ сўзни юз бора такрорлаб, юз бора ҳузур қилади, шу сўздан роҳат олади, кўнгли бутун, умрига умр, соғлигига соғлик қўшилади. Уларга қараб туриб: «Отажоним, онажоним – жоним ичра кўш чинорим», дея кўксим тоғдек кўтарилади. Уларнинг ҳамиша бошимизда соябон бўлишини Оллоҳдан тилаб-тилаб қоламан.

## МЕХҲ

Ўзбек ўзига хос хислати, ўзбекона лутфи карами билан ўзбек деган миллий эътироф ва эҳтиромга эга. Ҳар бир хислатнинг аввали илиқ меҳрдан, оқибатдан кўз очади, дегим келади доим. Бир даврада биродаримиз: «Кўз шифохонасида кўзойнак дўкони очилибди. Сиз ҳам бир кўрсангиз эди дегандим. Ҳаммасидан ҳам сотувчиси яхши йигит экан», деб қолди.

Ғойибона умид билан ўша «яхши йигит» истикболига ошиқдим. Шинам дўконда ким шприц, ким дори-дармон харид қилмоқда. Нархи назаримда андак баландроқдек туюлса-да, биродаримнинг таърифи бу ҳақда ўйлашга изн бермади. Шу хаёл билан навбатим келганини пайқамабман ҳам. Мақтов сатрлари гавдаланган «яхши йигит»дан: «Бошқа дўкондан сотиб олган кўзойнагим тушмаётганга ўхшайди-да,

Ўғлим, шуни кўриб берсангиз», деб илтимос қилдим. Йигит узатган кўзойнагимни истамайгина қўлимдан олиб кўргач: «Буни тақиш сизга анча юқорилик қилади-да. Аммо сиз бопи бор, мана, худди шу!» – деб бошқасини олиб кўрсатди. Такдим, маъқул келди. Шуни алиштириб берсангиз, деган илтимосимга кибр билан: «Биз фақат сотамиз деб ўтирибмиз», – деди оҳангига бироз тўнғиллаш бериб. Мен фарқи бўлса тўлашимни айтганимда тесқари ўтирилиб, менсимаган кўйи ўз ишига машғул бўла кетди. Ноқулай вазият вужудимни кезганидан бироз нохуш туриб қолсам-да, бир сўз демай ташқари одимладим. Совуқ муносабат бирпасда таъбимни хира қилганидан дилим озор топди. Шу топда негадир дўкон томонга бир сидра боқиб кўйишгаям ориятим йўл бермас, хаёлимдан эса биродаримнинг алқашига қоришиқ ҳозирги бемуносиб лавҳа лаҳзаси бир-бир ўтганча изимга қайтдим.

Йўлда учраган бир ҳамқасбим таъбимга таажжубланиб сўраб қолди. Мен бўлган воқеани айтганимда, у: «Сиз гул бозори ёнидаги дўконга учранг. Сотувчи аёлнинг тилидан гўё бол томади, мана кўрасиз. Матоҳлариям анча арзон», деди жон дилдан илиниб.

Кўрсатилган дўконга салом бериб, кириб борганимда мижозлар билан муомала қилаётган хушрўйгина аёл дарҳол алик олиб, бироз сабр қиласиз, отажон, дея узрнамо тарзда илтижоли қарабқўйди. Кўнглим кўтарилгандек бўлди. Сотувчи аёл ҳар бир мижозини «келиб туринг», «саломат бўлинг» деган буғдой сўзлар билан кузатаркан, менга юзланди. Муддаоимни айтдим. Сўзим тугамаёқ, уч-тўрт хил кўзойнақларни олдимга тез териб кўйиб, бемалол танлайверинг, отажон, деди. Танлаб олдим-да, нарх фарқини сўрадим. Сотувчи гўё қирк йиллик кадрдондай муомала қилиб: «Нархида фарқ йўқ. Тушадиганини бемалол олаверинг», – деганида қулоқларимга ишонмаган кўйи минг таажжуб ҳамда ҳайратда тикилганча қолганим ва қанча дақиқа шундай турганлигимниям

билмадим. Фақатгина тилимга «Умрингиздан барака топинг, қизим, савдоингиз бароридан келсин доим», деган сўзлар тизилиб, кушдек енгил тортганча йўлга равона бўлдим.

Икки одам, икки олам, икки хил муомала... Бири юракка муз ушатади, бири чексиз қувонч бахш этади. Бундай инсонлар билан суҳбатлашилса, юракда ёруғлик ўйноқлаб, хуш кайфият, яшаш-яратиш иштиёқи туғилади. Ҳаётга муҳаббат уйғотувчи бу сеҳрни чашмаи меҳр деб такрор ва такрор атагинг, айтгинг келади. Дил-дилингдан эса: «Меҳрли бўлинг, одамлар! Инсон кадр-қимматини эъзоз билинглар!» – дея нидо қилгинг, ҳайкиргинг келади...

## НАЗАРҚАРДА

Ўрта мактабни 1959 йили тамомлаб, Қўқон автойўл билимгоҳига ҳужжат топширдим. Назиржон устознинг тиббиёт билимгоҳида таҳсил олаётганини эшитиб, ахтариб бордим. Билимгоҳ спорт майдончаси қирғоғидаги чинор соясида беш-ўн чоғли курсдошлари билан суҳбатлашиб турган экан. Устида оқ пўлатранг шоҳидан костюм-шим, бошида кўқонча дўппи. Ҳа, асл ўзбек йигити экан, деб олдиларига бормай қайтгандим ўшанда. Чунки таниш эмаслигим боис суҳбатларини бўлишга истиҳола қилгандим. Кунларнинг бирида радиодан худди баҳорнинг булутли осмонини ёриб, бутун оламни нурафшон қилган куёшдай чараклаб куйидаги кўшиқ янгради:

*Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди,*

*Тушгач нигоҳи менга таъзим бажолаб ўтди...*

Бу бир мени эмас, бутун кўшиқсеварлар қалбини ларзага солди.

*Таъзимига эгиб бош ҳурмат ишора этсам,*

*Мастана кўз учун-да шарму ҳаёлаб ўтди.*

*Сумбулни бўйи тарқаб олам мунаввар ўлди,  
Сочи магар чамандин гулни аролаб ўтди.*

*Кўз эрди интизори кўрмакка зори кўнгил,  
Кўрсатди ойжамолин қалбим жилолаб ўтди.*

*Бир зумда кўздан учди, гўё фалакни қучди,  
Ё гул уни яширди ёким ҳаволаб ўтди...*

Улуғ устоз Чархий домланинг қаламидан тўкилган дурлардан шода маржон кўшиқ яратган хонандага юз чандон меҳрим ортди. Унинг ижро этган барча кўшиқларини магнит тасмаларига ёзиб, ҳозиргача жон қулоғим билан тинглаб юраман.

*Ишқ оламида, Чархий, сабрингга офарин деб,  
Нозик табассум ила ишқим баҳолаб ўтди.*

Накадар диловар кўшиқ. Бу ижро ва байт хонандани ҳам, шоирни ҳам кўшиқсеварлар кўнглининг меҳробига кўтарди. Кўшиқ ижрочиси Назиржон Назаров бўлиб танилди. Эл назарига тушди. Ҳар йили ўтказиладиган вилоят хаваскорлари танловининг якуний босқичида иштирок этар ва ҳар гал совринга сазовор бўлар эди. У атоқли санъаткор Таваккал Қодировнинг шайдои мухлисига айланди. Вилоят марказида бўлаётган санъат байрамида шоир Убайдулло Завкий қаламига мансуб «Айлаб келинг» кўшиғини устоз ижроларида эшитиб, тамоман лол қолади ва Кўқонга етиб, адабиётшунос устози хонадонига боради. Завкий баёзини сўрайди. Гап нимадалигини билган устоз китоб жавонидан шоир Завкий тўпламини қўлига тутди.

Бу баёзни авайлаб «Айлаб келинг» шеърини ёзиб олиб, бир йил давомида тайёргарлик кўради ва навбатдаги вилоят танловида ҳакамлар сўровига кўра шу кўшиқни қайта-қайта уч бора ижро этади. Шундан сўнг, бир овоздан кўрик-танлов ғолиби деб эълон қилинади. Ҳакамлар ҳайъати қаторида

иштирок этаётган Таваккал Қодиров кўшиқчини қутлаб, унга оқ йўл тилайди ва созанда ҳамроҳлари билан хонадонига чорлаб меҳмон қилади. Дуо билан кузатиб кўяди.

Хонанда изланишдан толмади. Устоз дуоси унга қанот бўлди. Бир-биридан гўзал янги кўшиқлар яратди. Шу билан бирга илм йўлида ҳам собитликда турди. Тиббиёт билимгоҳини тугаллаб, Муқимий номидаги Қўқон педагогика институтининг тил ва адабиёт бўлимига ҳужжат топширди. Олийгоҳни чуқур билими билан имтиёзли тугаллади. Тинимсиз изланишлар ўз мевасини берди. Устоз таниқли олим бўлиб олам чироқлари сафидан ўрин олди. Уни олам таниди. Хонанда олим бўлиб миллатимизнинг фахрига айланди. Буларнинг барчаси: улуғлар назари, устозлар дуолари ижобати йўлида қилган шарафли меҳнатининг маҳсули.

Айни чоғда Назиржон устоз ижодий таътилда (нафақада). Бироқ устоз ижод йўлида сира толмайди. Ҳамон қўлда қалам билан оппоқ тонгни кутиб олади. Янгидан-янги бадиалар, шеърлар ёзади. Бастакор бўлиб кўшиқлар яратиш, ўтган улуғ шоирлар, ҳофизлар таваллуд кунларини нишонлашга бош бўлиб, устозлар руҳини шод қилишга уринади. Устознинг атрофида ҳамиша шогирдлари ва мухлислари парвона. Серқирра ижодкордан доимо янги-янги асарлар кутадилар. Мен ҳам бир мухлиси сифатида ҳамиша умриободлик ва фаровонлик тилаб, худо ярлақасин сизни, дейман.





## БУЛБУЛҚОРИ ҲАҚИДА

Журналист Собиржон Асқаровнинг «Ўзбекистон булбули» тарихий очеркидаги деҳқонтўдалиқ мулла Орифжон Азимбой ўғли шундай хикоя қилади:

«30-йилларда Тошкентнинг эски шаҳаридаги Жангоб деган боғида кўп сайллар бўлиб турарди. У ерга бир иш билан борганимда шу сайллардан бирига рўпара келдим. «Жангобга Ҳамрокул қори келармиш» деган овоза тарқагани учунми, бокка томошабин ҳар қачонгидан ҳам кўп тўпланган.

Кенг давра ичида санъаткорлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтиришар, ашулачилар навбатма-навбат давра айланиб, ялла қилишарди. Концерт узоқ давом этди. Ҳамрокул қори ўртага чиққанида томошабинлар шодликдан қийқириб юборишди. Янги сўз, янги оҳанг билан ашула айтиш шарт қилиб қўйилган экан. Бошқаларнинг ашуласи тугаб қолди шекилли, даврага чиқолмай қолишди. Ҳамрокул қори эса қўлида тутиб турган ликопчасини чертиб, янгидан-янги ашулаларни айтишда давом этарди. Боғда одам кўп бўлишига қарамай, сув сепгандай жимжитлик ҳукм суради. Фақат Ҳамрокул қорининг мафтун этувчи ширадор овози мана шу сокинликни ўз жананги билан жиловлаб турарди...



Томошабинлар қўшиқ узилишини исташмас, бироқ ҳар ниманинг ибтидоси ва интиҳоси бўлгани каби сўнгги қўшиқ маромига етгач, минг олқишлар-ла Ҳамрокул қорини кучоқ очиб табриклашди...»



## II. УСТОЗЛАР БИСОТИДАН

*Оташзабон шоир, қайдасан,  
Қайдасан, эй, ўйноқи ҳофиз?  
Сен излаган париваш йиғлар  
Куйқутига босганича юз...*

(Мақсуда Эргашева)



## «НАФАҚАДАМАН, ДЕМАК ЭЪЗОЗДАМАН»

*дейди ижтимоий таъминот соҳасида қарийб 40 йил меҳнат қилган камтарин инсон Абдуқаҳҳор Йўлдошев.*

Жалолиддин Румий ҳазратлари айтадилар: «Эй, саломатликни, тинч ва роҳатда умр кўришни истаган одам, одобга хилоф сўзлашдан, мағрурлик ва такаббурликдан ҳазар қил. Қалб ҳасад ва иғводан холи бўлсин».

Ажойиб воиз, шоир Омонжон ака Ҳошимов: «Азизларим, ҳазратнинг ана шу дурдона сўзларига амал қилиб кам бўлмаган, бугунги кунда тинч ва роҳатда умр кечираётган пенсионер дўстларимиз Абдуқаҳҳор Йўлдошевни яхши биласизлар. Келинлар, шу кишини кўриб келамиз», – деб қолишди. Абдуқаҳҳор ака кучоқ очиб кутиб олди. Чиндан ҳам, бу одамга ҳавас қилса арзийди. Нега десангиз, ҳаётининг асосий қисмини кексаларнинг бахту саодати йўлига, уларга эъзоз, ғамхўрлик кўрсатиш ишига бахш этган, камтарин, хокисор бу инсон на такаббурликни, на беодоб сўзни, на ҳасаду иғвони билади. Қалби ҳаммага очиқ, йиқилганни суяб тургазади, кўмак сўраганга ёрдам қўлини чўзади. Мана, уч йилдирки, ўзи ҳам пенсияда, фахрийлар сафида.

– Босиб ўтган ҳаёт йўлимдан мамнунман, нафақадаман, демак эъзоздаман, – дейди Абдуқаҳҳор Йўлдошев, – Шукрим, улуғ инсонлар билан ёнма-ён, бирга ишлаш насиб этди. Абдусамат Маҳмудов, Юсуф ака Маҳмудов, Усмонали Бегматов сингари фидойи устозлар қўл остида ишладим. Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин.

1973 йил январни эди ўшанда. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармасида иш бор, дейишди. Ҳуқуқшунослик техникумини тугатганман, бордим. Раҳматли Ҳамида Алимова бошлиқ экан. «Ҳужжатларни тайёрланг, ишга

оламиз», дейишди. Пенсия бўлимида Камолжон ака Йўлчиев, умумий бўлимда Раиса опа Хисомиддинова ишлашар экан. Раиса опа менга соҳа меҳнатининг оғирлигини тушунтирди:

– Ука, ёш экансиз. Уйланишингиз керак, кўп-кўп ойлик иш ҳақи оладиган жой керак сизга. Афсуски, бизда маош жуда оз. Бу ойдан нариги ойга етказишингиз қийин. Аммо сабр-қаноатли бўлсангиз, кейин-кейин яхши бўлиб кетади. Уйдагилар билан маслаҳатлашинг, ҳали кеч эмас.

Ўқитувчиларимизнинг «дарахт бир ерда кўкаради, сабрли бўлинглар» деган сўзлари қулоғимизга қуйилиб қолган экан. Шу соҳада ишлайман, деб қаттиқ жазм қилганимни айтдим ва инспектор вазифасида иш бошладим. Хужжатлар билан ишлаш, пенсияларни ҳисоблаш, тайинлаш, фуқароларни қабул қилиш, кексаларга кўмак бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва шу сингари ишимизнинг нозик томонларини пухта ўргандим.

1978 йил май ойида вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига бошлиқ ўринбосари этиб тайинлашди. Устоз Исмоил ака Қурбоновнинг даъвати ва талаби билан сиртдан ўқишга кириб, олий маълумот олдим. Соҳада йигирма йил бошлиқ ўринбосари, тўрт йил бошлиқ бўлиб ишладим. Умр йўлимда ўн йил Усмонжон ака Бегматов билан ишлаб, кўп нарсани ўргандим. «Вақтни беҳуда ўтказманг, мақсадни аниқ қўйинг, мантиққа таяниб иш кўринг, – дерди у киши. – Айниқса, беморлар, ногиронлар ҳолидан эринмай хабар олинг». Олган сабоқларим ҳамма жойда асқотди.

«Ёшлар орзу билан, кексалар хотира билан яшайди», деган гапда жон бор. Кўп орзуларни рўёбга чиқарганимизни бугун ёруғ юз билан эслайман. 1979 йил 9 майда Олтиариқда Қизилтепа фахрийлар санаторийсини очдик. Ўша пайтдаги Ижтимоий таъминот вазири Васида Содиқова, вазир

ўринбосари Қамара опа Маҳкамовалар алоҳида жонкуярлик қилишди. Вилоят, туман раҳбарлари ёрдам беришди. Раҳматли Зафаржон ака Менгалиев директор этиб тайинланди. Ҳозирги кунда ҳам санаторий кексаларимизга беминнат хизмат қилиб келяпти...

Абдуқаҳҳор Йўлдошев мустақиллик йилларида шаҳар, туман ижтимоий таъминот бўлимларининг иқтисодий салоҳияти ўсганлиги, моддий базаси кучайганлигини алоҳида айтиб ўтди. Айниқса, «Саховат», «Мурувват» уйлари таъмирланиб, таъминоти яхшиланди. Ҳалол меҳнат улуғлади: Абдуқаҳҳор дўстлар, шогирдлар орттирди. Марҳум Бектош ака Дурсунов, Аъзамжон Охунжоновларни самимият билан эслайди.

Ижтимоий таъминот соҳасида Самарахон Тожиматова, Дилоромхон Аҳмедова, Мавлон Шокиров, Қобилжон Комилов, Адҳамжон Раҳмонов, Муқимжон Аҳмедов, Авазбек Тожиев сингари билимдонлар меҳнати ва заҳматини асло унутиб бўлмайди. Уларнинг айримлари пенсияда, айримлари эса ҳамон меҳнат қилиб келишяпти.

Вилоят фахрийларининг газетаси – «Меҳр ёғдуси»ни ташкил этишда Абдуқаҳҳор Йўлдошевнинг алоҳида ҳиссаси бор. Номини кўйишдан тортиб, газетанинг фахрийларга ёкадиган, ўқимишли, қизиқарли бўлишида ҳам унинг хизматлари бисёр.

– Вилоят почтаси соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган Нўъмонжон ака Каримов, пенсия жамғармасида, сўнг Меҳнат бошқармасида ишлаб пенсияга чиққан Тохиржон Ғозиев сингари дўстларимга қойил қоламан, – дейди Абдуқаҳҳор ака жилмайиб. – Мана, Омонжон ака улар каби ҳамиша ёш, бардам кўринади. Шулардай бўлишга интиламан. «Меҳр ёғдуси»га ҳам меҳрлари бўлакча.

Фарғонанинг Тотувлик кўчаси, 31-уйида турмуш ўртоғи Зулфияхон билан тотув яшаб, уч қиз ва бир ўғилни ўстириб, турмушга узатиб, уйли-жойли қилган бу оилага ҳавасингиз келади. Соғ-саломат, роҳатда умр кечирганлари бардавом бўлсин.

*Толибжон ТУРСУНОВ,  
Расулжон КАМОЛОВ.*

### **ЗУМРАД МАЙСАЛАРДА БИЛЛУРИЙ СИРҒА...**

Француз адиби Анатолий Франсининг «Башарият тарихи» асари Толиб Турсунга ёқиб қолди. Ва ўзи муҳаррирлик қилаётган «Меҳр ёғдуси»да босиб чиқарди. У ўз ижодида пурмаъно ихчамликни жуда-жуда қадрлайди. Ҳаёт кечинмаларини «чертиб-чертиб», энг «жаранглаган» жойини топиб қаламга олади. «Кўқон» деган етти байтдан иборат шеърини бунга мисол қилиб кўрсатса бўлади. Сирасини айтганда, асардаги ҳар бир ишорат изоҳига бус-бутун роман бағишласа мумкинدير. Унда кўҳна шаҳарнинг ўтмиши, бугуни, «латиф» деган таърифга мушарраф этган ички дунёси балқиб туради.

Бунга муаллифнинг кўп нарсалардан хабардорлиги, сўзга хассос, зукко шоирлиги имкон берган. Тарихда ўз ўрни, ўз салоҳиятига эга бўлган бу диёр қанча алғов-далғов замонларни бошдан ўтказмасин, Яратганнинг инояти билан, унга аталган ёруғ юлдуз бор. У ҳамиша аҳли Кўқон кўнглини мунаввар этиб туради. Юрт файзини, инсон шаънини куйловчи шоирлари қайноқ ашъорлар битади. Зиёли кишилари, заҳматқаш одамлари изланиб, яратиб, илму-уммонга мадад, ҳаётга сайқал бағишлайди.

Шаҳри латифнинг гуркираган овози, назмда келтирилган гавҳари, кишвари, ахтари, пайкари, Анвари, меҳвари, Дилбари, заргари сингари чиройли, куйма, қофиябанд сўзлар дилингизга муҳрланиб қолади.

– Шеърингизда ҳозирги вақтда кам қўлланадиган сўзлар бор, – десак, «Ҳа, асли арабий-форсий бўлган, китобий сўзларни ҳам ишлатдим. Чунки чуқур, рамзий маъноларни уларсиз ифода қилиб бўлмайдиган кўринди. Бунинг нимаси ёмон, ҳамма билсин, керакли жойда қўлласин», – дейди у.

Масалан: «кишвар» – мамлакат, юрт, Ватан, ўлка, диёр маъноларини англатади.

*Шаҳри латиф дегайлар, гавҳари бор Қўқоннинг,*

*Тарих китоби ичра кишвари бор Қўқоннинг*

байтидаги «гавҳари» сўзи ўтмишдаги давлатчилик салтанатининг қувончли ва аянчли тажрибаларига ишорадир.

Ёки:

*Оламга солиб довруз, ўтди қанча хону-бек,*

*Аслида-чи порлаган ахтари бор Қўқоннинг*

байтидаги «ахтар» – ёруғ юлдуз дегани. Бу юртнинг толе юлдузини тақдир порлатиб қўйган экан. Бугун қўқонликлар ҳам ёруғ юз билан Истиклол йўлидан шахдам қадамлар билан боришмоқда. Ёки:

*Шеър аҳли ҳавас қилгай Фурқату Муқимийга,*

*Чархий дилин очсангиз, меҳвари бор Қўқоннинг...*

Байтидаги «меҳвар» – аслида Ер ўқи, ўқ томир, туб, ўзақ маъноларини беради.

Шеърда эса икки изоҳни ҳавола қилади. Биринчидан, Қўқон адабий мактабининг йирик намояндаси шоир Асқарали Ҳамролиев «Чархий» таҳаллусини бежиз қабул қилмаган. Чархнинг мустаҳкам ўқи туфайли жавлон уриб пириллайди,

ипак калавалар ҳосил қилади. Биламизки, ипак – ҳузурбахш, гўзал нарса. Она сайёрамиз ўз «ўқи» атрофида чарх уриб, айланаб туришини ҳам яхши биламиз.

Иккинчидан, Чархий ижодига, шогирдлари ашъорига назар солсак, Кўкон шеърияти анъаналари, навосозлик ришталари давом этаётганини кўрамиз. Бу – ўша бадийлик меҳвари – ўк томирдан таралмоқда.

Шеърда Қодирий жону-жаҳонини эгаллаган, китобхонларни мафтун этган қаҳрамонлар – Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно ҳақидаги қиссаларни ҳада этган Марғилону Кўқоннинг чиройли рақобати ҳам лутфга олинган.

*Кумуш бу Марғилондан, деб сиз сира ўқсиманг,*

*Раъно деган гулпари – пайкари бор Кўқоннинг!*

*Қодирий жаҳонини эгалламыш Отабек,*

*Анга зиё бергувчи Анвари бор Кўқоннинг...*

Муаллиф бу лутф орқали ҳар қандай хусну-жамол – куёш янглиғ маърифат нуридан мунаввардир, комилдир, демокчи.

*Назиржон оҳанги соз, Саид Ғани назми рост,*

*Шеърга ҳарир кийдирган Дилбари бор Кўқоннинг.*

*Бир лутф этиб Кўқонга, мақтан-а асти, Толиб,*

*Анвар Юнус каби сўз заргари бор Кўқоннинг.*

Бу якуний байтда ҳам муаллиф ўзини ғоят камтар тутиб, Кўкон сўз санъатини улуғлади.

Орадан йил ўтиб, Анвар Юнуснинг «Бир ҳовуч дур» деган мўъжаз шеърий китоби чиқди. Сўз заргари нақш этган жавҳар тўртликларни ўқиб, ўзига сигмай қолди Толиб Турсун. Таассуротларини ихчам сатрларга тўкиб, китобдан намуналар келтириб, «Меҳр ёғдуси» муштарийларига етказди. «Ажойиб, мағзи тўқ, тилла сатрлар...» дея дил кувончларини баҳам кўрди.



Толиб Турсуннинг ўзи яратган сатрлари ҳақида ҳам худди шу сўзларни айтса бўлади. «Гўзал бир дунё» деган тўпلامда фарғоналик етмишдан ортиқ шоирларнинг шеърларидан намуналар берилган. Унда Толиб Турсуннинг «Темир йўл», «Ой чикяпти», «Чинор», «Шабнам», «Кузнинг сўнгги куни» каби қатор шеърларини ўқишингиз мумкин.

*Зумрад майсаларда биллурий сирга,*

*Гўё гўдак тўккан лаҳзалик кўз ёш...*

Сақкиз сатрдан иборат «Шабнам» назмида ана шундай чиройли киёс – табиат поклиги-ю, инсон беғуборлигидаги уйғунлик талқини бор.

Муаллифнинг очерк, лавҳа, публицистик асарларида ҳам шу каби «чақмоқ» тасвирлар бисёрки, кўнглингиз равшан тортиб кетади. Мисол учун: «Қашқадарё кенгликларида» деган сафар очеркини маза қилиб ўқийсиз. Мамлакатимизнинг бу жанубий ўлкаси обод, қудратли ўлкага айланганини аниқ мисоллар, фактлар, киёсий таҳлиллар асосида яққол кўрсатиб беради.

«Куёшга қараган уй» очерки ёзилганига анча йиллар бўлди. Аммо хали-хануз уни эслаймиз. Бу асар воқеасини Толиб Турсун Олтиарикнинг Қапчуғай қишлоғидан олган бўлиб, гўша аҳолиси ўтроқлашиб, бу жойни жаннатмакон манзилга айлантиргани жонли тасвирлаб берилган эди.

Ўзаро гурунларда «Толибжон оз ёзади, ёзганда ҳам соз ёзади» деган гап юради. Бундай нозиктаъб, қуйма ижод қандай шаклланди экан? Аслида зуваласи ўзи шунақа. Аммо олтмиш йиллик ҳаётида қаламкашлик тақдирини ёритган баъзи жиҳатларни эслаш ўринли бўлади.

Бўлғуси журналист ва шоир серфарзанд, сермеҳнат хонадонда улғайди. Отаси Турғунбой Турсунов Сармозорнинг

энг пеш механизаторларидан эди. Кенг далаларни трактор овозига тўлдириб тер тўкарди. Эҳтимол, шу заҳматлар шавки ўсмир кўнглига илҳом бўлиб, кўшиқ бўлиб тўкилгандир. Ёзишга ҳавасмандлик ўша кезларда куртак отгандир. Тоғасининг биродари Карим Муқумбоев хонадонида яшаб, Фарғона пединститутида таҳсил олган йиллари илк ижодий машқлари матбуотда кўринди. Кейинчалик кўриқ туман – Ёзёвонда «Марказий Фарғона» газетаси очилиб, Толиб Турсун муҳаррирлик қилди. «Тошлоқ тонги»да муҳаррир, вилоят газетасида бўлим мудури бўлиб ишлаган пайтларида ижодий жамоанинг энг изланувчан ижодкори бўлиб эътибор топди.

Собиқ шўро даврида тошлоқликлар фарзандлари ҳарбий хизматни ўтаётган қисмларга ўз вакилларини юборишди. Толиб Турсун ҳам гуруҳ таркибида Волгабўйи, Уралдаги қисмларда бўлди. Ва бу гуруҳ муҳим миссияни бажарди. Ҳарбий генераллар билан мулоқотда бўлиб, қатор муаммоларни ҳал қилиб қайтишди. Журналист ўз таассуротларини матбуотда ёритди.

– Бир гуруҳ журналистлар билан Ҳиндистонга сафар қилганимизда, хиндулар мени ўзлариники қилиб олишди. Сабаби, бўйнимизга гуллар шодасини илиб, пешонамизга «учинчи кўз» рамзи – қизғиш хол кўйганларида, хинд одами бўлдим-қолдим. Улар ҳам кўзлари ёниб, ажойиб самимият кўрсатишди. Ўша мароқли саёҳат бир умр ёдимда қолган, – дейди Толиб Турсун у ерда кўрган қизиқ-қизик воқеаларни эслаб.



Ҳа, журналист улкан мамлакат одамлари, бобурийлардан қолган ноёб обидалар, Ватан соғинчи ҳақида шундай самимият билан ёздики, газетхонлар саёҳатномани худди

ўзлари иштирок қилаётгандай мароқ билан ўқишди.

Унинг «Бир кучок нур» очерки электроника соҳасида янгиликлар кашф қилиб, илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фан доктори, профессор, юртдошимиз Мухсин Мухиддиновнинг заҳматли ҳаёти ҳақида эди. Исфайрам, Шохимардон, Сўх, Исфара дарёлари мироблари ҳақида ҳамкорликда ёзган очерклари эса «Дарё одамлари» рисоласи сифатида дунёга келди.

Ўз умрининг етуклик фаслига етган Толиб Турсун аҳил, файз-баракотли хонадон соҳиби. Нуронийлар жамоатининг навкирон сафдоши. Журналистлар ижодий уюшмасининг фаол аъзоси. Фахрийлар газетаси – «Меҳр ёғдуси»нинг биринчи ва ўн икки йиллик муҳаррири. Унинг ёзганлари, топиб айтган сўзлари – биллурий томчилар каби саҳифаларни безаб, шууримизни ёриштириб келмоқда.

*Аъзамжон ОРТИҚОВ, матбуот фахрийси.*



### III. ТАВАККАЛ ҚОДИРОВНИ ХОТИРЛАБ...

*Навоий ноласи, Машираб фигони  
Сирли пардаларда янграган они,  
Буткул асир этган тинглаган жонни,  
Ҳайроналар айлаб жумла жаҳонни,  
Ўзинг берган эдинг, ўзингсан ҳакам!  
Шавқи дунёларга сизмаган акам...*



## ШАЙДОЛИК МЕҲРИ

Андижоннинг Пиёзпоя маҳалласида яшаган Авазбек исмли муҳлис Таваккал Қодировга йигирма беш йил овоз кучайтиргич билан хизмат қилган экан. Ҳар куни ижро этилган жами кўшиқларни магнит тасмасига ёзиб бораркан. Умр вафо қилмай қирк беш ёшида бедаво дардга мубтало бўлиб, 2004 йилда вафот этади. Айтишларича, туну кун унинг хонадонидан Таваккал Қодир кўшиқлари янграб туради... Умрининг охири кунларида магнитофонга устоз кўшиқларини кўйиб, кейин сўнгги йўлга кузатиб кўйишларини тилаб, жон берган экан. Ўғлига ҳам устоз розилигини олиб Таваккалжон деб ном кўйган, бир умр ўғлини «сиз»лаб, эъзозлаган экан...

## ЭҲТИРОСЛИ КЕЧАЛАР

*Беназир ҳофиз Таваккал Қодировни хотирлар эканмиз, Фаргона деб аталмиш хушҳаво масканда қирқ йилдан ортиқ елкама-елка ижод қилган, ҳамиша ҳамқадам, ҳамнафас бўлган шаҳримизнинг бебаҳо фарзанди дилбар ва дилкаш инсон Жалолиддин Охунов ҳақида сўз айтмаслик асло мумкин эмас. Бу ҳар иккиси дўстга вафодорликнинг тирик тимсоли эдилар. Шу боис, ҳофизнинг фарзанду аржумандлари хотирасини қаламга олдим.*

*Менда бўлган армон сизда бўлмасин,  
Кўзларингиз асло ёшга тўлмасин...*

Шу кунларда кечалари ухламай тонг оттираман, кўзимни юмдим дегунча отам кўриनावеради, кўриनावеради...

Оппоқ либос нуроний чехрасини янада гўзал, хокисор қилиб кўрсатади. Отам хузурумга мовий осмондан оққуш мисол учиб келади-да, астагина ерга оёқларини кўйиб, енгил қадам ташлайди. Менга нималарнидир сўзлаб бергиси ва мендан ҳам баъзи бир нарсалар ҳақида сўраб олгиси келаётганлигини меҳрибон, мен учун кадрдон бўлиб қолган кўзларидан, нигоҳидан сезиб қоламан.

Жилмайиб қарайди – гўё мени ўғил уйлаб, келин олганлигим, қайнота бўлганлигим билан табриклайди. Барча эзгу ниятларини, армон бўлиб қолган орзу-умидларини жамлаб, фарзандлари ҳақида, менинг ҳақимга дуо ўқийди, ўқийверади.

Ўйга толаман, армон ўртайди мени. Чексиз, аёвсиз армон...

Бешафқат ўлим отамни орамиздан юлиб, олиб кетганига ҳам тўрт йил тўлди.

У кишини хотирлаб, руҳини шод қилиш бобида дилбанди сифатида мен нима қилдим? Отам ўйлагани, орзу қилганидек фарзанд бўла олдими?

Муборак Ҳаж сафаридан қайтганида уни минг соғинч билан кутиб олдик. Уйга келаётганимизда менга: «Ўғлим, сафар таассуротларини сизга кейинроқ батафсил сўзлаб бераман», – деди хокисоргина шивирлаб.

Афсус... Минг афсуски, падари бузрукворим, нуридийдам отам биз билан фақат икки кун бирга бўлди, холос. Меҳмон, келди-кетди билан бўлиб, бемалолликда юракдан тўлиб сўзлаша олмадик.

Отам онадан янги туғилган чақалоқдай дунёга оппоқ, соф иймони билан бирга келди-ю, пок виждон билан хамроҳ

кетди. Оккуш мисол осмонга учиб кетди.

Менга нима демоқчи эди-я? Суҳбатлари-ю қайноқ меҳрга тўла сўзларидан бенасиб бўлдим. Не гуноҳим бор эдики, меҳрибоним дилида, қалбида кечган кечинмаларини, Ҳаж сафарига бўлган қиска, лекин мазмунли ҳаётлари ҳақида ҳеч нима била олмасам? Ахир, менга ваъда берган эди-ку, бирга бамайлихотир суҳбатлашамиз, деб...

Шу кунларда безовтаман. Қалбим безовта, юрагим безовта...

...Кечалари отажоним гўё оккуш бўлиб атрофимда учиб юради. Менга неларнидир сўзлагиси келади. Руҳи нимадандир шод бўлиб кулиб боқади. Оккушга айланган, иймонли отам ҳақида ёзиш менга осон бўлмайди, лекин кечалари менга далда бериб, кўлимга калам тутказиб ёзишга ундайди ва мен у киши ёрдамида ёза бошлайман, ёзавераман... ёзавераман...

\*\*\*

Ўзбекистон санъатининг ёрқин юлдузи Жалолиддин Охунов 1932 йил 15 июнда Фарғона шаҳар Янгичек маҳалласида ишчи оиласида дунёга келди. Санъатга ихлос отамни 1946 йилда, ўн тўрт ёшида театр даргоҳига олиб келди. Унга Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Қосимов биринчи муаллим бўлди, кўлидан тутди. Ўша ҳаяжонли илк қадамларда устозлар раҳбарлигида «Ёрилтош», «Лайли ва Мажнун», «Муҳаббат», «Мардлик чўққиси» каби қатор спектаклларда эпизодик ролларни ижро этган бўлса, 50-йилларга келиб Ғани «Олтин кўл»), Алижон («Ҳамза»), Кўкалдош («Алпомиш»), Ғофир («Бой ила хизматчи»), Ҳайдар («Нурхон»), Равшан («Равшан ва Зулхумор»), Нурухун («Қумрининг муроди»),

Субҳонкул («Ватан ишқи») каби ўзига хос жозибаси, бадий мукамаллиги билан ажралиб турадиган ранг-баранг образларини яратди. Ёш актёрнинг маҳорати асардан-асарга юксалиб борди.

Унинг 60-йилларда яратган «Фарғона хикояси»даги Мақсудхон, «Зарафшон қизи»даги Пўлат, «Дилором»даги Мони, «Гулсара»даги Қодир, «Тоҳир ва Зухра»даги Тоҳир, «Парвоз»даги Ўткирбек, «Ой тutilган тунда»ги Оқ йигит сингари бадий жиҳатдан баркамол образлари томошабинлар қалбидан чуқур ўрин олди.

70-йилларда отам ижодий фаолиятининг янги қирралари ўз аксини кўрсатди. У «Йўлчи юлдуз»да Тўраҳонбой, «Сўнмас чироклар»да Мозорбек, «Бахтиёр гадолар»да Музаффар, «Ўтган кунлар»да Ўтабой Қушбеги, «Парвоз»да Мамасолиев, «Ревизор»да Городничий, «Майсаранинг иши»да Қози, «Кулги зарби»да Юнус қизиқ, «Мухтор вакил»да генерал Навицкий каби мукамал, бадий етук образлар яратиб, фақат Фарғона театригагина эмас, бутун Ўзбекистон театри тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшди.

Жалололиддин Охунов мусикали ва драма спектаклларида образлар яратиш билан бир қаторда спектакллардаги ария ва дуэтларни, бахтиёр ҳаётни, севги – вафони мадҳ этувчи ашулаларни ўзига хос йўл ва услубда ижро этиб, жозибали овози билан мухлислар қалбига кириб борди.

Театр санъати ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун у 1970 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан тақдирланди. Бир қатор жамоат ва давлат ташкилотларининг фахрий ёрлиқлари, мукофотлари, нишонлари тақдим этилган.

Онам Адолатхон билан узоқ йил умр кечириб, бирон марта «сиз» деган сўзи «сен»га айланмаган. Оилада етти



фарзандмиз. Онам уй бекаси. Биз – фарзандлар хархашаси, уй юмушлари, бичиш-тикишдан ортиб отамга ҳам вақт ажратар, унинг санъатини кадрлар эди. Отам қандай унвон, қандай хурматга сазовор бўлган бўлса, барчаси меҳнаткаш онамнинг беминнат хизматлари туфайли ҳамдир.

Биз – ака-ука ва сингиллар бирон марта ҳам отамнинг каттик овоз билан сўзлаганларини эшитмаганмиз. Агар бирон бир ишимиз маъқул келмаса, бизни ҳузурига секин чақирар, сизлаб туриб айб иш қилганимизни тушунтирар ва бизни уялтирар, натижада ўша иш бошқа такрорланмас эди.

Отамнинг ҳар бир спектаклдаги роли бизда ҳавас уйғотар, у билан гурурланар ва театрга боришни канда қилмас эдик. Бизни ҳам ҳар бир янги спектакль премьерасига олиб борар, спектакль тугагач, маданият ва истироҳат боғи орқали уйга қайтардик. Йўлда спектаклдан олган таассуротларимиз билан кизикар, болаларча содда фикр-мулоҳазаларимиздан қувонар ва завкланар эди. Отамнинг бу одати биз вояга етиб, оила куриб, фарзандли бўлганимизда ҳам қолмади.

Отамнинг дўстлари, ёру биродарлари кўп эди. Энг яқин, ёшлиқдан айрилмас дўстларидан бири марғилонлик Бадриддин хожи ота эди. У кўзларида ёш билан эслайди: «Мен дўстим Жалололиддиннинг уйларига тез-тез келиб турар, у билан инок дўст эдим. Дўстимнинг бир юз бешга кирган бобоси бўлиб, жуда доно, табаррук эди. Мен ва Жалололиддин бобонинг ширин суҳбатларини олишдан, панду насиҳатлари, ҳикматли сўзларини тинглашдан чарчамасдик. Бобо бизнинг иноклигимиз, бир-биримизни ҳурмат қилишимизни кўриб: «Болаларим, икковингиз бир-бирингизга садоқатли ва киёматли дўст бўлинглар. Яхши-ёмон кунларингизда айрилмас оға-ини бўлинглар», – деб дуо қилганлар. Бу оила

аъзолари мени ўз ўғилларидан кам кўрмас, ҳар келганимда кучок очиб, кулиб қаршилар эдилар.

...Мен Марғилондан Фарғонага дўстимни деб, унинг ширин сўзлари, суҳбатлари учун келардим. Энди кимни деб келаман? Дўстимни бутунлай йўқотдим, изларини қаердан топай энди?..»

Отамнинг таниш-билишлари бисёр, ўзлари танимайдиган, лекин санъатини, овозини, ҳар бир ролини қизиқиб томоша килувчи, узоқ-яқинда яшовчи ашаддий мухлислари кўп эди.

У кишининг энг яқин дўстларидан бири «Ўзбекистон булбули» номини олган машҳур санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров эди. У кишини ҳам Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Улар гастролларга бирга боришар, оилавий тўймаъракаларда бир-бирларини қўллаб-қувватлашар, сайру саёҳатларда ҳам доимо ҳамроҳ эдилар. Онам ҳам Таваккал Қодировнинг рафиқаси билан дугона тутиниб, оғир-енгил кунларда бирга эдилар.

Отам онамнинг қўли гул чевар эканлигидан мудом фахрланар эди. Чунки онам театрда қўйиладиган ҳар бир спектаклда актёрлар киядиган либосларни кўнгилдагидек тикиб берар ва санъаткорлар меҳри, мақтови, раҳматига сазовор бўлар, бундан эса турган гапки, отам ўзини ғоятда бахтиёр сезар эди.

Машҳур бастакор Дехқонбой Жалилов, санъаткорлар Маматвали Алиев, Солижон Аҳмедов, Зухриддин Собировлар ҳамиша отам билан ҳамкорликда турли спектаклларда роллар яратиш ёки отам қўшиқлари учун ажойиб мусикалар, куй басталаш учун тез-тез уйимизда тўпланиб туришарди.

Отам ҳар бир нарсага ўта қизиқувчан, сайру саёҳатни

севувчи инсон бўлган. У киши собиқ иттифоқнинг барча шаҳарларини кезиб чикқан, десам муболаға бўлмас.

Отам ҳақида хотирамда қолган барча мисраларни, ҳаёт йўлини кино тасмасидай кўз ўнгимга келтираман-да, узок ўйга толаман. Қаламни бир зум стол устига қўйиб, деразадан ташқарига боқаман. Ҳамма ёк тинч, қоронғу бир кеча. Соат мили тунги иккени кўрсатади. Кўзларимда уйқу йўқ. Тўлин ойга боқаман. Яна қўлимга қалам оламан-да, ёза бошлайман. Ёзавераман, ёзавераман...

Отам маҳалла-қўйда бўладиган барча тўй-маросимларда бош-кош бўлар, қойилмақом қилиб тўйларни олиб борар, ўзлари ҳам меҳмондорчиликни яхши кўрар эди.

Ўта камтар инсон эди у. «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак унвонга сазовор бўлганида ҳам ўзини ҳеч қачон ёш санъаткорлардан юқори қўймай, каттами-кичикми – роль танламай ижод қилди.

Бир қанча иқтидорли шогирдларни етиштирди. Отамнинг шогирдларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Султонали Манноповдир. «Фарғона ҳақиқати» газетасининг 1997 йил 15 майида чоп этилган «Бағримни алам доғлар...» номли мақоласида у отам ҳақида шундай дейди: «Ҳаётимнинг ўттиз беш йилини устоз Жалололиддин Охунов билан мулоқотда ўтказиш насиб этди. 60-йилларда дастлаб Таваккал Қодировга шогирд бўлиб тушган пайтимда мени Фарғонага олиб келиб, Жалололиддин Охуновга таништирганди. Ўшанда устоз: «Жалололиддин, мен бунга соз билан кўшиқ ўргатаман, сиз одоб ўргатасиз», – деган эди. Шу бўлди-ю, бизнинг уста-шогирддигимиз киёматлик ака-укачиликка айланиб кетди.

Билишимча, устозни театрга, санъат йўлига ажойиб санъаткор, маҳалладоши Йўлдош ака Ҳамдамов етаклаб келган экан.

Устозимдан фақатгина яхши ном қолди. Барчамизга унинг гуриллаган овози-ю панд-насихатлари, ширин суҳбатлари эсдалик бўлиб қолди. Кулоқларимиз остида ҳамиша ёш, навқирон овози ҳамон жарангламоқда:

*Гунча лабинг ҳажрида қон, эй, гўзал,*

*Икки юзинг лола нишон, эй, гўзал,*

*Шўхлигидан қоши камон, эй, гўзал,*

*Титратадур ваҳмида жон, эй, гўзал...»*

Отам қозоқ, қирғиз, тожик халқлари санъатини ҳурмат қилиб кадрлар, улар билан тез-тез турли анжуман-фестивалларда катнашиб, ўз ижодий ҳаётлари, театрнинг олдига қўйилган муҳим масала ва муаммолари билан ўртоқлашар, фикр алмашар эди.

Отамнинг устозлари ҳақида сўзлашменга фахр-ифтихор бағишлайди. Устозлари жуда кўп бўлиб, аввало, у яшаган ҳаёт муҳити, атрофдаги одамлар ўзбек санъатининг ёрқин намояндалари бўлишган.

Мен шулардан бири ҳақида сўзлай. Мамнуният ила тилга олмоқчи бўлган бу кишини театрнинг илк қалдирғочларидан бири деб айтган бўлардим. Бу қалби ҳамиша санъат руҳи билан тўлиб-тошган ажойиб инсон Мамадалихон Дадажоновдир. У бир умр ҳалол меҳнат қилиб, турли-туман образлар яратди. Унутилмас роллар ижро этди.

1930 йилда Тошкентдан Марғилонга келган Миршоҳид Мирокилов ҳам унинг санъатига қойил қолиб, ўзи билан бирга ишлашга таклиф қилган ва Тошкентга олиб кетган. Кейинчалик ўз она шаҳрига қайтиб келган отахон яна кадрдон театрида иш фаолиятини давом эттиради.

«Ўшанда мен ўн икки ёшли бола эдим, – деб эслаганди устози ҳақида отам, – «Адолат»да етим бола ролида чиқар

эдим. Собир ролини ўйнаган устоз чунон кўшиқ айтардики, уни эшитиб, халқнинг кўз ёши сел бўлиб оқарди. Устозим Мамадалихон ака бутун маънавий дунёси билан театр фидойиси бўлган. «Тохир ва Зухра» спектаклида биринчи бўлиб Тохирни устоз ўйнаган. У киши ижросидаги «Алпомиш»да ўйнаган роли – Алпомиш арияси халқ орасида машхур бўлган».

Отам ўз устозлари ҳақида сўзлашдан, биз эса тинглашдан чарчамас эдик. Чунки у кишида яна бир истеъдод: чиройли нутқ ва хушовозлик бор эди. Худди эртак айтаётгандай равон сўзлаб, бизларни махлиё қиларди.

Акам Маҳкамжон қурилишда раҳбар, сингилларим Ибодатхон, Рўзихонлар тиббиёт билим юртида, қолган укаларим ва мен турли соҳаларда меҳнат қиламиз. Шундай бўлса-да, барчамиз санъатни севамиз, ҳурматлаймиз. Чунки бизнинг қон-қонимизга санъат гулшани бор бўйи билан сингиб кетган.

Мен отам танлаган қизга уйланиб кам бўлмадим. Рафиқам Ўлмасхон – дадамнинг устози машхур Мамадалихон отанинг кизи. Рафиқам кўли ширин пазанда, кўли гул чевар, вафодор ёр. Ишдан келишимда кулиб қаршилаб, кетаётганимда самимийликка ошуфта ширин сўзлар билан кузатади.

Фарзандларим мўмин-қобил бўлиб ўсишди. Буларнинг барчаси отамнинг оқ фотиҳаси, беғараз дуоси туфайли деб биламан. Оиламиз кенжаси Фазлиддиннинг ўғлига Жалолиддин деб ном қўйдик. Унинг юриш-туриши, қилиқлари, сўзлашларига қараб отамни кўраман. Аслида бу отам барҳаётлигини кўрсатади, англатади. Шунинг ўзи бахт эмасми?

Тонг ҳам отди, аста радионинг қулоғини бурайман.

Бурайману ширин энтикиб кетаман. Отам куйлаяпти. Унинг ширали овози юрак-юрагимга қуйилиб кираяпти. Мен севган «Баланд тоғлар» номли машҳур кўшиғи...

*Кўз етмас баланд тоғлар,  
Ғариб йўлини боғлар,  
Юртимга етолмасдан,  
Бағримни алам доғлар.*

*Тоғлардан ошолмайман,  
Юртимга етолмайман,  
Синдирди қанотимни,  
Кўкларга учолмайман...*

Отамнинг баркамол санъати ҳақида таниқли устоз, шоир ва ёзувчи Йўлдош Сулаймон «Санъаткорнинг бахти» номли мақоласида («Фарғона ҳақиқати», 1982 йил 23 декабрь) шундай ёзади:

*«Кимнинг рози, кимнинг зори бу,  
Фарёдлари бунча ҳам оғир?  
Кимнинг тортган ишқ озори бу,  
Мудом хазин ўртагай бағир?»*

Шоир ҳам худди унинг ўша кўшиғини тинглаб, вужуди дардли тўлқинга тўлиб, кўлига қалам олгандай. Унинг ана шу ашуласи айтилаётганда ҳамиша радио овозини баландлатиб кўймаган шинаванда бормикин?

Жалолиддин Охунов севимли драматург Жалол Машрабийнинг «Кумрининг муроди» пьесасидаги Нурухуннинг юрак-юрагини ёндирган севги изтиробини ўзиники қилиб, бу ҳис-туйғуни бошқаларга кўчирган «Баланд тоғлар» кўшиғини айтаётганда ҳар бир тингловчи ана шундай ҳаяжонга тушади...

Камтарин ва хушфеъл инсон, талантли драматург, устоз журналист Жалол Машрабий «Кумрининг муроди» пьесаси томошасидан кейин Жалолиддин Охуновни кучоқ очиб кутиб: «Худди ўзим тасаввур этган, худди ўзим хаёлимда яратган Нуроҳуннинг ўзини кўрдим. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Раҳмат укажон, ҳамиша ҳозиргидай севимли бўлинг. Яқин ўртада бунчалар яйраганимни эслолмайман. Қаранг-а, Нуроҳуннинг худди ўзгинаси», – деб ҳаяжондан кўзларида ёш йилтиллагандай бўлган эди...»

Устоз Йўлдош аканинг отам санъатини нақадар кадрлашини юракдан хис қиламан-да, чуқур ўйга ботаман... Отажон, ҳажрингиз бунчалар оғир?..

Оппок тонг отди. Деразам тагида кушлар чуғур-чуғури бошланди. Янги кун. Янги ҳаёт... янги одамлар... Ишқилиб, яхшилик бўлсин. Кунимиз яхшиликка, яхши одамларга тўлсин, дея қалбан эзгу тилаклар тиланаман.

Қаламни столга ташлаб, аста ёстикқа бошимни қўйганча кўзимни юаман ва отамни кўраман... оккушни кўраман...

Отам учиб келаяпти, хузуримга ошиқяпти, қўллари қанот бўлиб силкинади. Аста келиб қулоғимга болалигимдаги каби оҳиста шивирлайди: «Уҳлаб бир зум ором ол, болам, чарчадинг. Етар, бас энди шунча ёздинг. Мен сендан ададсиз розиман, болам. Кўкда, самода, осмону фалакда оккуш кўрсанг – ўша менман. Ишдан хориб-чарчаб келсанг, оккушни эсла, ўша менман. Шодлигингда, ғамингда мени эсла, оккуш бўлиб учиб келаман»...

Кўзимни очаман-у, отамни – оккушни эслайман.

«Ўшанда нима демоқчи эдингиз, ота?»

Ҳайқираман, овозим чикмайди. Яна армон... Армон тиғи бағрим тилади.

Осмонга қарайман, кўзимга учиб юрган оққуш кўринади.  
Тингланг, одамлар! Узоқ-узоқларда, осмону фалакда оққуш  
бўлиб учиб юрган азиз отам бор. Эшитаяпсизми?..

Оқ йўл, оққушим!

Алвидо, отажон!..

*Жамолiddин ОХУНОВ.*

## КЎКЛАМ МАДҲИЯСИ

Бир машхур хонандага:

– Тарихдан маълумки, мавлоно Лутфий ёш шоир Алишер Навоийнинг биргина «Оразин ёпғоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч куёш» байтига имкони бўлса умри давомида форсий ва туркийда ёзган ўн икки минг байтини алмашмоқчи бўлган. Сиз, санъаткор сифатида мисқоллаб йиққан бугунги мавқеингизни, агар таъбир жоиз бўлса, ниманинг эвазига алмаштирардингиз? – дея савол беришибди.

– Устоз санъаткор Таваккал Қодировнинг Фурқат ғазали билан куйланган «Фасли навбахор ўлди» кўшиғига! – деб жавоб берибди эл суйган кўшиқчи...

«Кўшиқ айтмоқ учун фақат овознинг ўткирлиги кифоя қилмайди. Санъаткорда юракни ўртайдиган ички дард бўлиши керак. У ижро этган кўшиқ тингловчининг кулоғига эмас, юрагига, юраги тубига, аниқроғи қалбига сингсин. Уни ўртантисин. Қандайдир ҳеч ким қилолмайдиған фидойилик ибтидосини бошласин. Ғайратини жунбушга келтирсин. Оламга, одамга, жамики гўзалликларга меҳр кўзғотсин. Қалбида мудраган ҳисларни уйғотиб юборсин. Инсонларни



севишга ўргатсин, ўйлатсин, мудом хаёлларга толдирсин. Мана шундай кўшиқнинг, ана шундай ижрочининг умри узун бўлади», деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад.

Ўзбекистон булбули Таваккал Қодировнинг «Фасли навбахор ўлди» кўшиғи ҳам умрбоқий асар сифатида мусиқий хазинамиздан алоҳида ўрин олган. Бу кўшиқ янграганида баҳор, Наврўз, яратиш ва яшнатиш фасли келганлиги, дийдорлашув онлари ҳам ғанимат эканлигини соҳир нола остида англай борамиз. Юракларни сел-сел қилаётган овоз, бетакрор мусиқа бизни болалик онларимиз, ёшлик дамларимиз, баҳорий лаҳзаларга етаклайверади.

– Баҳор ҳақида кўшиқлар кўп, аммо устозимизнинг бу кўшиғи кўклам таронаси бўлиб қалбларга кирган, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Тўлқин Ҳайдаров. – Бу ашула йилнинг қайси фаслида тингланмасин, кишига баҳорий кайфият бахш этади. Устозимиздан бу кўшиқни ижро этиб беришларини кўп сўрашарди. Йиллар ўтади, баҳорлар қайтади, замонлар ўзгаради. Аммо дўстлар дийдори ғаниматлиги, навбахор фасли келганлигидан дарак бериб, ҳар Наврўзда бу дурдона кўшиқ янграйверади. Таваккал Қодиров ўз кўшиқлари билан халқимиз қалбида мангу яшайди!

Ҳа, Таваккал Қодиров санъатга кириб келган эллигинчи йилларда айтган кўшиқлари хали ҳам яшамоқда. Улар ҳамон дилларимизни ларзага солаверади. Сабаби, дурдона кўшиқлар айта олган севимли санъаткор шеър танлаганида ҳар бир сатрини дилга солиб кўрарди. Юрагини жизиллатса, хўрсинтирса, қувончга тўлдирса, уни ўз мулкига айлантирарди. Куй басталаганида овозининг кучи, нафасининг қуйилиб келишига мосларди. Таваккал Қодиров айтган кўшиқларни

бошқа ижрочилар айтолмасалар керак. Чунки бу қўшиқларни маромига етказиш учун устозникидек овоз, нафас, эҳтирос, катта юрак ва жўшқин қалб керак. Хонанда қўшиқ айтганида бутун жони-жаҳонини ўртага қўйиб, етмиш икки томирини ишга солиб айтарди.

«Самарқандга гастроль концертига борганида дадам бизни ҳам олиб кетди, – дейди ҳофизнинг қизи Каримахон Қодирова. – Ургут туманидаги катта стадионда отам бир неча соат баланд авжларда куйлади. Концерт якунланиб, энди автобусга чиқаётганимизда бир онахон келиб шундай деди:

– Мен сизнинг «Фасли навбахор ўлди» қўшиғингиз учун концертга келган эдим. Барча қўшиқларингизни айтдингизу, негадир, мен кутган ашула бугун жарангламади...

Шунда дадам торини қўлга олиб, «Фасли навбахор ўлди»ни айта бошладилар. Концертдан қайтаётган мухлислар атрофимизни ўраб олишди. Онахон қўшиққа чин дилдан ўйнадилар-да, катта гулдастани севимли санъаткорига тутқазди. «Болам, мана шу гулдек, фасли навбахордек очилиб юринг», дея дуо қилди...»

Таваккал Қодиров куйлаяпти! Унинг ўткир нафаси, ажиб овози ила баҳорга, Наврўзга пешвоз чиқинг! Кўкламнинг бу мадҳияси ажиб сирларни дилингизга солиб, қалбингиздаги орзуларни гуллашиб юборсин:

*Фасли навбахор ўлди, кетибон зимистонлар,*

*Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг гулистонлар...*

***Соҳиба АБДУРАҲМОНОВА, журналист.***

## УСТОЗ НАЗАРИ

1980 йиллар. Театрга энди ишга келган пайтларим. Театрнинг шундоққина биқинида «Ором» деб номланадиган чойхона бўлгуси эди. Чойхона сўриларидан бирида устозим Ўзбекистон халқ артисти Жалолхон Охунов ҳамда дўстим Кимсанбой Собировлар билан чойхўрлик қилиб ўтирардик. Шу пайт биз ўтирган сўри томонга элимизнинг суюкли санъаткори, хофизи Таваккал Қодиров кела бошлади. Мен ва Кимсанбой устозни кўриб қўрнимиздан туриб, қаршиладик, қўлларини олиб кўришдик. Сўрига ўтиришлари биланок фотиҳа бўлгач, югуриб бориб бир чойнак кўк чой олиб келдим. Қайтариб қўйиб, бир ҳўплам ўзим ичиб, сўнг уларга чой узатдим. Устозим Жалолхон ака бизни Таваккал акага, театрға янги келган ёш актёрлардан, деб таништирдилар. Таваккал ака бизға бир қараб қўйдилар. Биз ўзимизда йўқ эдик – шундай буюк инсон билан бир сўрида ҳамсуҳбат бўлиб ўтириш ҳар кимға ҳам насиб этавермайди-ку!

Жалолхон ака билан Таваккал ака кизгин суҳбатлашиб кетдилар. Биз индамай кулоқ солдик. Сўз сўрасалар гапирдик, бўлмаса жим, эътибор билан суҳбатни кузатдик. Бир маҳал соатимға қарасам, репетициянинг бошланишиға ўн беш дақиқа қолибди. Пайт пойлаб, секингина Жалолхон акага: «Устоз, иш бошланишиға бирозгина вақт қолибди. Бизға рухсат берсангизлар», – деб узр ва рухсат сўрадим. Жалолхон ака: «Ҳа! Ҳа, майли. Тезроқ киринглар», – деди. Биз, ўртоғим билан шошиб театрға кириб кетдик.

Бироздан сўнг Жалолхон ака ҳам кириб келди-да: «Мухаммадсоли, муборак бўлсин!» – деб қолди. Мен тушунмадим ва устоздан нима муборак бўлишини сўрадим.

– Таваккал акангизға маъқул келиб қолибсизлар. У «бу йигитлардан одам чиқади, Жалолхон. Эътибор бериб юринг. Менға уларнинг ўзбекона одоби, айниқса, «Ишға ўн беш

дақиқа қолибди. Бизга рухсат берсангиз», деган гаплари ёқди. Ишга шошилган, репетицияни юқори билган артистдан умид қилса бўлади. Ҳали бу йигитлардан шу туришларида яхши актёрлар чиқади», деди. Шунинг учун бу ёғига астойдил бўлинглар. Таваккал Қодировнинг назари ҳар кимга ҳам тушавермайди. Ана шу яхши назар сизга муборак бўлсин, – деди устоз.

Мен ҳозир Жалолхон аканинг гаплари тўлиғича исботини топганлигини ўзимда сезаман. Халқимнинг эътиборида эканлигим, «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвонига сазоворлигим, Давлат мукофоти совриндори эканлигим, Ўзбекистон театр ва киночилар уюшмаси аъзоси эканлигимни ана шу театрга илк бор қадам қўйганимда олган устоз назарининг шарофати деб биламан.

*Муҳаммадсоли ЮСУПОВ,  
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти.*

## **ДАДАМНИНГ СОДИҚ ВА ЭРКА ДЎСТИ**

Раҳматли дадамиз Курбонбой Бегматов туман ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаб, шу соҳадан пенсияга чиққан. Унинг дўстлари кўп эди. Лекин улар орасида Таваккал Қодиров билан муносабатлари самимий ва дўстона эди. У барча тўймаъракаларимизга келар, дадамнинг туғилган кунларида эса албатта келиб, табриклаб кетардилар. Таваккал тоға келганларида ҳаммамизнинг кўнглимиз кувончга ва меҳрга тўлиб кетарди.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Укам Маъруфжонга тўй қилганимизда суюкли хофиз келиб кўшиқ айтди, раққоса унинг қўшиқларига ҳамоҳанг равишда ҳиром этди. Тўй ярим кечагача давом этди. Одам кўплигидан айвонимиз поли тушиб кетган эди ўшанда. Ҳайриятки, ҳеч кимга зиён-заҳмат етмади.

Она кишлоғим Зарчинордаги бу тўйни ханузгача хамкишлоқларим эслаб юрадилар. Таваккал тоға билан дадамнинг дўстликлари умрларининг охиригача давом этди.

Мана, бугун дорулфунунни тамомлаганимга ўттиз тўрт йил бўлди. Дадам ва Таваккал Қодировлар ўрталаридаги дўстлик, уларнинг беғараз аския, ҳазил-мутуйибалари унутилмас хотирага айланди. Буюк ҳофизнинг кўшиқларини ҳар гал тинглаганимда ўзгача илоҳий туйғулар қалбимни чулғаб олади. Дадамнинг буюк ва чин дўсти руҳиятимизда келажакка умид, юртга муҳаббат ва илҳом уйғотаверади. Яратгандан кўзда ёш, тилда дуо билан уларга жаннат боғларида фараҳли халоват тилайман.

*Раънохон АЛИЕВА, журналист.*

## МАРСИЯ

Устоз Таваккал Қодиров Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом билан жуда кадрдон бўлган. Устоз бир куни андижонлик шоирга: «Тўланбой, менга Муҳаммад пайғамбаримиздан бошлаб, то ҳозирги кунимизгача бўлган буюк алломалар, устозлар тўғрисида марсия ёзиб берсангиз», деган эканлар. Тўлан Низом «хўп» дея розилик билдиргани билан, ҳеч бундай марсия ёзишга ботинолмабди.

Йиллар ўтиб, кунларнинг бирида шоирга Таваккал Қодиров оламдан ўтганлиги ҳақидаги шум хабар етибди-ю, хофизнинг илтимоси – марсия ёдига тушибди. Қайғу ва армон бирлашиб, ўз-ўзидан сўзлар куйилиб кела бошлабди. Минг афсуски, бу марсия хофизнинг ўзи учун эди! Бундай бўлиши шоирни бир кечада адо қилганлигини ёзган битигидан шундоққина англаш қийин эмасди. Бир кечада кўз ёшлари билан тонггача битилган ва юрак кони билан ёзилган марсия яқун топади. Эрталаб андижонлик ижодкор дўстлар билан Фарғонага

– Таваккал Қодиров хонадонига фотиҳага йўл оладилар. Хонадон эшигида тумонат одам: раҳбарлар, санъат аҳли, Таваккал аканинг дўстлари, қавм-қариндошлари, шогирдлари уларни кутиб оладилар. Дуо ўқилиб, юзларига фотиҳа тортилгач, бир неча соат у ерда буюк овоз соҳиби Таваккал Қодировни ёдга олиб туришди. Қайтар пайтларида Тўлан Низом мени кўп санъаткорлар ичидан секин чақириб олиб, четроққа бошлади. Шоирнинг қаршисига боришим билан у хазин бир товушда илтимос қилди:

– Тўлқинжон, мен сизга ишонаман. Шеърларимдан кўп кўшиқлар яратгансиз, хурсандман. Мана бу марсияни йиғлаб ёздим. Таваккал аканинг нафасига яқини шу, шундан бошқаси эплогмайди, деган ўйда сизга топшираяпман. Сиз ҳам йиғлаб ижро этинг!

Шундай дея титроқ кўлларида бир варақ қоғозга ёзилган марсияни менга узатди. Уйга келиб шеърни ўқиган сари ижро этиш йўли ҳам, мусиқаси ҳам бирга туғилди. Ички бир фарёд ва исён билан куй басталадим. Марсияни тасмага ёзиб, клипни съёмка қилдирдим. Устознинг «қирқ»ларига тайёрлаб, биринчи бор Фарғона вилоят «Устоз» телевидениесида намоишга бердим. Халқимиз илиқ кутиб олди. Кейинчалик марсия-кўшиқ республика телевидениесида, «Ассалом, Ўзбекистон» тонгги дастурида ҳам бир неча бор намоиш қилинди.

*Ўзбекистон боғларининг булбули қани?*

*Ўзбекистон санъатининг чин гули қани?*

*Ҳур водийлар, ҳур воҳалар ҳувиллаб қолди,*

*Айрилиқдан бу юраклар шувиллаб қолди...*

*Фарғонада қуёш ботди, чиқарми қайтиб,*

*Таваккалжон номларини оламга айтиб?..*

*Фарғонада ой кўринмас, юзида парда,*



*Миллион-миллион юлдузлар ҳам йиғлар саҳарда.*

*Бугун Қува анорлари тўлганмиш қонга,*

Она қишлоқ – Султанонобод сизмас жаҳонга.  
У Маъмуржон Узоқовнинг руҳига етмиш...  
Ҳам Жўрахон Султанонови соғиниб кетмиш...  
Қолаберди Фарғонамиз бағрини доғлаб,  
Қайга борай устозимни энди сўроқлаб!  
Қолаберди Ўзбекистон, Турон, Туркистон,  
Қолди Тошкент, ҳам Самарқанд, қолди Андижон.  
Қайга чопай, қайдан топай босган изларин,  
Қандоқ қилиб юпатамиз ўғил-қизларин?  
Сайроқ қушим қайга учди, эй, золим фалак,  
Не-не буюк тақдирларки сенгами эрмак?..  
Кўшиқлари ватан ичра абадий қолди,  
Кўшиқ билан кўшиқсевар оламни олди.  
Унга бўлсин эл ҳурмати, халқ эҳтироми,  
Қўлни очиб дуо қилур Тўлан Низоми:  
Улуг Оллоҳ, устозимнинг руҳини шод қил,  
Ётар жойин нурга тўлдир, уни обод қил.  
Ўзбекистон боғларининг булбули қани?  
Ўзбекистон санъатининг чин гули қани?..

Хуллас, марсия оммалашиб кетди. Видеотасмаларга кўчирилиб, бошқа республикаларда, ҳатто Арабистон, Туркия, Корея, Россия ҳамда АҚШда ҳам ватандошларимиз кўришиб, эшитишиб миннатдорчилик кўнғироқларини айтишиб туради. Менга бу кўшиқ жуда катта ҳурмат олиб келди. Илоҳим, устозимизни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин. Шоир Тўлан Низом ҳам саломат бўлсин.

**Тўлқинжон ҲАЙДАРОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.



## IV. ЮРАК ИЗҲОРЛАРИ

*Умр борки, бордир интиҳо,  
Сабр – олтин, бардош – бебаҳо.  
Ёлборурман қилиб илтижо:  
Шу бахтимдан қилмагин жудо,  
Эй, қодир Оллоҳим, эй, қодир Худо.*





## ЮРТ БОШИДА ПАРВОНАЛАР

Фарғонада кўз эди. Дарахтларнинг япроқлари кизгиш тус олган. ариқларда сувлар тиник тортган. чор-агрофдан кўз неъматларига уйкашиб пахтанинг ширин хили келарди. Кечга яқин пахта даласидан қайтаётган бир гуруҳ ижодкорлар орасида кўзга таниш бир одам менинг истиқболимга чикди-да. салом-алиқдан сўнг муддаога кўчди:

– Тожихон Шодиева хақида газетага мақола ёзибсиз, суюнганимни кандай таърифлашни билмайман. Халкнинг фидойи фарзандлари хақида канча ёзсак, шунча оз. Улар биз учун улкан ибрат. Элга, Ватанга садоқатни, бедорликни, меҳнаткашлик, тантиликни улардан ўрганамиз. Тожихон опа хақиқатан ҳам чакмок урган чинорлардан бири эди...

Ўшандан кейин газетамизнинг бу мухлиси адабиёт ва журналистика жонкуяри, ташкилотчи раҳбар ва тажрибали муаллим эканлигини билиб олдим. Ҳар гал у кишини учратганимда, «Тожихон опа хақидаги эсдаликлар учун раҳмат, «Фарғона хақиқати»нинг ҳар бир сонини қўлдан кўймай ўкиб бораман. Газета эл хизматидаги одамлар хақида кўп мақола чоп этади, шуниси менга манзур», дея сўз айтиб кўярдилар.

Сўнгрок Омонжон аканинг бошқа фазилатлари мени хайратда қолдирди. У киши таҳририятга келса, устозлари Усмонжон Бегматов, улуғ санъаткор Таваккал Қодиров ва бошқа кўплаб вилоятимиз фаҳри саналган кишиларнинг фидокорликлари хақида сўзлар, улар хақида шеърлар, эсдаликларни таҳририятга хавола этиб, қолдириб кетарди.

Ёзувчи ва таржимон Иброҳим Ғофуров «Фарғона оҳанглари» деб номланган китобнинг «Адир олмаси» сарлавҳали сўзбошисида қахрамонимизга шундай таъриф беради: «Фарғонанинг яна бир тимсоли бу – журналист, шоир, жамоатчи Омон Ҳошим. Унинг шоирликка даъвоси йўқ.

Лекин шеърлари маънавият ва ҳур ахлоқнинг чашмаси. Унинг ҳаёти неча-нечалаб романларнинг мавзуси. Ярашмасларни яраштирган, қанча ризқи яримталарнинг ризқини бутун қилган, йиқилганларни турғизган, адашганларни тўғри йўлга олиб чиққан бу инсон ғамгузорлик, матонат ва шайдоликнинг тимсоли».

Ижодкорнинг ўқитувчилик фаолияти чин инсон қиссаси каби ҳайратомуз. Филолог бўлиш орзуси билан юрган йигит биолог сифатида танилиб кетди. Ўшанда у адабиётшунос олим Йўлдош Солижоновга «Табиётда адабиёт яратаман», деган эди серғурурлик билан. У гапининг уддасидан чиқди. Илк бор мактабда иш бошлаган кунлариданок биология дarsi бошланди дегунча синф хонасини ўқувчиларнинг хайқириқлари тутиб кетарди. Саломлашув, йўқлама, ўтилган дарс бўйича саввол-жавобдан сўнг:

*Олтин япроқ билан тўшалди ерлар,*

*Марварид нам билан юмшади ерлар...*

дейилгувчи сатрлар ифодали ўқишаркан, шогирдлар бирин-сирин бугунги мавзу куз ҳақида, дея шивирлаб қолардилар. Устоз шогирдлари онгига ҳар бир дарс мавзусини оҳанграбо йўл билан сингдириб борарди. Ҳар бир боланинг кўнглини топиб, аҳволини ўрганиб муомала қиларди. Машғулотларда сусткашлик қилган болани ота-онаси билан албатта учрашарди, суҳбатлашарди. Шу йўсин юзлаб ёшларнинг қалбига меҳр аталмиш туйғу муҳрини босди. Охирги кўнғироқларда унинг қалдирғочлари – битирувчилар «Домла, дарсларингиз тугалланмаган кўшикка ўхшайди», дея миннатдорчиликларини изҳор қилишарди.

Омон ака Бешбола МФЙда ранс бўлиб ишлаб юрган кезларида ўзини халқ хизматкори деб билди. Фарғона-Кува йўлида учта бекат, маҳалла гузари, масжид, тез тиббий ёрдам бўлими, Чимқишлоқда маҳалла маркази, «Сирпўш ота» мазорини қайга таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари

бошида туриб, ташкилотчилик қобилиятини намоён этди.

Омонжон ака қаерда ишламасин, энг аввало, одамларнинг кўнглини ўрганарди. Вилоят ҳокимлигининг хат ва аризалар, фуқароларни қабул қилиш бўлими мудирини вазифасида иш бошлаганда эл дардининг тингловчиси, кўмакдоши, елкадошига айланиб бўлганди.

Омонжон ака мумтоз санъат шайдоси. Санъат дарғаларининг «Ушшок»лари, «Тановар»ларини ҳиргойи қилиб уларга чексиз ҳурмат бажо келтиради. «Омонлик баёзи», «Сиз Таваккалсиз», «Бир болангман, Бешболам», «Эй, дийдори ширинларим» каби тўпламлари табаррук инсонлар билан кечган суҳбатлари, улар билан боғланган дўстлик ришталари асосида ёзилган. Зеро, бугун бу инсонни санъат ва калам аҳллари, элда мухтарам инсонларнинг барчаси яхши танийди ва ўзларига дўст деб биладилар.

Омонжон ака Ҳошимов намунапи хонадон соҳиби. Аёли Офтобхон опа маҳаллада қўли очик, кечиримли, меҳри дарё онахон сифатида ҳурмат топган. У узоқ йиллар Фарғона шаҳар хотин-қизлар етакчиси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ректор ўринбосари, мохир муаллима сифатида меҳнат қилди. Шу билан баравар оилани мустаҳкамлаш, фарзандларни камолга етказиш вазифасини ҳам удалади. Фарзандлари таниқли шифокорлар, мураббийлар бўлиб эл қаторига қўшилишди.

Аслида, яхшилар шаънига номалар тугамас. Омонжон акага ўхшаган эл бошида парвоналарни юрт, эл эъзозлайверади.

**Маъмурахон АБДУРАҲИМОВА,**  
*журналист.*

## ШОИР

У жуда кам ёзади. Ёзганлари дилкаш. Ғоят самимий. Сатрлари кўшиққа ўхшаб жаранглайди. Уларда юракнинг олови гупириб туради. Шеърлари газетада босилган кун – унинг учун байрам.

Бегим кунлари эди. Фарғонадан қўнғирок бўлди.

– Устоз бормилар? – ҳаяжонланиб сўради шоир.

– Боғдалар. Нима деб кўяй?

– Э, аттанг-а, қачон келадилар? Устозга ўқиб бермасам, кўнглим жойига тушмайди-да лекин.

– Кун ботганда келадилар. Айта қолинг, нима эди?

– Янги шеър ёзувдим, опажон. Устозга ўқиб бермасам, юрагим нақ ёрилиб кетади.

– Менга ўқиб беринг, Омонжон! Шеърларингиз менга ёқади, тортинманг.

Шоир телефонда ҳаяжонланиб янги шеърини ўқирди. Дарҳақиқат, ғоят самимий, дилбар мисралар... Мен шоирнинг ҳофизи хушхон Таваккал Қодир ашулаларини айтганда тинглаганман. Ҳофиз нолалари дарёдай шарқирайди унинг овозида. Омонуллажоннинг рафиқаси Офтобхон эса аёллар даврасида «Тановар»га ракс тушса, диллар сел бўлади. Унинг бармоқларидан оҳанг сочилади, кўзларидан мунг таралади.

Бул икки санъат муҳиби бир дуторнинг икки торидай бири-бирига ҳамоҳанг, жўровоз. На ҳофизлик, на раккосаликка даъвоси бор иккисининг. Улфатлари, мухлисларининг баҳри дилини ёзадиган, юракка сиғмаган туйғуларини шеър, овоз ва ракс тили билан айтадиган гўзал инсонлар. Ҳақиқий шоирлик – парвоналик, дейдилар. Улардан сўз ва соз нури сочилади.

«Ўзбекнинг бари – шоир», дейман уларни тинглаб.

Одамлар, азиз одамлар, худо ярлақасин сизларни!

*Ойдин ҲОЖИЕВА,*

*Ўзбекистон халқ шоираси.*

## ОҚИБАТГА ОФАРИН!

Ёмғирдан кейин офтоб чарақлади. Ҳаммаёк тозариб, кўнгиллар-да ёришиб кетди.

– Қани, юринглар, ҳовли сайрига! Манзарага ҳам тўйиш керак. Мевани кўл билан териб ейиш ҳам савоб, ҳам шавқли бўлади. – деди Омон ака йўл бошлаб. – Мана бу тутни ўз кўлим билан экканман. Мана, неча йилки, дурини териб, маза қияпмиз. Парранда жониворларни айтмайсизми, чуғур-чуғур қилиб, ҳамду сано айтишгани-айтишган.

Белдай танага шотини қўйиб, биз ҳам шерик бўлдик. Йирик-йирик балхтут – таъми тилни олгудек, шундай ёқимлики, жонингиз яйрайди.

– Катта отам ҳовлисида шунака тутлар бор эди. Катта энамлар шинни пишириб, тутмайиз қуришиб, киши билан бизларни сийлаб чиқарди. Энди бунақаси камайиб кетди. Қани энди, ҳар бир ҳовлида марвартак кўкартириб, ўғил-қизларимизни мевасига тўйдирсак. Камқон, камқувват деган баъзи қусурлар бутунлай йўқ бўлиб кетарди, – дейди Омонжон акамиз ичдан қайғуриб.

Ҳовли чети бўйлаб, аъло навли ўрик, олма, ток, гилос ва бошка мевали дарахтлар, малина буталари қийғос ҳосилга қирибдики, хавасингиз келади. Ўрта кенгликда помидор, карам, картошка экинлари гурқираб ётибди. Картошқалар аллақачон пишиб, қозонга тушибди, ўрнига иккинчи, учинчи бор экин экиб, яхшигина ҳосил кўтариш ҳақида мароқ билан сўзлайди ҳовли хожаси.

«Валовой» навли гилос дарахтада, қуюқ барглар қўйнида шиғил-шиғил шингиллар ял-ял чўгланиб, кўзларни махлиё этади. Девор оша эгилган новдалар эса бўм-бўш эди. Ҳайратимизни пайқаб, изоҳ беради Омон ака: «Бу томони кўшнининг ҳақи эди, териб эгасига топширдик».

Қўни-қўшничиликнинг азалий таомили ҳам ҳукмрон экан

бу ерда, деган таассурот дилимизни хушлади.

Аёнки, дарахт сермева бўлса, маъмурчилик, фаровонлик ортади. Шу ният-истак билан ниҳол биринчи нишона мевасини берганда, уни момоларга, боболарга илинадилар. Бу удумни соҳибкорлар ҳамон ёдда тутиб, бўй етган кўчатга дуо олиб беришни эсдан чиқармайдилар.

– Сиз ҳам улуғ ёшга етиб, кексаларимиз дуосини олиб юрасиз. Мана шу кўчатимда бир донагина гилос пишди. Татиб кўриб, дуо қилинг, – дейди Омон ака ақиқдай товланиб пишган мевани банди билан узиб узатар экан.

– Бай-бай, жуда серсув, хуштаъм экан. Илоҳим, шу ниҳолчангиз ҳам серҳосил, хосиятли бўлсин, бола-чақангизга ризк-рўз бўлиб, меҳмондорчилик дастурхонингизни безасин, – дея тилақларимизни изҳор қиламиз.

Омон Ҳошим яна ҳам яйраб кетади.

– Пенсияга чиқиб, ишим кўпайгандан-кўпайди. Сира ҳам тинмайман. Кексалик иш кўрсатиб, баъзан белимни ололмай қоламан. Шу пайт этигимни кийиб, кўлимга кетмонимни олганимда, яна жонланиб кетаман. Экин орасида чопик килиб, дарахтларни суғориб, ғозларимга, мол-ҳолимга қараб, кайфиятим кўтарилади. Ўзимни бардам ҳис килиб қоламан. Вилоят ҳокимимиз томоркани, ҳар қарич ерни ҳосилдор, бозорни сероб, арзон қилайлик, деб элимизга чақирик йўллади. Бу эзгу даъват қалбимизга янги аҳд, ғайратимизга янги куч бахш этди, – дейди у киши шавқ-завқ билан сўзлаб.

Кейин эшиги очик турган хонага бош сукиб айтадилар: – Мана булар хўжалик буюмларим, кетмондан тортиб, арраю бешликкача ҳаммасидан «запаси» билан бор. Шуларни ишлатиб, ҳовлини-ҳовли килиб юраман-да, яна энг муҳими саломатликка фойдаси катта буларнинг.

Битта пенсионеримиз шунча ишларни бажариб, заминни обод, эл ризқини тўкин қилишга ҳисса кўшиб келаётган экан, бунга қойил қолмай, ҳавас қилмай бўладими?! Умуман, ҳовли

сайридан коникдик. Бу фахрийлар газетасига яхши мавзу экан, деган фикрга ҳам келдик.

– Энди рухсатингиз билан ишимизга борайлик, – деймиз биродаримиздан миннатдор бўлиб.

Омон аканинг рафиқаси Офтобхон ая тавозе билан илтижо қиладилар: «Паловга уннаб, жиз-бизини тайёрлаб кўйдим. Дадаси! Меҳмонларга жавоб берманг, ҳозир тайёр бўлади». Қайта-қайта раҳмат айтиб, вақтимиз зиклигини тушунтирамиз. «Бошқа келасизлар унда», дея кийилибгина рози бўлишади.

Омон Ҳошим «Дамас»и рулига ўтириб, бизни таҳририятга етказиб кўйди.

Қайтаётиб каттик тайинлади:

– Мен сизларни газетага ёзинглар, деб ҳовлимни кўрсатганим йўқ. Сухбатларимизни кўмсаб, тут пишигини илиниб шундай қилдим. Худо хоҳласа, ижодий ҳамкорлик қилиб туриш ниятим ҳам йўқ эмас. Водийни кезиб, улуг ҳофизимиз Таваккал акам, халқ санъати ҳақида хотиралар тўпласам, деган мақсадим бор. Ана унда матбуот орқали шинавандаларга нодир ахборотлар етказсак арзийди.

– Майли, айтганингизга кўндик. Ниятларингизга етинг, – деб хотиржам кузатдик биродаримизни. Аммо ваъдамизни бузиб, кўнглимиздаги хавасни муштарийлар билан баҳам кўришга жазм қилдик. Бунинг асосий сабаби: бу одамдаги туғма меҳр-мухаббатнинг мустаҳкамлиги эди. Биз Омонжон Ҳошимовни эндигина таниганимиз йўқ. Асли касби-кори муаллим бўлган бу инсонни мактабларда, қишлоқ фуқаролар йиғинларида, Фарғона шаҳар, вилоят ҳокимликларида, «Экосан», «Нуроний» жамоат ташкилотларида масъул вазифаларда хизмат қилганини биламиз. Зикр қилинган бу юмушлар жўн, осон эмаслигини ҳам тушунамиз. Кишини таъсирлантирадиган томони шуки, бу одам шунча тигиз вазифаларни сидқидилдан бажариш билан бирга, одамларга

меҳр-окибатни сира-сира йўқотмади, канда қилмади. Бундай хайрли ишларига шоҳид бўлган пайтларимиз кўп бўлди.

Омон Ҳошим бир вақтлар вилоят ҳокимлиги қабулхонаси мудири бўлиб ишлаган. Мурожаат этганларга қўлидан келганча кўмак кўрсатган. Сўровларини имкон қадар хал этиб берган. Шунчалар банд бўлишига қарамай, фахрий журналист, хаста мўйсафид Воғиз ота Музаффаров хонадонида бу одамни тез-тез учратардик. Иккита иссиқ нонни пакетга солиб, ота хузурига ошиқиб бораётган бўларди. Устоз билан ижодий ҳамкорликда мақолалар ёзиб чиқаргани ҳам бор гап.

Бир куни Воғиз ака хузурига кирсак, ётган жойида кўксига янги телефонни кўйиб олиб, ким биландир гаплашаётган экан.

– Бошқасини сотиб олибсизми, куллуқ бўлсин, – деб устозни кутладик.

– Эскиси ишламай қолди. Роса дикқат бўлдим. Шу пайт Омонжон келиб қолса бўладими. Дарҳол шунисини топиб келиб, улатиб берди. Умридан барака топсин, – дея кўзларига ёш олиб, дуо қилди устоз.

Отахон умрининг охиригача Омонжон акадан миннатдор бўлиб, алқаб ўтди. Садокатли шогирд, дўст Омонжон Ҳошимов бу хонадондан ҳамон кадамни узмаган. Оила кайғусига шерик бўлиб, ота қабрини зиёрат қилиб, гуллар кўйиб, устоз руҳини шод этиб юради.

Ўша кунги ҳовли сайрида у дўппидек-дўппидек очилган оқ, қизил, пушти ранг гулларни кўрсатиб шундай деди: «Табиат мўъжизасини қаранг, хуш бўйидан кўнгили яйрайди. Чиройидан кўз қувонади. Энг хурматли кишингга гул тақдим қилсанг, ярашади. Тўққизинчи май – Хотира ва кадрлаш кунида Таваккал акам, Воғиз отам қабрларига шу гуллардан элтиб, тиловат қилиб, кўнглимни юмшатиб келдим».

– Оқибатингизга, садокатингизга балли, – деб қўлларини қисиб кўйдик ихчам соқолли, нуроний чехрали «Ҳикматнома»



телекўрсатуви бошловчиси бўлган биродаримизга меҳримиз ийнб.

– Қишлоғимиз ҳақида «Бир болангман, Бешболам» деган рисола битиб, хонадонларга, мактабларга тарқатдим. Китоб мутолааси бўйича учрашувларга таклиф этишди. «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси», «Энг яхши ўқувчиси»га, олимпиада голибларига шахсий жамғармадан «Ҳошимов стипендияси» бериб боришга ваъда қилдим. Буни, албатта, улдасидан чиқаман, – дейди Омонжон ака чин кўнгилдан ният қилиб.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров «Адир олмаси» деган мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2010 йил, 14 май) Фарғона бадииятида бўй кўрсатаётган каламкашлар каторида Омонжон Ҳошимов ҳақида шундай сатрлар битган: «...Унинг ҳаёти неча-нечалаб романларнинг мавзуси. Қанча-қанча ярашмасларни яраштирган, қанча ризки яримталарнинг ризкини бутун қилган, йиқилганларни турғизган, адашганларни тўғри йўлга солиб чиққан бу инсон ғамгузорлик, матонат ва шайдоликнинг тирик тимсолидир. У Фарғонага келбат бериб туради».

Ёки шоирнинг мана бу сатрлари ҳам Омон Ҳошим кабилар ҳақида битилгандай жаранглайди:

*Бувам кулар: «Тирик жон*

*Лозим меҳнат этмоги,*

*Ўзи қариб, заминни*

*Яшартириб кетмоги».*

Ҳа, чиндан ҳам Омонжон Ҳошимовга ўхшаган дилбар одамларнинг меҳр-окибат, меҳнатсеварлик билан безанган хислату фазилатлари ҳамиша омонликда бўлиб, Ер юзини обод қилиб туриши аниқ.

**Толибжон ТУРСУНОВ,  
Аъзамжон ОРТИҚОВ.**

## ҲАССОС ҚАЛЬЛИ ИЖОДКОР

Дунёда шундай кишилар борки, камтар, камсуқум, оддийгина, яшаши ҳам ҳашамдор эмас. Бироқ одамлар калбидаги ўрни беқиёс. Уларни ҳамма севади, ҳамма кадрлайди. Фарғонанинг Бешбола қишлоғи Беклар маҳалласида туғилиб вояга етган Омонжон Ҳошимовни бутун вилоят танийди. Бутун водийда ҳам унинг мухлислари кўп. Ёши ярим асрдан ўтиб, олтмишни қоралаб бораётганида «Фарғона» нашриётида кўнгил сатрларидан жамланган «Омонлик баёзи» шеърий тўплами босилиб чиқди.

*«Бешбола» дер кўчасининг бошидан,  
Боласини тарбиялар ёшидан.  
Ибрат олинг сабридан, бардошидан,  
Сувлари ҳам каккунинг кўз ёшидан,  
Халқи гараз, кин – нимадир, билмайди,  
Номардларнинг хизматини қилмайди,  
Нокасларни назарига илмайди,  
Миришкор у, даласидан жилмайди...*

Бу Омонжоннинг ўз ҳамқишлоқлари, халқимиз маънавий киёфаси ҳақидаги фикрларининг холисона баҳосидир.

«Омонлик баёзи» – бир неча мавзуни камраб олган шеърлар тўплами, унда она-юрт, жонажон халқ, табиат жамоли, хуррият саодати, оила бахти самимий ихлос билан тараннум этилади. «Бахт нуридан», «Отажон», «Санамга», «Сиз билан», «Синглимга» шеърларини хаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

Шоирнинг «Сиз Таваккалсиз» шеъри бетакрор ҳофизни ёдга солиб, кўнгилга тўлқинлар келтиради.

*Кўшиқ эди унинг тилаги,  
Кўшиқ бўлиб ёнди юраги,*

*Қўшиқ айтди беқиёс, ўқтам,  
Қўшиқ бўлиб қолди ўзи ҳам,  
Сиз Таваккалсиз...*

*Хаёлимда қўлида тори,  
Қўшиқ кўллар дилида бори,  
Авж пардада оҳанги, зори,  
Согинтирди унинг хумори,  
Сиз Таваккалсиз...*

Бу сатрлар ҳаловатда ўйлаб ўтириб ёзилмаган. Улар мусаффо калбдан илкис отилиб, юракдаги дард ўпконида ситилиб чиккан ажиб бир хонишлардир. Муаллифнинг «Фарғонажоним», «Шукрона», «Ватан сен...», «Фарғоний пойида» каби жўшқин шеърлари ўқувчида, хусусан, ёшларда миллий ғурур ҳиссини уйғотиши билан бирга тўлқин солиб кучайтиради.

*Сиз етмаган тилакларга етдим, шукур, отажон,  
Сиздан ёдгор яхши номга минг ташаккур, отажон!..*

Шоир ўзининг етимликда ўтган болалигини кўз ёшлар ила эслаб ёзган шеърини ана шундай руҳда битилган сатрлар билан яқунлайди.

Эл-юрт орасида танилиб қолган ижодкор ўз шеърларида ва публицистик мақолаларида янги фикрларни илгари сурар экан, тарихий манбалардан оқилона фойдаланади. Ўтмишимизга кизиқиши, тарихий билимлардан бохабарлиги унинг ижодига бошқача маъно ва тус беради. Унинг умр мазмунидан келиб чиқиб, кечинмалари асосида «Қўнғирок чалинмаса дейман», «Тугалланмаган кўшиқ» номли насрий ва назмий асарлари устида изланаётгани мени беҳад қувонтирди.

Ёзганларимни шоирнинг эзгу ният билан битган сатрлари ила тамомлашни маъқул кўрдим:

*Ўқиб дўстлар баёзимни,  
Набирам олса созимни,  
Насимим – жўр овозимни,  
Эл тинглаб дилда розимни.*

**Воғиз МУЗАФФАРОВ, фахрий журналист.**

## **КЎНГИЛ ОБОДЛИГИ – ЭЛ ОБОДЛИГИ**

Қаламкаш учун воқеанинг катта-кичиги йўқ. У ижодкор юрагига урилса, бас. Сўзлар ўзи қуйилиб келаверади.

Баҳор... Эндигина ниш ураётган куртакларни кўрганда кўзлар қувониб кетади. Кўнгилда ҳам эзгу ҳиссиётларнинг куртаклари томир ёзаётганини ҳис этганимизда баҳорга айланамиз. Кўнгилларимиз қийғос ғунчалаганидан орзуларимиз-да ороланиб гул очади. Кимгадир яхшилик килгимиз келади. Бу эзгу ҳиссиётлар кўнгилда қачон япроқ ёзади? Менимча, унинг сабабчиси ҳам, ижодкори ҳам – инсон! Яхши инсонлар фазилати дилларга ўз шаклу-шамойилини, сувратларини чизади, сўзлар қанотланиб, оқ қоғозга оҳиста тўкилади. Шунда сеvimли шоир Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

*...Одамларнинг ўзидан олиб,  
Одамларга бермоқдир ишим.*

Қалам аҳлига «нимадир» берадиган одамлар, яъни илҳом берадиган одамлар қандай инсонлар ўзи?

Улар адолат ва диёнатни ҳимоя қиладиган, ҳақни ноҳақдан ажратадиган, деҳқонга, ишчига қайишадиган, ҳалолликни, одилликни, камтарликни ёқлайдиган эл тарафидаги софдил одамлар. Бир умр орзу қилиб яшадим бу каби инсонларни. Бутун жону дили билан «Элим!» деган жафокашларни кўрсам,

уларга ишонсам, курбим етганича уларни ёзсам дейман, тўлиб-тошиб ёзаверсам дейман...

Айникса, улар ҳокимият деган остонадан ўтилган жойларда ўтирадиган бўлсам? Бу – элга яна офтоб чикқани, эл оғири енгил бўлгани, дардига малҳам кўйилгани эмасми?! Эл борлиги учун ҳам ҳокимият бор! Ҳокимият, асли, эл деганику!

Фарғона вилояти ҳокимлигининг қабулхонаси бошлиғи Омон ака Ҳошимов билан яқиндан танишишимга ва ҳамсуҳбат бўлишимга шеър баҳона бўлди. У кишининг имзоси билан босилган шеърларни «Фарғона ҳақиқати», «Миллий тикланиш» рўзномаларида ўқигандим. Суҳбатлашиш эса насиб этмаганди. Тасодиф яхши бир кунда Омон ака билан учраштирганидан дунёга, дунёимга сиғмай кетганимни таърифлаш жуда кийин. Бунга қарангки, Тошкентга – шеърият анжуманига бирга борадиган бўлиб қолдик. Мушоира қилиб, енгил машинада боришни режалаштирдик. Афсуски, довонни қор босиб, йўл беркилганини айтишди.

– Омон ака, энди нима қиламиз? – дея сўрадим тарвузим кўлтигимдан тушиб.

– Мен пиёда бўлса ҳам бораман! – деди Омон ака.

Қаранг, қандай мардлик! Шеър учун, шеърият учун пиёда бўлса ҳам Тошкентга етиб бориш! Бунақа дарвешликнинг ўзи – шоирлик! Ақллилик чегарасини бузиб ўтган кўнгил шеваси, кўнгил тўлкини! У ҳаммада ҳам бўлавермайди.

Бу қатъият мени ҳам руҳлантирди.

– Мен ҳам! – дедим пиёда бўлса ҳам етиб боришга шерик топилганидан қувониб.

Ўттиз йиллар давомида яхшироқ танишишга улгурмаган ҳамшаҳримни таниб олдим, топиб олдим. Билдимки, Омон ака – шеърият ошиғи! Кўнгли ҳам, феъли ҳам шеърга ошуфта одам.

Бир куни Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига оқ

сарикдан келган, нигоҳлари тийрак, ёши саксонни мўлжаллаб бораётган онахон кириб келди.

– Мени сизларга Омонжон деган ўғлим жўнатди...

«Ҳа, Омонжон ака бекорга жўнатмаган», дея ўзимча мулоҳаза қилдим.

Онахон ўз ҳаяжонини босолмасди:

– Ўша қабулхонадаги ўғлим ажойиб экан-да... Ўзи мени кўлимдан етаклаб, идорангиз эшигини кўрсатиб, кейин кетса денг... Қандай яхши одамлар бор-а! Кам бўлмасин-а!

Кўзимдан ёш тиркирагандай бўлди. Вилюятимизнинг кайсидир бурчидан автобусларга чиқиб, вилюят ҳокимияти эшигини чертиб, дардини ёзгиси келиб етиб келибдики, ўша одамнинг оғриғи бор-да! Омон ака ўша оғрикни билишга, кўлидан келганича уларга малҳам кўйишга уринади-да! Шуниси ёқади менга. Ҳеч иложини тополмаса, кўнгилларини тоғдай кўтариб жўнатиб юборади. Гоҳо ҳаётнинг мураккаблигидан, чигалликларнинг мўллигидан беихтиёр уларга кўшилиб афсус чекади!

Кўша қариганлар, умр сўқмоқларида бир-бирини суяб, жонига жонини тутиб, яшашни файзга, фароғатга айлантирган, элимизга суянчиқ, тиргак бўладиган фарзандлар ўстирган оила сарбонлари – Омон аканинг энг севимли мавзуси. Улар хақида хузур билан гапиради. Ҳамма-ҳамма ширин, тотув яшашини орзулаб, уларни элга кўз-кўзлашни хуш кўради.

– Омонжон Ҳошимовнинг катта-катта давраларни шундай бир ёқимли сўзлар билан бошқаришини кўрганман. Сўзлари ичидан тошиб чиқади-я, тошиб... – дейди «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси вилюят бўлими раиси Гавҳар опа Жалилова.

Тўғри, Омон ака шеър ёзади. Шеър деганда, ҳамма нарсадан кечади. Аммо «шоирликка даъвоим йўқ», дейди. Уни билганлар эса «Ана бу шоир!» деб аллақачон ўз баҳосини бериб кўйган.

– Омон акани мумтоз кўшиклар айтади дейишади, эшитганмисиз? – сўрайман уни билганлардан.

– Эшитганмиз. Ўх-хў, кўшик айтса, машҳур хонанда Таваккал Кодировнинг нафаси келади. Таваккал ака тирилиб, кўшик айтаётгандай бўлади.

Омон аканинг кўшикчиликка ҳам даъвоси йўқ. Таваккал Кодировнинг энг содиқ мухлиси, холос. Унинг кўшикларини хиргойи килиб дили ором топади, устози ёнида юргандай хаяжонланиб энтикади. Чарчоклари ёзилади. Одамлар илтимос килса, бажонидил айтиб беради.

– Омон ака, сиз катта ҳофиз ёки яхши шоир бўлишингиз керак эди, – ўзимча Омон ака каршисида фалсафа қиламан.

– Начора? Осмонда ёрқин юлдуз бўлгандан милтиллаган чирок бўлган ҳам яхшироқ. Чирок бир кулбани ёритади-ку! Юлдуз кулбани ёритолмайди, – дейди Омон ака.

Яна кабулхонани ўйлайман.

Шоирликдан мурад, кўшик айтишдан мурад – эл кўнглини олиш-ку, ахир. Омон ака бўлса, ҳар кунни, ҳар кунни ҳожатталаб инсонларга «Келинг, отахон», «Келинг, онахон», «Келинг, синглим», дея эшик очади, бағрини очади. Бисотидаги яхши сўзлари билан каршилаб, уларни иззати билан кузатади. Бу юмушни бурчи, вазифаси учунгина эмас, кўнглининг борини тўкиб, дил нидоси билан адо этиши бизни хайратлантиради.

Омон ака ҳақидаги бу ёзувларимиз инсонпараст кўнгил ҳақида, инсонни ҳамиша бахтиёр кўришга орзуманд бўлган бир фидойи шахс ҳақидаги айрим чизгилар, холос.

Ўқитувчи, дехқон, мактаб директори, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифаларида ишлаган, вилоят ижроия қўмитасида, Фарғона шаҳар ҳокимиятида, вилоят ҳокимлиги қабулхонасида оддий ва камтарлик билан фаолият кўрсатиб, эл малҳами бўлишга уринган Омон ака Ҳошимовнинг ҳаёт йўли ҳикоя қилишга арзирли лавҳаларга бой.

...Гоҳо беихтиёр вилоят қабулхонаси эшиги томонга

буриламан. Омон аканинг «Ижодкорлар учун эшигимиз ҳамиша очиқ. Қандай ёрдам зарур бўлса, бемалол кириб келаверинг, синглим», деган самимий сўзларидан дадилланиб қадам босаман.

Қабулхона эшиги, айниқса, эрталаб тирбанд бўлади. Одамларга назар солганча ўйлайман. Демак, шу одамларнинг ишлари ўзи яшаб турган жойда битмаган-да! Қандайдир лоқайдликлар, амалпарастликлар, унутилган кадрлар киймат, исён уларни шу остонага етаклаб келгани рост. Одамларнинг кўзларида ўксиклик ҳам, маъюслик ҳам, гоҳо ошкора ғазаб ҳам, моддий ва маънавий кўмакка муҳтожлик ҳам борлигини сезиш қийин эмас.

Уларга қарайман-у беихтиёр навбатчига мурожаат қиламан:

— Омон ака шу ердамилар?

— Шу ерда!

Қандай яхши! У киши шу ерда бўлса, ишонамизки, ҳеч кимнинг дили оғриб кетмайди. Ҳар бир одамга ўзига яраша сўз топа олади.

Барибир, Омон ака ҳақида айтилган сўзлардан кўнгил тўлмайди.

— Омон ака, албатта китобингиз чиқиши керак. Бу юраги гупиллаб турган шеърларингиз одамларга гулдаста бўлиб етиб бориши керак, — деймиз.

Омон ака камтаргина жилмайиб қўяди. Унинг иши, шеъри дилдошлик, ҳамдардликдан туғилади.

Бир куни идоралардан бирига кўнғирок қилдим, — деб сўз бошлайди Омон ака. — Буни қарангки, котиба гўшакни кўтарганча ниқ-ниқ йиғларди. Ҳол сўрасам, қайтага ўксиниб, тўлиқиб-тўлиқиб, ўзини туюлмади. Юрагим эзилиб кетди. Кўнгилга бир тўлқин келди. Ҳа, худди шу лаҳзада келди. Котибага: «Ёзинг, телефонограмма!» — дедим:

*Ҳумор кўзларингга ёшлар ярашмас,  
Ойдаини юзингга кимлар қарашмас,*



*Меҳр асли кўзда деб билган адашмас,  
Синглим, сўманбарим, кўз ёшингни кўй,  
Бебаҳо дилбарим, кўз ёшингни кўй...*

Котиба кизнинг йиғлашин эшитилмай қолди. Хиёл ўтиб унинг синик кулгуси қулоққа урилди. Бир кўнгил ободлигига заррача бўлса ҳам ҳисса қўшганимдан ўша куни шод бўлдим.

Кўнгил ободлиги – оила ободлиги, эл-юрт ободлиги, тинчлик, тотувлик белгисидир, дейди донолар. Омон ака бор жойда ана шундай бебаҳо ободликни кўраман. Фақат яхшилар билан ҳаёт гўзал ва зийнатли эканига яна ва яна икром бўламан.

**Матлуба ДЕҲҚОН қизи,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## **ЭЪТИРОФ**

Яхшилардан ибрат олган, элу халқ назарига тушган инсон Омонжон Ҳошимов билан Олтиариқ сихатгоҳида танишиб қолдим. Бу камтарин, дилбар шоирнинг қалбидан булоқдек қайнаган қўшиқбоп шеърлар ўзгача таъсир кучига эга эди.

Таниқли санъаткор, «Фарғона булбули» Таваккал Қодировнинг қўлидаги торига булбул кўниб сайраган, деган таърифни кўп инсонлардан эшитганман. Омонжон аканинг дил қўшиқларини, қайнаб чиққан овозини эшитиб, кўз ёш тўккан сихатгоҳ дам олувчилари қанча дақиқа жимликни ихтиёр этганликларининг гувоҳи бўлдим. Қўшиқдан руҳи тиниклик топган қариялар: «Отангга балли! Бу йигитнинг ҳокимиятларда қатта лавозимларда ишлашини билар эдигу, аммо шоир, оташин овоз соҳиби эканини билмабмиз-а», – деб дуолар қилишди.

Унинг камтарин, ўта фуқаробоп, юксак қалб эгаси

эканлигига ўзи билан суҳбатлашгач, амин бўлдим. Омонжон ака менинг ҳам дилдаги дардларимни тезда илғаб, сиҳатгоҳда кеча уюштирдилар. Кечага дам олувчилар, шоир ва шеър ихлосмандлари йиғилишди. Қизгин мушоира юзага келди. Умримда биринчи бор катта йиғинда Машраб ҳикматларидан ўқидим. Бобораҳим Машрабнинг «Падар рози, худо рози» шеърини ўқир эканман, қарияларнинг ҳаяжонлари, олқишлари кулоғим остида жарангларди. Омонжон аканинг «Яна ўқинг, Раҳимахон», деган далдасидан кейин овозим бир поғона юқорилаганини, тиниклашганини сездим... Кечада зоминлик Махдумий домла ва Омонжон ака ҳам ўз шеърларидан ўқиб бердилар.

Дам олувчилар Омонжон Ҳошимовга кечани уюштиргани учун таҳсинлар айтишди.

*Раҳимахон САҒО қизи, Қорақалпоғистон Республикаси,  
Элликқалъа тумани.*

## ҚУЁШНИ БАҒРИГА БОСГАН ХОНАДОН

Шундай инсонлар бўладики, уларнинг ҳаёти, муомаласи, меҳнат фаолияти кўпчиликка ибрат бўлади. Бугунги кунда эл-юрт хурмати кезиб, кексалик гаштини сураётган фидойи ижодкор Омонжон Ҳошимов ана шундай инсонлар сирасига киради. У айна Иккинчи жаҳон уруши авжига минган кезларда, яъни 1942 йилнинг 24 августида Фарғона туманидаги Бешбола қишлоғи Беклар маҳалласида дунёга келди. Унинг болалиги шу қишлоғида ўтди. Ёлғиз опаси Чиннихон кизамикдан вафот этди. Ота бу вақтда жанггоҳга жўнаганди.

Олти ёшида онасидан ҳам айрилиб, буvisи – отасининг онаси Бусаодат Муҳаммадхожи кизи тарбиясида вояга етди. Қишлоқдаги ўрта мактабни тугаллаб, 1962 йилда Фарғона педагогика институтининг биология ва қишлоқ хўжалиги асослари факультетига ўқишга кирди. 1967 йилда олийгоҳни муваффақиятли тугатиб, Қувасойнинг Мўян қишлоғида туғилиб ўсган рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Офтобхон Алиева билан оила курди. Улар тўрт нафар фарзандни: Олимжон, Муҳайё, Диловар, Нозимжонларни тарбиялаб, эл корига ярайдиган муносиб инсонлар қилиб вояга етказдилар.

Иш фаолиятини дастлаб ўзи ўқиган мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Ўша йилларда мактабда маккадончилик ўқувчилар бригадасини ташкил этиб, энг юқори ҳосил олганди. 1979-1986 йилларда тумандаги 31, 35-мактабларда директор, 1986-1994 йилларда Бешбола қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифаларида ишлади. 1994-2014 йилларда вилоят хокими қабулхонаси мудири бўлиб хизмат қилди. Ҳозирда Омонжон ота ва Офтобхон ая ўн беш

нафар набиранинг бобо ва момосидирлар.

Омонжон ота тинмай ижод қилмоқда. Унинг 2000 йилда «Омонлик баёзи» шеърӣ тўплами, 2005 йилда туғилиб ўсган қишлоғи ҳаёти, турмуш тарзи ва одамижон кишилари қувончу-ташвишини ёрқин акс эттирган «Бир болангман, Бешболам», 2012 йилда «Эй, дийдори ширинларим», 2015 йилда «Бизни ташлаб...» китоблари «Фарғона» нашриёти томонидан чоп этилди. Айни кунларда оқсоқол ижодкор «Кўнгил дафтари» ва мактаб ҳаёти лавҳаларидан иборат «Тугалланмаган кўшик» насрий асарлари устида ишламоқда.

Офтобхон ая ҳам ўқитувчи, мактаб директори, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директор ўринбосари вазифаларида ишлаган. Хуллас, кундалик ҳаёти одамлар ичида ўтган.

«Нафақада зерикмаяпсизларми?» деган саволимизга улар самимий бир кўрк билан жавоб берадилар: «Биз нафақада эмас, ижодий таътилдамиз». Офтобхон опа камтарлик билан кўшиб кўяди: «Мен муттасил услубий қўлланмалар ёзиш билан бирга, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси нуроний аёллар кенгашини ҳам жамоатчилик асосида бошқариб бораман. Хуллас, зерикиш учун бўш вақтнинг ўзи йўқ-да, укажон».

Дарвоқе, айрим манбаларда келтирилишича, «омон» сўзи ҳам қуёш маъносини билдирар экан. Бир хонадонда икки қуёш порлаб, чарақлаб турибди. Шубҳасиз, Омонжон ака ва Офтобхон аяларнинг хонадонлари – қуёшни бағрига босган хонадон. Бу хонадон Фарғонамизнинг маънавият ўчоқларидан бўлган хонадонлардан бири дегимиз келади.

Ҳа, оққан дарё оқаверар экан-да. Юрак-юрагимдан бу дарёдил кишилар хонадонига умрбоқийлик тиладим ва шу хонадонга кўнгил яқинлигимдан беҳад фахрланиб кетдим.

Сизнинг боғингизда қушлар эркалаб,  
Учишга шайларди болаларини.  
Биз эса сиз билан эрталабгача  
Тинглардик Таваккал нолаларини.

Фарзанд, набиралар ўзи бир олам,  
Таишишларни ўйлаб қочар хобингиз...  
Уйингиз чарогон айлайди ҳар дам,  
Куйининг адаши – Офтобхонингиз.

Доим куй тинглайсиз хаёлга чўмиб,  
Гоҳида куйлайсиз қадим қўшиқлар.  
Назми таъбингизга эгизак бўлиб,  
Меҳмонни қўл очиб кутар эшиклар.

Шеърингиз юзида порлайди сеҳр,  
Кўзгуда ойнанинг шуъласи каби.  
Кўзингизда яшар бир буюк меҳр,  
Умрингиз – ёшларга ҳаёт мактаби.

Баъзан чарчатгандек турмуш гавгоси,  
Соз ўрнин олади зангламас кетмон,  
Сархуш этар балки майса ишваси,  
Деҳқоннинг коридан ором олар эсон.

Ҳар йили турфа хил гул ниҳол экиб,  
Қарайсиз, улайсиз танасин ёриб.  
Сархил меваларни дўстларга тутиб,  
Ёзилар беором кўнгил хумори.

Фақат мадҳ этмасдан ўйлайсиз юртни,  
Шу юрт келажагин ўйлаб бедорсиз.  
Озодлик шаклинда буюк мақсадни  
Барқарор этганлар сафида борсиз.

Оллоҳ ёр этибдур сиздай инсонга,  
Муҳаббат аталмиш муқаддас дардни.  
Мен ҳам кўз-кўз қилай бутун жаҳонга,  
Сиздай ҳамдard дўстни, сиздайин мардни.

**Гулом ФАТҲИДДИН,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## Мундарижа

|   |   |
|---|---|
| Сўзбоши .....                                     | 3 |
| Иброҳим Фафуров. Покланишдан бошланур Ватан ..... | 4 |
| Матдуба Деҳқон қизи. Юрак айтимлари .....         | 6 |

### I. Дилдаги гаплар

|                                       |    |
|---------------------------------------|----|
| Яхшилар ёди .....                     | 8  |
| Фаҳрия .....                          | 9  |
| Юртбошимга .....                      | 10 |
| Фермер Каримжон ҳожи ота .....        | 11 |
| Ўтмишдан бир лавҳа .....              | 18 |
| Фарғона истиқлол остонасида .....     | 24 |
| Уч тилак гунча мисоли... ..           | 27 |
| Халқ дардига малҳам бўлиб... ..       | 28 |
| «Сен ғанисан...» .....                | 30 |
| «Нафақахўр»ми ёки?... ..              | 33 |
| Юракда ўт билан яшади .....           | 34 |
| Хўканди латиф фарзанди .....          | 36 |
| Алломаи замон эди .....               | 38 |
| Лоғонлик шоир .....                   | 40 |
| Лоғонда ўриклар ўзгача гуллайди ..... | 42 |
| Сўлим гўшалар .....                   | 44 |
| Шох ва шоир .....                     | 47 |
| Тўйхат .....                          | 48 |
| Табаррук мактуб .....                 | 54 |
| Таҳсиннома .....                      | 56 |
| «Бек болангмиз, Бешбола!» .....       | 59 |
| Бешболалик Баҳодир .....              | 66 |
| Омадли йигит .....                    | 69 |
| Устоз наволари .....                  | 78 |
| Донишманд устоз .....                 | 81 |
| Дилкаш инсон эди .....                | 84 |
| Йўлчи Тошпўлатов ким? .....           | 85 |
| Эл фарзанди .....                     | 86 |
| Сув келтирган элда азиз... ..         | 88 |

|                                     |     |
|-------------------------------------|-----|
| Эзгуликка бахшида умр .....         | 91  |
| Ҳикмат сабоғи .....                 | 93  |
| Оила – меҳрдандур .....             | 94  |
| Устоз .....                         | 95  |
| Қоровултепадан Водил кўринади ..... | 97  |
| Окибат .....                        | 100 |
| Соғиниб келдим .....                | 101 |
| Яхшиликдан яралган олам .....       | 103 |
| Қўша қариганлар .....               | 105 |
| Меҳр .....                          | 107 |
| Назаркарда .....                    | 109 |
| Булбулкори ҳақида .....             | 112 |

## **II. Устозлар бисотидан**

|  |     |
|--|-----|
| <i>Толибжон Турсунов, Расулжон Камолов.</i>                  |     |
| «Нафақадаман, демак эъзоздаман» .....                        | 114 |
| <i>Аъзамжон Ортиқов. Зумрад майсаларда биллурий сирға...</i> | 117 |

## **III. Таваккал Қодировни хотирлаб...**

|   |     |
|---|-----|
| Шайдолик меҳри .....  | 124 |
| <i>Жалолиддин Охунов. Эҳтиросли кечалар</i> .....           | 125 |
| <i>Соҳиба Абдураҳмонова. Кўклам мадҳияси</i> .....          | 137 |
| <i>Муҳаммадсоли Юсупов. Устоз назари</i> .....              | 140 |
| <i>Раънохон Алиева. Дадамнинг содиқ ва эрка дўсти</i> ..... | 142 |
| <i>Тўлқинжон Ҳайдаров. Марсия</i> .....                     | 144 |

## **IV. Юрак изҳорлари**

|  |     |
|--|-----|
| <i>Маъмура Абдураҳимова. Юрт бошида парвоналар</i> .....           | 144 |
| <i>Ойдин Ҳожиева. Шоир</i> .....                                   | 147 |
| <i>Толибжон Турсунов, Аъзамжон Ортиқов. Окибатга офарин!</i> ..... | 148 |
| <i>Воғиз Музаффаров. Ҳассос қалбли ижодкор</i> .....               | 153 |
| <i>Матлуба Деҳқон қизи. Кўнгил ободлиги – эл ободлиги</i> .....    | 155 |
| <i>Раҳимахон Сафо қизи. Эътироф</i> .....                          | 160 |
| <i>Ғулом Фатҳиддин. Куёшни бағрига босган хонадон</i> .....        | 162 |



*Адабий-публицистик нашр*

**Омонжон ҲОШИМОВ**

**КЎНГИЛ ДАФТАРИ**

*Муҳаррир:*

Ҳаётжон Бойбобоев

*Тех. муҳаррир:*

Назиржон Ҳошимов

*Дизайнер:*

Сотволди Ҳасанов

Нашриёт лицензияси: А.І.№ 162. 2009 йил 14 август.

Теришга берилди: 10.05.2016 й. Босишга рухсат этилди:

05.09.2016 й. Бичими: 60x84<sub>1/16</sub>. Нашриёт босма табағи: 10,5.

Шартли босма табағи: 10,75. Times гарнитураси. Офсет  
узулида босилди. Адади: 1000 дона.

Буюртма №: 279.

«ФАРҒОНА» нашриёти.

150114. Фарғона шаҳри, Соҳибкирон Темур кўчаси, 28-уй.

«PRINT LINE GROUP» ХК босмаҳонаси.

100097. Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.



## **Омонжон ҲОШИМОВ**

1942 йилда Фарғона тумани Бешбола қишлоғида туғилган.

«Омонлик баёзи», «Эй, дийдори ширинларим» шеърӣ тўпламлари, тарихий-публицистик мавзудаги «Бир болангман, Бешболам», «Бунӣ умр дерлар», «Бизни ташлаб...» китоблари «Фарғона» нашриётида чоп этилган.



ISBN 978-9943-980-80-8



9 789943 980808